


MUNDARIJA



29



12



44

JARAYON

3 Akmal Murod

Ilhom ayvoni

6 Azizjon Ermatov

Faxrga yarasha
fidoyilik kerak

NAZM

9 Ikrom Otamurod

Tog'lar – buyuk
sukunat

32 Muslimbek Musallam

Sanobar daraxtlar,
salim daraxtlar

54 Go'zal Ro'ziyeva

Biz – ikki qit'aga
ayrilgan g'urur

NASR

12 Iqbol Mirzo

Zarb


56 Qo'chqor Norqobil

Ertasiga dushanba edi

NIGOH

29 Adabiyot uchun
yashash – millat uchun
yashashdir

54



Muqovadagi
suratni
Bobur PO'LATOV
olgan.



64



56

XAZINA
34 Abdusattor Jumanazar
 Ishonchli qayiq

XOTIRA
44 Yoqubjon Xo'jamberdiyev
 O'zimizning Aytmatov

TADQIQOT
50 Karl Reyxl
 Qahramonning qaytishi

JAHON HIKOYASI
61 Fridrix Dyurrenmatt
 It

HANGOMA
64 Shodmon Otabek
 Bir kuni
 Maqsud Shayxzoda...

9

06.2018
(325)

YOSHLIK

Muassislar:
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
O'zbekiston yoshlar ittifoqi

1982-yildan chiqa boshlagan.

Tahrir hay'ati:
Sirojiddin SAYYID
Minhojiddin MIRZO
Nodir JONUZOQ
G'ayrat MAJID
O'razboy ABDURAHMONOV
Farrux JABBOROV

Jamoatchilik kengashi:
Qahramon QURONBOYEV
Iqbol MIRZO
Abdurasul ABDULLAYEV
Rustam NOSIROV
Rustam QOBILOV
Ahmad OTABOYEV
Shuhrat SIROJIDDINOV
Serobiddin ISMOILOV

Bosh muharrir:
Faxriddin HAYIT

Bosh muharrir o'rinbosari:
Nurilla CHORI

Mas'ul kotib:
Sa'dullo QURONOV

Adabiy muharrir:
Husan MAQSUD

Mas'ul muharrir:
G'iyosiddin O'NAROV

Badiiy muharrirlar:
Farrux ERMATOV
Akbarali MAMASOLIYEV

Manzilimiz:
 Toshkent shahri, Alisher Navoiy
 nomidagi Milliy bog', Adiblar xiyoboni,
 Yozuvchilar uyushmasi binosi.
 E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz
 Veb sayt: www.yoshlikjurnali.uz
 Tel.: (0371) 231-20-58, 231-20-59

Navbatchi muharrir: S. Quronov
 Bosishga 28.06.2018-yilda ruxsat berildi.
 Qog'oz formati: 30x42 1/4
 Nashriyot hisob tobog'i: 8,7
 Indeks – 822.
 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007-yil
 4-mayda O'zbekiston Matbuot va
 axborot agentligi tomonidan № 0253
 raqami bilan ro'yxatga olingan.
 Jurnalidan ko'chirib bosilganda
 "Yoshlik" dan olindi" deb izohlanishi shart.
 "SILVER STAR PRINT" MChJ
 bosmaxonasida chop etildi.
 Buyurtma № 54. Adadi: 3850
 Toshkent shahri, Uchtepa tumani,
 22-mavze, 17-uy.

Ilhom ayvoni



Ижодкор биз – оддий одамлар кўрмайдиган, оддий назар илғамайдиган нозик ва сирли гўзалликларни кашф қилади. Бу кашфлар таъбирини сўрасангиз, ўқ илдизларининг бир учи истеъдогга, бир учи илҳомга бориб тақалади. Бироқ ўзак ўша-ўша – меҳнат ва бедорликдан сув ичади. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ижоди шеърят шайдолари учун фавқулодда янгилик хазинаси бўлиб яралди. Адабиётшунос Омонулла Мадаев суҳбатларидан бирида бу “хазина” ҳақида сўз юритар экан, шундай дейди: “Барг остидан иболи гунчанинг мулойим боқиши, гуллар ошиқ булбулнинг шеър дафтари экани, қуёш этагига оқ булут боғлаб ўрик шоҳларида бодроқ қовуриши, яна шу қуёшнинг ўзи мажнунтолнинг ювилган сочларини тарашини, қўйингки, “инсон ўлмас, аста ва аста боқийликка ўтади, холос” лиги фақат туғма дилбар шоир кашфиёти

бўлиши мумкин. Ахир, бор-йўғи ўн олти ёшга кириб-кирмаган Эркин инсон камтарлиги учун пиёланинг пешонасидан ўпишини топган-ку!”

Ўн олти ёшга кириб-кирмаган Эркин (мактаб ўқувчиси!)нинг камтарлик ҳақида битган камтарин ижоди. Бугун ёш ижодкорларда деярли кузатилмаётган, кашфи илҳом кутилаётган ҳақиқат шу: шеърят хазинасига чинакамига улуш бўлиб қўшиладиган соф “тилло”лар жаранги! Ватан ҳақида бежирим ташбеҳларни устма-уст қалаштириб ташлашни дўндирамыз, қофияларни ҳам қойиллатамыз. Бироқ ҳали улар ичида “Ўзбегим” чалик асил жарангни эшитганимизча йўқ. Қолбуки, бу қасида Ўзбекистонни Ватаним дейиш, Амир Темурни аждод дейиш тақиқланган бир замонда яралган. Ўша давр мезони билан ўлчанганда, уқувли китобхон қалбида тасаввурга сигмас даражада тўфон ҳосил қилган. Мана шундай ижод қилиш учун катта юрак керак, мардлик, жасорат керак.

Шундай танти, жўмард инсонларни тарбиялаш вазифаси ҳамишагидек таълим ва ижод гарданидаги масъулият бўлиб турибди. Фикрларимизни айни жараён билан боғлаган ҳолда,

янги ўқув йилидан энг шимариб иш бошлашга шай турган Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби, бу жойда яратилган шарт-шароитлар мисолида давом эттирамиз.

Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби

- Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги қарори асосида ташкил этилган.
- Марғилон шаҳрида жойлашган.
- Она тили ва адабиёт фанини чуқур ўқитиш ҳамда хорижий тилларга ихтисослашган.
- 2018–2019 ўқув йилида мактаб-интернатнинг 5-8 синфларига 30 нафардан ўқувчи қабул қилинади.
- Синфхоналар, маҳорат дарслари хонаси, Эркин Воҳидов галереяси, кўп ўринли фаоллар зали, 80 ўринли ётоқхона, илҳом айвони – барчаси замон талабларига мос.

Азал-азалдан адабиёт ва санъат ўчоғи бўлмиш Марғилон шаҳрида ижодкорлар боғининг ташкил этилиши том маънода тарихий воқеа бўлди. Ўн олти гектарлик майдонга ташриф буюрган меҳмонларни устоз Эркин Воҳидовнинг азим ҳайкали кутиб олади. Меҳмонлар – ёшу қари, катта-кичик – бу ерга интиқиб келиб-кетаётир. Хаёлда эса устоз уларга ҳамон баралла шеър ўқиётгандек:

*Мен шеър ёзсам,
Ўқисам уни,
Тинглаганлар қарсак галмаса.
Бирор кимса бирор сўзини
Ёдида ҳам сақлаб қолмаса.
Фақат биттагина бўз ўғлон
Уйга қайтгаг, йиғласа тўлиб.
Йиглаб-йиглаб тонг бўзарган он
Уйғонса у Алпомиш бўлиб.*

Ижодкорлар боғининг сўл томонида Миллий айвон. Унда



жойлашган сўриларда бир пиёла чой устида гурунг қизигандан қизийди. Нуроний отахонлар, кайвони онахонлар суҳбати ёзса ёзгулик асарга эврилади. Бу жой ана шундай ижод айвони бўлади. Зумрад осмонга қараб бўй чўзаётган оқ қайин, лолалар, каштан ниҳоллари, алвон чечаклар бизни Эркин Воҳидов номидаги Мемориал музейга, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими, очиқ осмон остидаги Халқ кутубхонаси томон чорлайди. Қувонарлиси, шоир номи билан аталган мактаб-интернат ана шундай маънавият ўчоғларига туташ қад ростлаб турибди. Бундай шоирона муҳитда ўқиб-ўрганаётган ўғил-қизларнинг илҳоми жўшмай, кимники жўшсин.

– Муҳташам мактаб-интернатимизга қадам қўйган киши борки, ҳайратда, кўнгли яйраб кетяпти, – дейди мактаб-интернат директори Нигора Маннопова. – Айниқса, катта авлод вакилларининг ёшларга ҳаваси келаяпти. Ҳамид Ғулومнинг дилимиздан чуқур жой олган “Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди” сатри бот-бот эсланаётир. Чиндан ҳам, мактаб-интернатда ўқувчиларнинг таълим олиши учун синф хоналари замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Ҳар бир синфхонаси видеопроектор, компьютер жамланмалари билан янги ўқув йилига шай. Буларнинг бари Президентимиз томонидан ижод мактаблари олдига қўйилган эзгу мақсад ва вазифаларнинг самарали адо этилиши учун хизмат қилади. Жаҳонда ғоявий таҳдидлар авж олган айни пайт-

да, “оммавий маданият” этаги ортига бекинганлар исканжасидан халос бўлишнинг, дейлик, кўнгилни асрашнинг бирдан-бир йўли – СЎЗ сеҳри. Қалбга йўл очишда бундан самаралироқ, айни дамда бундан машаққатлироқ сафар йўқ. Азалдан халқимизда адабиёт мактаби вазифасини ўтаган навоийхонлик, бедилхонлик, фузулийхонлик ва машрабхонлик анъаналарини йўлга қўйиш, халқ оғзаки ижодидан тортиб жаҳон адабиётининг сара асарларини чуқур ўрганиш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бизнинг ниятимиз шу. Бу борада мактаб-интернатимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Фарғона давлат университети билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиб, таниқли ижодкор ва тажрибали адабиётшуносларни дарс жараёнларига



босқичда шаффоф амалга ошириш талаб этилади. Ҳозир ўқувчиларни қабул қилишнинг илк саралаш босқичи бўлиб ўтган. Бунда жами 495 та ўқувчидан 109 нафари навбатдаги босқичга йўлланма олган. Мактаб-интернатимизга келиб тушаётган мурожат ва аризаларни инобатга олган ҳолда қўшимча ижодий саралаш ташкил этилади.

...Мактабга келаётиб, ўқувчилар устоз Эркин Воҳидовнинг ҳайкали қошидан ўтади. Уларда шоир билан ҳар куни юзлашиш бахти бор. Устознинг теран нигоҳи уларни оталарча меҳр билан сўроқлаб тургандек. Бу нигоҳ директор сифатида менинг ҳам зиммамдаги масъулият шарафли эканини эслатиб туради. Бугун сўз ва амал уйғунлигини сарбаланд тутиб комилликка эришиш, миллатга хизмат қилишни ҳаётий дастуриламалимизга айлантириш олдимизда турган саодатли вазифамиздир.

Ўқувчилар шоир ижодининг ўзиданоқ тенгсиз хазина – луғат бойлигига эга бўлади. Туркиялик олим Ҳусайин Байдемир бир мақоласида устоз Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати” китоби ҳақида шундай дейди: “Туркий тиллар Маҳмуд Кошғарий, Навоийлардан кейин эгасиз қолган эди, гўё... Бу лоқайдлик ҳам Туркистонда, ҳам Туркияда юз йиллар давомида қора булут каби бошимиз узра айланиб турди. Қора булутни тарқатиб юборадиган Кошғарий ёки Навоийдек кучли шамолга эҳтиёж сезиларди-ю, лекин ҳеч эсмаётган эди. Устознинг мақоласи (“Сўз – забаржад, сўз – гавҳар, олтин”) мана шу шаббоданинг Ўзбекистон тупроқларида янгидан жонланганидан дарак бергандек бўлди”.

Биз эса бу дамда Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида таҳсилни бошлаш арафасида турган ўғил-қизлар илҳоми, ижоди кун келиб “кучли шамол”га айланишидан умид қилиб қоламиз...

Акмал МУРОД



жалб этмоқчимиз. Маҳорат сабоқларини мунтазам ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини ўстириб боришни режалаштирганмиз. Мисол учун, ёш иқтидор эгалари 5-6 синфда умумий адабиёт назариясидан сабоқ олса, 7-синфда уларни қизиқиши, касб танлови ва ижодий салоҳиятига қараб назм, наср, бадиий публицистика, бадиий таржима ҳамда драматургия йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган ҳолда ўқитишни кўзда тутганмиз. Бу мақсад йўлида эса нафақат иқтидорли ўқувчиларни, балки маҳоратли педагогларни танлаб олишни ҳам бир неча

Faхrgа yarasha fidoyilik kerak



Азизжон ЭРМАТОВ

1984 йили туғилган.
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университетининг
халқаро журналистика
факультетини тамомлаган.

Америка тарихида ўзига хос ўрин қолдирган президентлардан бири Аврам Линколн шундай деган экан: “Менга бобомнинг кимлиги эмас, унинг набираси қандай одам бўлиши муҳим”. Ота-боболаримизнинг ишларига маҳлиё бўлиш, улар билан қуруқ фахрланиш, “Биз буюклар авлодимиз!” деган юзаки ҳайқириқлар кучайган сўнгги пайтларда юқоридаги гапнинг долзарблиги ортади.

Бу билан биз ота-боболардан юз ўгириш, уларнинг ҳаётига қизиқмаслик лозим, деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Демокчимизки, қуруқ фахрланиш ва ҳайқириқлардан воз кечиб, ватан, халқ, давлат билдираётган ишончни оқлаш йўлида астойдил ҳаракат қилиш керак. Юрт келажаги учун виждонан – бу фарзандлик бурчим, деб яшашимиз, меҳнат қилишимиз лозим.

Илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланиши, ҳар бир давлат ва жамиятнинг юксалиши ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, истеъдоди ва қобилиятларига боғлиқ. Зеро, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир.

Таҳририятдан: Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониغا кўра мукофотландилар. Уларнинг сафида журналимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган бир нега навқирон ижодкорлар бор. Хусусан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси аъзоси, шоир Носиржон Жўраев, “Ziyouz.uz” веб-сайти бош муҳаррири Давронбек Тожиалиев, “Ёшлар овози” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Наргиза Умарова, Фаргона вилояти Уткўприк тумани ҳокимлиги нашри – “Янги Фаргона” газетаси бош муҳаррири Азизжон Эрматовни кўриш мумкин.

Қадрли муаллифларимизнинг соҳага қўшаётган ҳиссаларига зафар, ижодий изланишларига парвоз тилаймиз.

Давлатимиз раҳбари нафақат юртимиз, балки бутун дунё ёшларининг эртаси, келажак тақдири хусусида жон куйдириб, юқори минбарларда таклиф билан чиқмоқда. Жумладан, БМТнинг 72-сессиясида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этилиши ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати қабул қилингани оламшумул аҳамият касб этишини бутун дунё эътироф қилмоқда. Хўш, бу масалада нега айнан Ўзбекистон таклиф билан чиқди? Ҳозирги глобаллашув замонида қайсидир иллат бирор давлат ичида қолиб кетмаяпти – сарҳадлар ошиб, кенг ёйилмоқда. Ҳеч бир давлат “ўзимизнинг ёшларимизни тарбияласак бас, бошқа ҳеч бир иллат бизга яқин келмайди” деган ўй билан сиёсат юритиб бўлмаслигини бугунги кунда бўлиб ўтаётган воқеалар исботламоқда. Шу сабабдан,

ёшлар масаласи мамлакат доирасидан чиқиб, бутун дунёнинг асосий мақсад-муддасига айланди. Президентимиз БМТ минбаридан туриб айтган гапларига қулоқ тутинг: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз”.

Дарҳақиқат, ёшлар масаласи ҳар доим давлатларнинг узоқ муддатли ривожланишини таъминлашга қаратилган барча стратегияларда акс эттирилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам бу борада истисно бўлмади. Унда алоҳида бўлим давлатнинг ёшлар сиёсатини такомиллаштиришга бағишланган. У Ўзбекистоннинг 10 миллион фуқароси ёки мамлакат аҳолисининг 31 фоизини ташкил этувчи ёшларга нисбатан давлат сиёсатининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор устувор вазифаларни қамраб олади. Ҳеч бир давлат йўқки, Ўзбекистон каби деярли икки-уч йилда ёшлар ҳаётига дахлдор қонун ва қарорлар лойиҳаси ишлаб чиқилади, қабул қилинади ҳамда амалиётга татбиқ қилса...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 27 июнида имзолаган фармонига мувофиқ қабул қилинган “Ёшлар – келажакимиз” Давлат дастурида “замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шarti” экани таъкидланади.

Сўз исботи билан, деганларидек юқори минбарлардан дунё ҳамжамиятига қилинган бундай мурожаатларнинг мазмун-моҳияти юртимиз миқёсда амалга ошириляётган ёшларга оид давлат сиёсатида ҳам ўз аксини топмоқда. Чунончи, ёшларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган ва имконияти чекланган оилалар фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзлар яратиш, олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг янги ва самарали механизмларининг ишлаб чиқиши, китобхон ёшларни кашф этиш ҳамда уларни рағбатлантириш шулар жумласидандир.



Аммо, тан олиш керакки, ёшлар билан ишлашда ҳамон камчиликлар мавжуд. Жумладан, катта мақсадлар билан тузилган Ёшлар иттифоқининг ҳудудий бўлимлари ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлашга, уларнинг муаммоларини ҳал этишга етарлича эътибор бермаётгани афсуски, ҳақиқат. Ташкилот ўтказаятган айрим тадбирлар дабдабозлик, ўзини «кўз-кўз» қилишга ўхшаб қолаяпти. Ҳатто давлат раҳбари ҳам бот-бот таъкидлаганидек, жойлардаги тўртта сектор раҳбарининг аксарияти ҳали ёшлар масаласи билан фаол шуғулланмаяпти, маҳалла қўмиталари, бошқа жамоатчилик ташкилотлари ва таълим муассасаларининг бу борадаги ишлари қониқарсиз, туман ва шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, туман ички ишлар бўлими бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари жонбозлик кўрсатаяпти, деб бўлмайди.

Шу ўринда айрим рақамларга эътибор қаратайлик. Жорий йилнинг ўтган даврида содир этилган 17,5 минг жиноятнинг қарийб 31 фоизи ёшлар ҳисобига тўғри келмоқда. Мамлакат бўйича жиноят содир этган 22 минг шахснинг тенг ярми – 11 минг нафарини ёшлар ташкил этмоқда.

Афсуски, коллеж ва мактаб ўқувчилари орасида ҳам жиноятларни сезиларли даражада камайтириш таъминланмаётгани ҳам ҳақиқат. Жорий йилнинг биринчи ярмида жами 371 ўқувчи жиноят содир этган. Коллеж ўқувчилари жиноятлари сони Сирдарё, Жиззах, Наманган ва Самарқанд вилоятларида кескин ошган. Мактаб ўқувчилари жинояти асосан Жиззах, Навоий, Бухоро, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади. Хоразм, Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида вояга етмаганлар томонидан қотиллик жиноятлари содир этилгани янада аянчлидир ва мазкур ҳудудларда ёшлар билан ишлашни янада яхшилаш кераклигини кўрсатади.

Ёшлар ўртасидаги муаммолар, жумладан, жиноятчиликнинг илдизи аксар ҳолларда ишсизликка бориб тақалади, десак хато бўлмайди. Жойларда ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида жиддий муаммолар мавжуд. 1700 дан зиёд меҳнат ярмаркаси ўтказилганига қарамай, уларда иштирок этган ёшларнинг атиги 5 фоизигина ишга жойлаштирилгани, сўнгги бир йилда 509 минг нафар ёшлар узоқ муддатга чет элларга чиқиб кетгани ишга масъулиятсиз ёндашувдан далолат беради.



Ишонамизки, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида амалга оширилиши белгилаб қўйилган мазкур Давлат дастури, энг аввало, юқоридаги нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда ҳеч қандай баландпарвоз нутқлару дабдабали тадбирларсиз ёшларни аниқ моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш имконини беради, ёшлар масаласида масъул бўлган ҳар бир кишига катта масъулият юклайди.

Дарҳақиқат, ёшлар – келажак бунёдкори. Бу шиор ҳар бир йигит-қизни шу азиз юрт, шу муқаддас заминнинг эртанги истиқболи учун фидойи бўлишга даъват этади. Шу билан бирга, ҳар бири-мизда Ватан равнақига дахлдорлик ҳиссини оширади. Айни чоғда, мазкур сўзлар замирида ёшларга билдирилган юксак ишонч ҳам мужассамдир. Шубҳасиз, бугун янги-янги ташаббуслар билан чиқаётган, барча соҳаларда улкан ютуқларга эришаётган, ўз билим ва маҳоратлари билан Ўзбекистон номини жаҳонга таратаётган юрти-миз ёшлари ана шу юксак ишончга муносиб бўлишга астойдил ҳаракат қиладилар. Зеро, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш – энг олий бахт.

Tog'lar – buyuk sukunat

Turkum

* * *

...О, тоғлар,
тоғлар,
тоғлар,
канглумнинг тубида тоғлар
сираси.
Канглумни ҳамиша ерга боғлар
тоғларнинг сеҳрли қирраси.

...О, тоғлар,
тоғлар,
тоғлар,
канглум сиймосида тоғлар
бажоси.
Канглумни доимо кўкка иноғлар
тоғларнинг мўъжиза ижоси.


...О, тоғлар,
тоғлар,
тоғлар...

* * *

...Тоғлар – буюк сукунат,
тоғлар – сукутга ботган.
Сукунат қаъри қат-қат –
дардлар,
дардлар тош қотган...

Офтоб ёндош бўлса-да,
офтоб шундоқ қўнса-да,
офтоб меҳрин берса-да,
сукунат қаъри қат-қат –
дардлар,
дардлар тош қотган...

...Асрлар...
...Асрлар...
...Асрлар...



Икром ОТАМУРОД

1951 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университети (аввалги
ТошДУ)нинг журналистика
факультетини тамомлаган.
“Вақт ранглари”, “Жануб
қушлари”, “Тўрғайли
манзиллар”, “Уфқлар орти
бепоён”, “Харитага тушмаган
жойлар”, “Узоқлашаётган
оғриқ”, “Сопол синиқлари”,
“Сен”, “Ичкари ва ташқари”,
“Рухимнинг қайғуси”,
“Канглум, ўзинг”, “Тавр”,
“Тағаззул” шеърий
китоблари чоп этилган.



...Бўронлар ялаб ўтган,
 ёмғирлар ювиб кетган
 ва қорлар қуғиб ётган
 сукунат қаъри қат-қат –
 дардлар,
 дардлар тош қотган...

Шунданми,
 қаърин ўйиб,
 ёшлари гак-гак томар?
 Дарёлари йўл бўйи
 шиддат билан тўлғонар.
 Сукунат қаъри қат-қат –
 дардлар,
 дардлар тош қотган...

...Асрлар...
 ...Асрлар...
 ...Асрлар...

Тоғлар – буюк сукунат,
 тоғлар – сукутга ботган.
 Сукунат қаъри қат-қат –
 дардлар,
 дардлар тош қотган...

...Тоғларга йўл олар сўқмоқлар,
 сўқмоқлар –
 тоғларнинг хислати.
 Тоғларнинг даркорин сўроқлар,
 сўроқлар –
 матлубнинг вуслати.

Тоғларга йўл олар сўқмоқлар,
 сўқмоқлар –
 тоғларнинг тизиги.
 Тоғларнинг вожибин қўноқлар,
 қўноқлар –
 эътимод ёзиғи.

Тоғларга йўл олар сўқмоқлар,
 сўқмоқлар –
 тоғларнинг пайванди.
 Тоғларнинг рошида йироқлар,
 йироқлар –
 яқиннинг дилбанди.

Тоғларга йўл олар сўқмоқлар,

сўқмоқлар –
 қиялаб бойланар.
 Тоғларга йўл олар сўқмоқлар,
 сўқмоқлар –
 суяниб айланар.

Тоғларга йўл олар сўқмоқлар,
 сўқмоқлар –
 тоғларнинг хислати.
 Тоғларнинг даркорин сўроқлар,
 сўроқлар –
 матлубнинг вуслати.

Тоғларга йўл олар сўқмоқлар...

...Кириб келаётган аёз қиш фасли
 табиатнинг йўриғи –
 мўлжали доим.

Изгириннинг зарур қаҳратон тусли
 замуми бирлашиб боради зим-зим.

Қиш кунларин қовиб қишнинг тунлари
 тоғлар тўққиларин бағрига жойлар.
 Қалин қорларнинг ҳадсиз унлари
 муттасил-муттасил қатламли ойлар.

Тоғлар тўққилларин олар эгаллаб,
 қорлар сувратини солиб ўзига.
 Физиллаб кетгайдир совуғин йўллаб,
 сингдириб ҳавонинг қаҳрин кўзига.

Тоғлар заминга қорларни улар,
 қорлар заминга келар мириқиб.
 Қорлар тоғларнинг сийнасин қўллар,
 сирғалиб-сирғалиб борар сириқиб...

...Қорлар –
 тоғларнинг мадади эрур,
 тоғлар қорларни кўтариб турур.

Тоғлар тепасида осмон устунни,
 тоғлар тўққисида қорлар пўстини.

Сингишиб-сингишиб тоғлар энидан
 қорлар тобтоблайти қишнинг қинидан.

Қорлар дарёларга эътимод мадор,
 дарёлар заминга бўлади кўп кор.

Тоғлар осмоннинг елка тасдиги,
тоғлар заминнинг баланд ёстиғи...

...Қорларнинг яхлатар қишнинг ҳавоси,
мадор сабрин бойлар вақтида қорлар...
...Баҳорнинг меҳрли, ажиб маъвоси
тоғларнинг интизор қорларин горлар...

...Тоғларнинг қирларин шамоллари
тоғларга йўл олиб –
йўлланар.
Тошларнинг мумгин жамоллари
тоғларнинг сиртига силанар.

Тоғларнинг қирларин гиёҳлари
тоғларга бир лаҳза бойланар.
Гиёҳларнинг ожиз оҳлари
тоғларнинг дардига айланар.

Тоғларнинг қирларин қушлари
тоғларга интиқ қанот қоқар.
Қушларнинг илтижо тушлари
тоғларнинг гўққиларига боқар.

Тоғларнинг қирларин шамоллари...

Тоғларнинг қирларин гиёҳлари...

Тоғларнинг қирларин қушлари

...Тоғлар интилади самога,
само тоғларга йўналади.
Умидини жойлаб тимога
борлиқ тоғлардан қўн олади.


Самога туташади тоғлар,
уфқларнинг гегарасида.
Само ўзин бағрига боғлар
тоғлар кўксин тутиб расида.

Бош қўяди само тоғларга,
тоғлар дардин самоси бўлиб.
Асносини менга заб доғларга
жимжит тоғлар бардошга тўлиб.

Само тоғларнинг қаср-қуббаси,
тоғларнинг сийнатида само.
Силайди,
улайди мўъжизасин
само,
тоғлар муроди имо...

Zachb

Qissa



Расмларни Аслиддин КАЛОНОВ чизди.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Ота-онам узоқда

- Ҳой бола, кимсан? Бу ерда нима қиляпсан?
- Машқ қиляпман.
- Қачон тўгаракка аъзо бўлдинг? Сени аввал кўрмаганман-ку.
- Аъзо бўлмоқчидим, Рустам ака рухсат бермадилар.
- Нега?
- Ота-онаминг розилиги керак экан.
- Улар норозими?
- Ота-онам узоқда. Жуда узоқда.
- Усти-бошингга қараган одам бойвачча деб ўйлайди. Анави от ҳам сени-кими?
- Ҳа, меники. Унчалик камбағалмасмиз. Фақат отам...
- Қўявер. Агар ростдан боксчи бўлмоқчи бўлсанг, Рустам акани ўзим кўн-дираман. Ҳар кунги машқдан ташқари кечки пайт алоҳида шуғулланаман. Хоҳласанг, эртага шу маҳалда кел. Бирга машқ қиламиз.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири.

– Исминг нима? Меники Тоҳир.
– Азизман. Кел, машқни бошладик. Аввал беш чақирим югураимиз. Чигилёзди учун.

– Боксчи бўлиш учун ҳам югуриш керакми?
Отда чопсам бўлмайдимми?

– Ҳазилкаш экансан, отда чопсанг улоқчи бўласан. Рақиб рингни ташлаб қочганда етволиш керак, тўғрими?

– Ҳа, чопдик унда!

Ҳе, қовунчи!

Туғруқхона ҳовлисида хушхабар кутиб турган Алихон овчи қўлидаги икки яшар чамасидаги болакайнинг илкис қўлтиғидан тутиб, имкон қадар ўзидан узоқлаштирди:

– И-и-и, ана-а, ҳа бола бўлмай... сийғоқ! – Кулимсираб қараб турган Рустам, Нўъмон ва Ҳидоятга арзиҳол қилди, – бунақа сумакчалардан уйда яна иккитаси ўтирибди. Шу турҳатимни милтиқдош оғайниларим кўриб қолса борми? Бир умрга мушаквозлик бўлади-да ўзиям. Ҳа, нима дейсан, Алихон овчи “лалай-лалай” қилиб туғруқхона ёнида кичкинасини тўсиб ўтирибди. – Овчи болани ўнг қўлтиғига олиб, чап кафти билан пешонасига шапиллатиб урди. – Аммо-лекин, хотин бечора бу чурвақаларни қандай эплайди, мен ҳайрон. Бир йилча олдин вей, хотин, дедим, ҳа, дадаси, деди, милтиқчиларни қаторлаштириб ташладинг, раҳмату, аммо-лекин ўзингга қўлингдан супургингни оладиган битта қизалоқ туғиб олсанг-чи, дедим, хўп бўлади, дадаси, деди, мени армонда қўйма, дедим, кимсан Алихон мерган деган номим бор-а, дедим, тикка айтдим, яна хўп, дадаси, деди. Қани кўрамиз, ваъдасида турадимми-йўқми... Лекин, аввало, пошшо – Эгам... – Кейин кўмак кутиб Ҳидоятга юзланди, – сингил, буни иштончасини алмаштириш керакмикан-а? Яхшиям эҳтиёт шарт қайнонам қўйнимга қуруқроғини тикиб қўйганди...

Ҳидоят “хўпписим-ей”, деб болакайни қўлига олиб, иштончасини ечаётганда туғруқхона эшиги очилиб, ҳамшира Рустамни чақирди:

– Сиз келинг.

– Менми?

– Ҳа, сиз.

– Мен эмас, отаси – буёқ.

– Сиз кириг, сизда иш бор.

– Тушунмадим?

Рустам жиддий тортган хотинига хижолатомуз бир қараб қўйиб, ичкарига кирди.

– Дўстингизнинг аёли қиз туғди, – деб гап бошлади ҳамшира. – Изиллаб йиғлапти. Учинчи қизи экан-у.

– Қизам фарзанд, нимага йиғлайди?

– Шуни дўстингизга ўзингиз айтинг.

– Нега мен? Ия, тўхтанг, ўзидан суюнчисини олмайсизми?

– Аввалгисида дўпписини ерга уриб бақириб берган экан. Худди биз айбдордай. Нима экса, шуни ўради-да.

Рустам ташқарига чиқиб, бир муддат тараддуланиб қолди.

– Нима бўлди? Тинчликми? – деди Нўъмон пешонаси тиришиб.

– Фарзанд муборак, дўстим, – уни бағрига босди Рустам. – Умри билан, ризқи билан берган бўлсин!

Нўъмон унинг қучоғидан силтаниб чиқиб, қаттиқ тикилди:

– Гапирасанми? Ё ўзим сўрайми?

– Нима дей? – Рустам бир оз сукут сақлаб, давом этди. – Табриклайман.

– Эсон-омон қутулиб олди-ку, Худога шукур, – таскин берган бўлди гап нимадалигини англаган Ҳидоят.

Кутавериб тоқати тоқ бўлган Алихон овчи болохонанинг ўртанча деразасини мўлжаллаб бақирди:

– Хўв тепадагилар! Бирор янгилик бўладими, йўқми? Бу ерда энасини кутиб осмонга термилган етим каклик жўжадай тураверамизми? У ёқда қозонга жуфтга қашқалдоқни қайнатмага ташлаб келганмиз. Қозонга тирмашиб, қоқмоч бўп кетгандир!

Нўъмон овчи томонга паришон қараб қўйди-да:

– Қизми? – деди бўшашиб.

– Шунақа. Ҳолва.

– Балки янглишишгандир. Ўзим кириб сўраб кўрай-чи. – Нўъмон эшик томон юра бошлади.

– Нега янглишади? Қирқта чақалоқ туғилгани йўқ-ку.

– Оббо, ўғил кутгандигу. – Нўъмон дўпписини ечиб, кафтига урди. – Ўғил!

– Энди, оғайни, қиз ҳам фарзанд. Ношукур бўлма. Учта қиз катта қилган жаннати бўлади.

– Акамниям ўғли йўқ. Учта қизи бор. Дадам ҳовлига чиқиб: “Бу ҳовлининг эгаси бормикан, ё биздан кейин саватбошларга қолармикан?..”, деб нола қип қолади.

– Кимдадир шуям йўқ. Тирноққа зорлар қанча, – деди Рустам эзилиб.

– Масалан, биз... – Ҳидоят шундай деб гап бошлади-ю, тилини тишлади. Хижолат чекиб, беихтиёр машина ёнига бориб, эшигини очди.

Иккинчи қават ойнаси тарақлаб очилиб, дурра-сини қия ўраган доя пастга қараб шанғиллади:

– Салимахонни хўжайини! Ҳов Салимахонни эри! Сизми? Ҳа, суюнчини қийиққа ўраб буёққа отаверинг, ўгил бўлди, ўгил!

Нўъмон эр-хотиннинг ярасига туз сепгандек айбдорона саросимага тушиб қолди:

– Рустам... Ҳалиги... Ювиш керак энди!

Рустам индамай улов томон юрди. Ойнасини тушириб, нима қилишини билмай турган Нўъмонни чақирди:

– Нўъмон, чик, ўтир!

– Ўзим кетарман.

– Қизларинг ёлғиз қолган.

– Ёлғизмас, қўшни чиқиб қараб турадиган бўлган.

– Ўтир дегандан кейин ўтиргин-да, – деди дўқ аралаш Рустам. Сўнг бирдан юмшаб кулимсиради. – Ҳе, қовунчи!..

Эчки сути шифо

– Кеча бизникида қолган болалардан кичигини касали жиддий. Кечаси билан колхозни қўйига ўхшаб йўталиб чиқди. Худди кўксўвга ўхшайди, – деди ачиниш билан Рустамнинг отаси.

– Кўксўв? – таажжубланди Рустам.

– Ўпка касали, кўк йўтал ҳам дейишарди.

– Ҳеч эшитмаган эканман.

– Ҳидоятинг жуда куюнчак, болажон-да. Эрталабгача шу боланинг бошида ўтириб чиқди-я. Худди ўзини боласидай.

– Ўзим ҳам ҳайрон бўлувдим. Шамоллаш бўлса, тез ўтиб кетарди. Ўпкакасал денг?

– Акасига тайинлаб тушунтирдим. Бу дардга эчки сути шифо. Лекин кўпчиликни орасида юрса, бошқаларга юқиши мумкин.

– Ўзи бир келиб, бир келмаётганди. Келсаям тузалмабсан деб машгулотларга қўймаётгандим.

– Тўғри қилибсан.

– Шу ака-укаларга меҳрим тушган эди-да, дада.

– Нега ўтган замонда гапиряпсан? “Меҳрим тушган”, де. Отасини ўтиб кетганини эшитиб, мениям кўнглим эзилди.

– Дада, шуларни уйга бутунлай кўчириб олиб келиб қарасак бўлмайдими? Қўшни Шаҳобиддинни эчкисиям бор.

– Шаҳобиддиндан ёруғлик чиқиши қийину, бозор тўла соғин эчки. Сотиб олармиз. Фаҳриддин даллолга тайинлаб қўяман.

– Даллолни ўғли менга қатнапти айтганча.

Анча қорувли бола.

– Ҳа, ундай бўлса, яхши. Даллол унчалик алдамайди.

Қайтар дунё бу

– Жавлон бола, хўроз паррандани пошшоси! Биласанми нимага? Ана, билмайсан. Нимагаки, хўрозни бошида тожи бор! Хўпми? Тож кимда бўлади? Яшаб ташла! Пошшода бўлади!

– Расул ака, сассиқпопишакни кўрганмисиз? Ундаям...

– Мен парранда дедим шекилли, Жавлон бола?

– Паррандадан товусдаям тож бўлади. Кейин, гулгулидаям...

– И-е, сен хўроз тарафмисан ё сассиқпопишакми? Иссиғида хайрлашамиз шекилли...

– Мен атайлаб шунақа савол бераман, ўзим билволай дейман-да, жон ака. Ҳар хил ювуқсиз иш-каллар бор, илмоқ ташлаб қолиши мумкин. Ўшанда ҳозир сиздан илаштирган гаплар билан анжирини чиқариб ташлайман. Устозсиз-да, Расул ака!

– Жўжасану, пихини ёргансан, Жавлон бола! Ҳа, бўпти, буёққа қара! Мана бу – эрта баҳорги биртепар, буни тухумини Марғилондан обкелиб бостирганман. Иккитаси макиён чиқди.

– Менга қаранг, Расул ака, баъзи тухумфурушлар курк товўққа бостираман, аслзода, зотдор насл керак, десангиз, тухумни қайноқ сувга бир ботириб, артиб-суртиб тутқазвораркан. Ундан қирқ йилдаям жўжа очиб чиқмайди. Шунақаларниям кўргандирсиз?

– Э, кўпини кўрганмиз. Ҳар хил жанаслар бор. Энг ёмони, ўтган йили Чичқонқишлоқда бўлди. Эшитгандирсан, Рўзи ўрисни маҳалласидаги Муҳиддин шилта нимадан ўлганини?

– Эшитдим, аниғини билмайман. Ҳамма ҳар хил гапиради.

– Аниғи шуки, фалон пулга буюртма қилиб Колумбиядан жангари хўрозни бир жуфт тухумини самолётларда опкелтирса, курк товўқни топиб келгунча, хотини пишириб еб қўйибди. Кейин... шилта... аламига чидолмай... оғилга кириб... – Расул қўли билан бўйни атрофини бир айлантририб, оёқ учида туриб ўнг қўлини осмонга чўзди, – аргамчини галстук қиворибди.

– Йўғ-е, чўнтагида олиб юрмаган экан-да? Ҳа эсиз тухумлар-а? Ўзиям носқовоқдай ажабтовур бўлса керак-а? Расул ака, манави хўроз жуда бошқача-я? Буям Америка-памерикадан келмаганми?

– Дидингга қойил, Жавлон бола! Хўрозни эркаги – шу. Америка тугул Анжанни уришқоқлариниям жилпиллатиб қўяди. Мақсуд Дангални тарбиясини олган. Ҳа, манавиниси – туллак. Бу уч йиллик. Иккаласиниям янги сўйилган қўчқор жигари билан боққанман. Бирор марта қочмаган.

– Ўзингизга ўхшаганакан-да, ака?

– Тўғри. Бизам ҳеч қачон қочмаганмиз. Хў-ўп, қоратомошага қайси бирини оборай? Ҳа, акангни хўрозлари! Қийқириқ!

– Фарқи йўқ. Барибир сизники ютади.

– Фолчимисан? Қаерингга қараб фол очяпсан?

– Шеп айтди. Қўшни вилоятда донғи чиққан хўрозвозни дакани ўтган ҳафта ўн минг кўтарибди. Бу гал ҳамма ўша хўрозга тикади. Шеп ўша хўрозвозни хўрозини вақтинча қарахт қиладиган дори ичиришга кўндириб қўйибди. Сизники ютади, уям тенг шерик.

– Ие, унга зарар бўляпти-ю.

– Кейинги гал сиз ютқазиб берасиз. Мақсад – кўпроқ қиморбозларни жалб қилиш, кўпроқ соққа йиғиш, шов-шув кўтариш.

– Э, шепга қойил! Шу одам билан танишганимдан бери ошиғим олчи.

– Бир марта Рустам чемпиондан еганимизни ҳисобга олмасак.

– Қайтар дунё бу. Биздаям режа бор. Худо хоҳласа, бир кун пат тиқиб учирамиз.

Қани, кўзимга қаранг-чи

Тугруқхонадан маҳаллагача чурқ этмай келган Рустам Нўъмон апил-тапил раҳмат айтиб машинадан тушиб қолгач, мурасосоз оҳангга гап бошлади:

– Ҳидоят, ҳалиги гап оғзимдан бехос чиқиб кетди-да. Ўзимизни назарда тутмаётувдим.

– Менам Нўъмон акани тинчлантириш учун айтувдим. Қадрига етсин-да. Кейин, гапим сизга тегиб кетдимикан деб қўрқдим.

– Менам сенинг кўнглингни оғритиб қўйдим деб хижолат бўлдим.

– Биз бир-биримизни тўғри тушунамиз-ку, а?

– Бўлмасам-чи. Сиз уйдан узоқда юрган пайтларингизда ҳам, оғзига кучи етмайдиганлар баланд-паст гап тарқатишганда ҳам мен доим сизни тушунишга ҳаракат қилганман.

– Мен ҳам олисларда сени меҳрингни ҳис қилиб юрганман.

– Лекин билдирмагансиз.

– Нега? Келганимда кўзларим айтмасмиди?

– Сўзларингиздан эшитгим келарди. Аёл киши кўзи билан эмас, қулоғи билан севади деган гап бор.

– Эркак киши-чи?

– Кўзи ва ошқозони билан.

– Ёлгон. Юраги билан севади. Масалан, мен...

Тўғри, биз ўзбеклар ҳадеб изҳори дил қилавермаймиз. Бошқалар севаман деб онасигаям, боласигаям, хотинигаям кунда юз марта айтса, биз ассалому алайкум деганимизда, кўришганимизда ҳамма туйғуни ифодалаган бўламиз.

– Қани, кўзимга қаранг-чи, қўлингизни беринг-чи.

– Мана, яхшилаб ўқи.

– Рус тилини биласан, юзта тилни биласан, кўз тилини билмайсан, шўринг қурсин ойимқиз, деган кўшиқ бор-а?

– Биринчи эшитишим.

– Менам ҳозир тўқидим.

Сен ҳам борасанми?

Кўчада тўп бўлиб югуриб кетаётган болалар қўштегирмонлик ака-укаларнинг ёқавайрон йиғламсираб келаётганини кўриб таққа тўхташди. Ака-укалар қаршиларидан хайрихоҳлик билан югуриб келаётган боксчи акахонларини кўриб, ўпкалари росмана тўлиб кетди.

– Велосипединг қани? – деб сўради болалардан бири ҳансираб атрофга алангларкан.

– Ким урди? – деди иккинчи бола ака-уканинг юзидаги кўқарган-шилинган жароҳатларга кўзи билан ишора қилиб.

– Вой, ёмон ясашибди-ю, – деди бошқа бир бола ачиниб.

– Йўлда болалар тутиб олиб уришди. Велосипедимизни олиб қўйишди, – деди ака-укалар биринма-кетин ҳиқиллаб.

– Қаерда, ким урди?

– Кўрсат бизга уларни!

– Солишишга борамизми?

Болалар бир-бирини турткилай кетди:

– Сен борасанми?

– Қаерга?

– Уришишга-да.

– Жим, болалар! Ҳаммамиз боролмаймиз.

Устоз сезиб қолади. Узумзорнинг ёнидан югуриб ўтиб кетдик, қайтиб ўтмасак бўлмайди, – деди биринчи бола. Сўнг ака-укаларга юзланди. – Улар нечта эди?

– Тўртта.

– Хўп, ким-ким боради?

– Мен бораман!

– Менам бораман!

– Сен-чи? Борасанми?

– Албатта, эрталаб амаким сўкувди, қўлим қичиб турибди. Азим билан Абдулниям олиб кетайлик.

– Азиз, сен ҳам борасанми?

– Бораман.

– Қўй, тагин эт-бети кўқариб, лат еса, мусобақага борадиган бола...

– Ҳа, мусобақаси бор, – деб унинг гапини маъқуллади иккинчи бола. – Азиз, сен буларга бош бўлиб тур. Йўқлигимизни билдирманглар. Менинг

сигирим пайкалга кириб кетибди. Ўшани қувлаб, қолиб кетдим. Тушунарлими?

– Мени бир нима дерсизлар. Баҳонадан кўпи борми? Мисол учун, юракбурма бўлиб, маккапояга кириб кетдим. Қани, бўлмаса, сурдик!

Болалар югуришда давом этишди. “Жанговар гуруҳ” эса ака-укаларнинг каттаси етовида бошқа тарафга чопиб кетди.

Кичкинаси кўз олдимдан кетмаяпти

– Ака-укалар кўринмай кетдимми? Бугун ҳам келишмадимми?

– Йўқ, келишмади. Менам хавотирдаман.

– Бориб суриштириб келиш керакмикан?

– Бир ўтиб келасизми ўзингиз? – деди Рустам кесатганнамо.

– Майли. Кичкинаси кўз олдимдан кетмаяпти, – жавоб берди Ҳидоят кесатиқни тушунмай.

– Унда... дарсдан кейин бирга ўтиб келамиз.

– Яхши бўларди. Айтмоқчи, бугун мажлис бўларкан-ку. Менимча, шогирдларингиз масаласи ҳам кўрилади.

– Шунақами?

– Боксингиз ўқишга салбий таъсир кўрсатаётганмиш.

– Демак, зарбаларга тайёрланиб боришим керак экан-да.

– Нима овқат қилай?

– Дадамдан сўра. Бизга мактабда қалампир шўрва тайёрлаб қўйишганга ўхшайди.

– Қумортқи...

– Нима у?

– Тилимизни билмайсиз-а? Қалампир шўрва “Қумортқи” дейилади.

– Шевадами?

– Ҳа, албатта. Бошқа ерда бир қозон қилиб қалампир қайнатиб ҳеч ким ичмаса керак. Лекин вирусларни ўлдирадиган туркана дори-да...

– Пули куйган қари қиз қизил қалампир чайнабди, деган гапдан маълум... Мен кетдим, мактабда қумортқи тайёрлаб кутиб ўтиришгандир.

Қанғиллатиб соламан!

Безорилардан ўч олиш иштиёқида илдам чопиб бораётган болаларни Қодиржон “Стоп! Стоп!” деб тўхтатди. Чанг ерга қўниб, одам одамни танийдиган шароит пайдо бўлгач, жабрдийда шоша-пиша уқтира бошлади:

– Нозим ака, айтиб қўяй, уларнинг орасида оқ-сарикдан келган новчаси бор. Жуда гапга уста экан, одамни гангитиб ташлайди.

– Биз гаплашиб ўтирмаймиз. “Данг” эткизиб...

– Йўқ, у данғиллатишингизга қўймайди, маса-

лан, яхшимисиз, деб майин овозда сўрайди. Ҳол сўраб турган одамга дабдурустдан мушт отвормай-сиз-ку, тўғрими?

– Хўп, тезроқ гапир, нима қилиш керак?

– Кейин, сиз, яхшиман, дейсиз. У кимга яхшисиз, аянғизгами ё қассоб амакигами, деб сўрайди. Сиз аям учун яхшиман-да, дейсиз. У, демак, қассобга ёмонсиз, тўғрими, деб сўрайди. Сиз ҳа, десангиз, ёлғончиликда айблайдисиз, агар билмайман, десангиз Билмасвой экансан-да, қаерда турасан ўзи, деб сўрайди. Сиз, масалан, Тўғинчи маҳаллада тураман, дейсиз. У анчадан берими, дейди. Сиз ҳа, ўн беш йилдан бери, нимаиди, дейсиз жаҳлингиз чиқиб. У яна ёлғон гапиряпсан, деб ўдағайлайди.

– Оббо! Қодир, сени бекорга урмаган экан-да, қорним дам бўп кетди, ука, тезроқ мақсадга ўтақол!

– Хўп, нега ёлғон гапирарканман, жаққа жавоб, дейсиз. У, нима, сен симёғочмидинг, шунча йилдан бери маҳаллада турасан, деб туртиб юборади.

– Шу холосми? У туртгунча иягини мўлжаллаб қанғиллатиб соламан!

– Тўхтанг, у яна нечинчи йил туғилгансан, деб сўраб қолиши мумкин.

– Оббо, нима бало, биз муштлашгани кетяп-мизми ё ваянкаматга кўриқдан ўтганими? Тўқсон иккиман, дейман!

– Ана-а! – Қодиржон турган жойида бир сакраб, чапак урди, – балога қолдингиз, қармоққа илиндингиз. Агар тўқсон иккинчи йил туғилган бўлсанг, демак, ёшинг икки мингга яқинлашиб қопти-да, кўринишингдан анча ёш кўринасан, Пифагор сенга акача, Ибн Сино укача экан-да, балки Худоёрхонга ўзинг сўска тутгандирсан, деб масхаралайди. Ўшан-чун мободо сўраб қолса, туғилган йилингни тўлиқ айтинг.

– Бу бола бизни вилоят олимпиадасига олиб кетяптими дейман?

– Энг ёмони, лаънати сариқмошак лақаб қўйишга жуда уста экан. Шунақа қўядики, янги оқ кўйлақдай ярашади қолади.

– Бўлди, кетдик, лақаб қўйишни мен унга ўргатаман!

Болалар яна югура кетишди. Қодиржон саф бошига чиқиб, орқамачасига югуриб бораркан, яна рақибни таърифлай кетди:

– Мени биринчи кўргандаёқ “Ҳа, сўпилтириқ, қинжир қуённи бозорга опкетяпсанми?” деб сўради.

Болалар Ботиржоннинг озгин жуссасини, шалпангқулоқларини кўз олдига келтириб, югуришдан тўхтаб, қоринларини ушлаб қолишди.

Қумортқи

– ...Айниқса, 6-“А” синфдаги Улуғбек Аҳмедов, Давлат Маматхўжаев, Азиз Раҳмоновлар ўқишга қизиқмай қўйишди, бўйингдан аканг. Масалан, адабиётга умуман бефарқ. Ў-қиш-май-ди! На Пушкинни, на Толстойни, на Репинни ўқишмайди...

– Домлажон, Репин рассом шекилли? Тарих китобида расмиям бор.

– Репин деб эшитдингизми? Бу ярамас тўполончилар дастидан бошлар айланиб, хотираям айрон бўп кетди. Рекин дедим шекилли? Украинларда шунақа шоир бор. Унча машҳурмасу, менга ёқади. Хуллас, 6-“А”га фақат бокс бўлса бўлди! Ўртоқлар, ўртоқлар, ўзаро ҳурматни сақлайлик. Буларнинг кундаликларини текшириб, кейин машғулотларга қўйиш керак ўзи, аслида.

– Бўлдимми? Яна ким фикр билдиради? – деди мактаб директори қошларини барабар кўтариб.

– Ҳозир биз товуқ ўғирлаган тулки қолиб, гилос чўкилаган олақанотни қувалаб юрибмиз, – деб гап бошлади меҳнат ўқитувчиси, – ҳозир асосий масала, мени назаримда, болаларни пахтага чиқармаслик. Ўзимизни гулдай умримиз гўза оралаб ўтди. Саводсизлигимиз, рамақижонлигимиз, қўрқоқлигимиз шўронинг пахта сиёсатига бориб тақалади. Московни айтиб ўтирмай, Тбилиси, Ереван, ҳатто Олмаотада ўқувчилар тўққиз ой ўқирди-ю, биз шўринг қурғурлар уч ой нари-берисида билим олардик. Мактаб дастури эса ҳаммага бир хил эди...

– Ҳа, энди, Назаржон Назирович, ҳозир дарсдан кейин ихтиёрий кўмакка чиқишяпти. Буни нимаси ёмон? Меҳнатдан ҳеч ким ўлган эмас, – директор негадир эшик томонга бир қараб олди.

– Ихтиёрий, деймиз-ку, лекин уйма-уй қувалаб юрамиз. Нега шу масалани кўтармайсиз, домлажон? – Назаржон Назирович бир муддат жавоб кутгандек Миркомил домла томон энгашди, – ҳозир замон бошқа. Бола бечора қишлоғимиздан одам чиқараман деб ҳаракат қилса-ю, сиз бунга тўғаноқ бўлсангиз. Сизда адолат борми, жаноб... домла?

– Одам чиқишига қаршимасман. Ўша одам ўқишмишли бўлсин дейман, холос, бўйингдан аканг. Таниқли зиёлилар кўпайсин, дейман.

– Агар қишлоғимиздан шоир чиқариш ниятингиз бўлса, хавотир олманг. Чиқади шоир ҳам. – Мусиқа ўқитувчиси столни бармоқлари билан пианино қилиб хаттахтага қараб бир маромда сўзлай кетди. – Авваламбоши, санъат учун шароит бирламчи. Қора меҳнат истеъдоднинг душманидир, деган эди Нодир Жонузоқ. Қадимда шоирларнинг шеър ёзишлари учун қулай шароитлари

бўлган эканми? Бўлмаган албатта. Лекин меҳнат кўнгилли бўлган. Завқий домла Чопдорга келиб ер ўзлаштириб, қовун экканини ҳамма билади. Шу ерда газаллар ҳам битган. Нега? Чунки ҳеч ким бошида қамчи ўйнатиб турганмас...

– Сиз айтган истеъдодни ўлдирадиган меҳнатни қилиб, ижодни ҳам дўндириб, машҳури замон бўлганлар ўзимиздаям кўп, бўйингдан аканг. Ана, Сойиб Мирзо бутун бошли Тошкентда чўнглاردан бири бўлиб юрибди. Ўшайам ўзимизни қорадарахтлардан.

– Ўқтам Ҳамро-чи, Ўқтам Ҳамро? Қишлоқни тўйларини бир ўзи гуллатади, азамат. Исроил Бекмирзани тўйида сўз олиб, ўша ерни ўзида тиккалай “Исроил акам раис”, деб шеър тўқиворди. Қистир-қистир бўп кетди. Ўзимиздаям талантлар кўп.

– Сизам ўлдирдингиз, “Исроил акам раис, Обкелади майиз, Обкеганда майиз, Емаганлар дайис...” шуям шеърми? Зоҳид Неъматники бошқа гап...

– Мени битта саволим бор, – қўл кўтарди география ўқитувчиси. Директор ияги билан тасдиқ бергач, давом этди. – Боя фамилиялари айтилган болалар авваллари аъло ўқирмиди?

– Йўқ, бўйингдан аканг.

– Демак, ҳеч нима йўқотмабсиз. Лоақал, болаларнинг бўш вақти фойдали машғулот билан тўлдирилибди. Очигини айтсам, сиз санаган болалар географиядан яхши ўзлаштиришни бошлашди.

– Ҳай-ҳай, кўз тегмасин, астароқ гапиринг, Замирахон.

– Биронта мамлакат пойтахтини тўғри кўрсатиб бера олишадими?

– Албатта. Фақат аввал у ерда бокс бўйича бирон-бир мусобақа бўлиб ўтиши керак. Буям натижа.

– Мен гапирсам майлими? – деб ўрнидан турди кимё ўқитувчиси. – Авваллари ўша 6-“А” синфдаги Аҳмедов Улуғбекни ҳеч тинчлантириб бўлмасди. Жудаям тўполончи бола эди. Ҳозир фақат танаффусларда томоша кўрсатади.

Миркомил домла пихиллаб кулди:

– Танаффусларда денг-а? Қойил!

– Тўғри, ўзгарган, – деб гап қўшди даврадагилардан икки-учтаси.

– “Дарсда ухлаб қолиб шовқин сололмайди”, дейилса тўғрироқ бўлади.

– Ернинг тортиш кучи бўлганидек, партаниям тортиш кучи бўлади. Бошингизни ўзига тортганини билмай қоласиз. Ўзимизам ўқувчи бўлганмиз. Шовқин солиб ўтирганидан ухлаганиям дуруст.

– Ана-ана!

– Спорт билан шуғулланган боладан ёмонлик чиқмайди.

– Мана, масалан, Улугбек Аҳмедов фақат спортга қизиқади, дейиш нотўғри. Унинг чизган расмларини кўринг сиз.

– Қуённи расмини чизса керак-да.

– Домла, шогирдларимни ерга ураверманг, – деди сабр косаси тўлган Рустам ўтирган жойида бўйинини чўзиб. – Эшик олдида учала бола турибди, қайси бирини чақир десангиз чақираман. Кўпчиликнинг олдида битта шеър айтиб берса тинч қўясизми?

– Чақиринг, – амр қилди директор. Кейин Миркомил домлага қаради:

– Домла, қайси бирини чақиринг?

– Фарқи йўқ... – гудранди домла жойига ўтираркан.

Рустам Азизни бошлаб кирди.

– Хоҳлаган шеърини айтаверсинми?

– Азизнимас, бошқасини чақиринг.

– Фарқи йўқ эди-ю.

– Азиз Муқимийнинг “Саёҳатнома” шеърини билади. Ўшани айтади. Бошқасини чақиринг. Масалан, Аҳмедов Улугбекни. У икки дунёда шеър ёдлай олмайди.

Рустамнинг буйруғи билан Азиз ташқарида турган Улугбекни чақирди.

– Улугбек хоҳлаган шеърини айтаверсин, агар билса. Тўртлик айтсаям майли.

– Тўртлик? – ҳайрон бўлди Улугбек кўзларини жовдиратиб.

– Тўртлик тўрт қатор бўлади, – деди Миркомил домла бармоқларини кўрсатиб. – Ҳалиги машҳур бўлган қўшиқларни шеърини айтиб берсангам майли. “Лаълихон” ними, а, бўйингдан аканг!

– Халқ оғзаки ижодидан намуналар! – Улугбек томоғини қириб шеър айтишга чоғланди.

– Намуналар? Қани, эшитайлик-чи. Кесакдан чақмоқ дегани шудир-да!

– Бошла. Парча-парча бўлсаям айт.

– Ван, ван, ван,

Сенга бердим тан!

Ту, ту, ту,

Ай лав ю!

Болапақир директор томонга хавотир аралаш кўз ташлади. Раҳбар тақир бошини силаб, инглиз тили муаллимасига қараб жилмайиб турганидан кўнгли тинчиб, янада овозига эрк берди:

Сри, сри, сри,

Гўзаллардан бири!

Фо, фо, фо,

Кўзлари... вой-бў!

Файв, файв, файв,
Бошқа гап ҳайф!

Сикс, сикс, сикс,
Ҳаммаёқ текис!

Севн, сева, сева,
Гап отсам, сева!

Анграйиб қолган Миркомил домла ўқитувчиларнинг ҳиринг-ҳирингидан ўзига келди.

– Яна борми халқ оғзаки ижодидан, Аҳмедов? – директорнинг саволини рағбат ўрнида қабул қилган Улугбек шифтга қараб, деярли қичқириб давом этди:

– Бозорга бордим,

Этки олдим.

Этки ўлгур пўгоқхўр.

Бақирмаган гў-гў...

– Бўлди! Бас! Етади! – директор кафтини қалқон қилиб важоҳат билан Улугбек томон ошиқди.

– Яхши кетаётувди-да. Бекор тўхтатишди!

Улугбек худди парвоз қилмоқчидек, икки елкасини баравар кўтариб, хайрихоҳлик кўрсатган инглиз тили муаллимасига бир қараб олиб, авжга чиқди:

– Боғим бору боғим бор,

Боғимда анорим бор.

Ҳеч ким қизини бермаса...

– Стоп! Бўлди-е! – директор Улугбекнинг билангидан маҳкам ушлаб, мажлис аҳлига хижолатли илжайди, – тагин “Ўтирган – ўпоқ...” ниям шеър деб айтвормасин, а, домла?

– Менга ёқди, лекин. Биринчи бошлаган шеърий парчалари ширу шакар бўпти. Ҳар ҳолда, инглиз тилида санашни биларкан.

– Вей, Икромжон, ўзимизам “Рапа-рапа, рапатам, ўрис мени опатам!” деб ашула айтиб юрардик-а? Буларниқиям замонга мос. Оҳангини қаранг, ҳиҳ! – мусиқа ўқитувчиси завқланиб қарсақ чалди.

– Охирги маротаба огоҳлантираман, – деди директор жиддийлашиб Рустамга қараб. – Яна шикоят тушса, бокс машғулотларингизни тўхтатасиз.

– Қанақасига охирги маротаба бўлади? Олдинги сафар ҳам охиргиси эди-ку! – норозиланди Миркомил домла.

– Бу энг охиргиси. Кейинги сафар энг охиргисининг охиргиси бўлмайди. Тушунарлими?

– Тушунарли.
 – Сен-чи, тушундингми? Устозингни юзини ерга қаратмайсанми? Сени деб устозинг мактабдан кетади. Уқдингми?
 – Уқдим!
 – Нима дейиш керак?
 – Раҳмат, бошқа қайтарилмайди! – деди Улуғбек қаддини ғоз тутиб.

Вой-бў, шунақа зўрмисиз?

– И-е, и-е, мулла сўпилтириқ, қуённи сотиб, ўрнига ошқовоқ сотволдингми? Вой-бў, ўзиям даштда бўган томошақовоқлардан экан-да!
 – Ўзингга қара, сариқ сўпиён!
 – Дирдовқўзи... – Нозим безорилар саркорининг диққатини ўзига тортмоқчи бўлганди, у яна Қодиржонга қараб бамайлихотир савол ёғдираверди:
 – Сўпилтириқ, манави дўнгпешанани ариқчадан тутволдингми? Қоқбалиқни кўзида маъно бору, буникида сираям кўринмайди-ю, а? Вой, сўпилтириқ, Африкадан қариндошлар келишган деб бир оғиз айтиб ҳам қўймайсан-а? Мана буниси Муҳаммад Алини жияними дейман-да, бурнини япасқилигини айт, эшикни очгани қўлини ишлатмайдимми бунинг? Нима? Боксчиман дейсанми ё ҳўкизчаман деяпсанми? Ҳа, бўшалиб кетиб дала-дала юрибсанда шаталоқ отиб думингни хода қилиб...

Шу жойга етиб Нозимнинг таҳдидли саволи рақибнинг “илҳом оти” жиловини тортди-ю, беихтиёр илжайиб қолган болалар ўзига келди:

– Велосипед қани? – деб сўради хуноби ошиб Нозим.
 – Эшак бор, бўлмайдимми?
 – Ўзингни таклиф қияпсанми?
 – Кимни эшак деяпсан, така?
 – Така сени фамилиянг. Ҳозир каллангга битта қўяман, шохингам ўсиб чиқади!
 – Вой-бў, шунақа зўрмисиз? – деди маҳаллий безорилар сардори овозини мазах оҳангида ўзгартириб.
 – Яккама-якка чиқсанг, билволасан, шипиринқи!
 – Яккама-якка жанг сени боксингда бўлади, пашмак! Бизда ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун! Қани, сол, болалар бачажишларни!
 Олатасир муштлашув бошланди. Рақиблар мўр-малаҳдай ёпирилиб, боксчиларни ерга ётқизиб, тепкилай кетди. “Меҳмон” ларнинг бахтига қишлоқ катталари шу томонга бақир-чақир қилиб кела бошлади. Уларнинг орасида алпанг-талпанг чопиб келаётган мелисани кўриб, ҳамма тўғри келган томонга тумтарақай қочди.

Қодиржон йўл четида ётган велосипедни миниб, пойгачилардай чўнқайганча тепкини тинимсиз айлантриб, бирпасда кўздан ғойиб бўлди. Шериклари ҳам бор кучлари билан унинг ортидан чопишди. Пахтазорга ёндош тупроқ йўлда чанг ғубори тумандай муаллақ қолди, холос.

Уйда ўтирувдим ғамсиз...

– Устоз, ёрдамга келдик.
 – Ўзимиз ташиб оламиз. Овора бўлманглар. Тагин биров кўрса, болаларни мажбурий меҳнатга жалб қияпти деб юрмасин. Ўзи, кечаги мажлис ҳам етади. Қани, марш! Жўнанглар! Салдан кейин менам бораман.
 – Бир амаллайлик, ука, – узилиб қолган суҳбатни улади қишлоқдош.
 – Тошкентга боргандан кейин ўзимни гилосларимниям сотишга вақтим бўлмайди. Мусобақага кетяпман, айтдим-ку.
 – Кўтарасига бериб юборарсиз.
 – Ўзимникини шунақа қиламан ҳалиям.
 – Бизникиниям ола кетинг. Бор-йўғи тўрт юз кило.
 – Ака, бўйнимга ололмайман. Хафа бўлманг, сизни ишонтириб олиб кетсаму, уёғи ўхшамай қолса... Энг ёмони, бировнинг омонати...
 – Сизга ишонаман, ўхшамай қолсаму даъво қилмайман.
 – Сотолмайман, мени қийнаманг, ака. Менга қаранг, харидорлар ўзлари қишлоқ кезиб юрибди-ю. Ўшалар билан келишинг.
 – Бе, ғунажиннинг кўзидай гилосларимни фирибгар талончиларга носвой пулига тутқазгандан кўра олақанотларга талатганим яхши. Хўш, ўзингиз-чи? Ўша қароқчиларга ихтиёрий алданасизми? Мана, Тошкентга олиб кетяпсизу?
 – Мен иш билан кетяпман. Бирйўла...
 Рустам учун ўнғайсиз бу суҳбатни шогирди Мадаминнинг томдан тараша тушгандек мурожаати бузди:
 – Устоз, сизни Охунжон ака чақиряптилар.
 – Нимага?
 – Билмадим. Мелиса Бахтиёр акаям бор.
 – Йўғ-э. Бахти мелисани менда нима иши бор экан? Уйда ўтирувдим ғамсиз... Юр, борайлик-чи...
 Узр-да, ака, буёғи зарилга ўхшайди.

Энди қайтиш йўқ

– Менга қара, ов, овсар! Анави ютган болани яшаш жойини аниқлаб, ўзинг бориб ота-онасини рози қилиб кел. Сўраганини бер! Кўрдингми айла-ниб тепишини. Ҳақиқий каратечи шунақа бўлади. Хўрозни ўзи-я!

– Хўп бўлади. Боризга шукур, шеп. Ниҳоятда кучли жамоа йиғдингиз, – олқишлади уни шотирри. – Кеча зўр курашчиларни ҳам чертиб-чертиб танладингиз. Энди ҳамма жанг санъатини омухта қилиб дарс ўтадиган давр ҳам кеп қолди-ёв.

– Лекин бизни мусобақада барибир боксни ўрни катта. Халқаро жангларда ютганларнинг аксарияти бокс билан шуғулланган.

– Энди нима қиламиз?

– Рустам аканг билан яна бир раунд гаплашишга тўғри келади шекилли.

– Мен ёнингиздаман, шеп!

– Сен... ҳа, ёнимдасан, жа кўнглим тўқ. Худога-ям раҳмат...

Бу одам ким?

– Нима гап ўзи, амаки?

– Нега бировни боласини урасиз?

– Бировни боласи? – ўшқирди Геракл. Сўнг Тоҳирни силташга тушди. – Кимни боласисан, ўв? Мен сенга нима дегандим? Шу лаънатиларни олдига бормагин, демаганмидим?!

Тоҳир карахтланиб, ерга қараб жим қолди.

– Амаки, ўйлаб гапиринг! – деди Азиз тутатиқиб.

– Биз нега лаънати бўларканмиз?

– Сен аралашма, гишчумчуқ!

– Тоҳирни қўйворинг!

– Тур, йўқол!

Геракл ўғлини машина томон судраб бориб, бўйнидан ушлаб эгиб, мажбурлаб ичкарига тикди. Болалар гуж бўлиб улов йўлини тўсди. Геракл кетма-кет сигнал берди. Ҳеч ким йўл бермагач, ноилож тушди. Умидвор Тоҳир ҳам ойнадан мўралади.

– Тоҳир, бу одам ким бўлади сенга? – деди Азиз Гераклга ишора қилиб.

– Дадам... – деди Тоҳир ютиниб.

Шундан сўнг болалар жимгина йўл бўшатишди. Ҳаммасининг мушти тугилган, кўзларида газаб оловларди...

Бўлар экан-ку

– Ўртоқлар, эътибор беринг, болаларга қасддан тан жароҳати етказилган. Бешта болага шошилинич тиббий ёрдам кўрсатилган. Деярли ҳаммасининг кўзи кўқарган, бурни қонаган. Етиб келганимизда қочиб қолишди азаматлар.

– Моддий зарар ҳам етказилганми? – деб сўради маҳалла оқсоқоли Охунжон ака.

– Йўқ. Моддий зарар етказилмаган. Бунинг иложи ҳам йўқ – муштлашув дала йўлида юз берган.

– Тут-путни ағдариб, ариқчани кўмиб ташлашмаганми ишқилиб?

– Сизга ўхшаган маслаҳатчилари бўлмаган-да афсуски, – ҳудуд нозирининг авзойи айниди. – Сизни фамилиянгиз нимаиди? Аҳа, Россияда уч йил зим-зиё бўп кетган Нозим бўёқчининг дадасимидингиз? Ҳозир қайда у? Нима иш билан банд? Кетмай туринг, сизга алоҳида гап бор.

– Мен айтардим-а оқибати яхши бўлмайди деб, – хонага халлослаб, ҳовлиқиб Миркомил домла кириб келди. – Ўзи безори бўлишса-ю, тагин уларга уришишни ўргатишга бало бормиди?! – Шу пайт кўзи Рустамга тушиб, бош ирғаб саломлашган бўлди. – Мана, энди мелисавозлик!

– Хўп, Бахтиёржон, бундай қилсак, қўшни қишлоқдагилар билан ўзим гаплашсам. Аризаларини қайтариб олишса, айбдорларни ўзимиз жазолашсак... – деди Охунжон ака тарафдор қидиргандек атрофдагиларга қараб.

– Ариза-париша йўқ. Шикоят ҳам қилишмаган. Ким урганиниям мардларча айтишгани йўқ. Қишлоғингиз болаларининг донғи кетгани учун тўғри шу ерга келдик.

– Балким у бизни болалармасдир, – деди Рустам умидланиб ва ўтирган жойида бир кўзгалиб қўйди.

– Тутолмаган бўлсак ҳам кўрганмиз-ку. Топдик ўша ўзимиз қувлаган болаларни.

– Балки ўхшатгандирсиз?

– Ана кўзлариям кўқариб ётибди, – нозир болалардан бирини бармоғи билан кўрсатди.

– Бир йилда кўзинг неча марта кўқаради? Аканга айт-чи, – деди Рустам шогирдига.

– Билмадим. Кўп.

– Мусобақаларда, машқда тез-тез мушт тушиб туради. Бу боксчиларда табиий ҳол. Агар шуни асос деб ҳисоблаётган бўлсангиз, янглишасиз.

– Агар керак бўлса қўшни қишлоқдан аризаларам ёздириб келаман.

– Энди, укам, бўлмасам га-ап бундай, бизни бутун туманга шарманда қилмасдан буларни ўзимизга қўйиб беринг. Боплаб таъзирини берайлик.

– Шунга келдим ўзи. Қандай чора кўрасизлар? Билсак бўладими?

– Энг кескин ва оғир жазо берамиз. Ота-оналарини чақирамиз. Ҳамқишлоқлари олдида уялтирамиз.

– Бокс секциясини ёпамиз! – деб гапга қўшилди Миркомил домла.

Ҳамма бирдан Рустамга қаради.

– Агар менинг болаларим шу ишни қилишган бўлса, айбим катта. Уларга етарлича тушунтирмагандирман. Лекин... бокс секциясини ёпмайлик.

– Бошқа иложи йўқ, – деди оқсоқол кучайиб. – Тагинам бу укамиз келиб ўзимизга имкон беряптилар. Агар кескин чора кўрмасак, бу иш

расмийлаштирилса, бардамалаб кетиб, оқибати ёмон бўлади. Нафақат мактабимиз шаънига, бутун қишлоғимизга доғ тушади.

– Агар чора кўрилса, мени даъвойим йўқ. Ишни расмийлаштирамайман.

– Бокс секцияси ёпилдиям дейлик. Унда туман марказидаги спорт мактабига бориб ишлайман. Ишга таклиф қилиб ётишибди. Лекин қишлоқдагилар боксни унутишади деб ўйлайсизми?

– Йўқ, бу болалар энди сизни этагингизни ҳеч қачон қўйворишмайди. Туман марказига қатнаб бўлсаям бокс билан шуғулланаверишади, – деди сартарош иягини сийпалаб.

– Эртага вилоят чемпионатида Азиз Раҳмоновни олиб кетишим керак. Балки келганимдан кейин яна маслаҳатлашармиз.

– Ҳеч қанақа мусобақа-пусобақа йўқ энди. Кейин яна бошқа гап топилади. Ёпмайлик дейсиз. Чемпион бўлди-ку дейсиз, – деди норози оҳангда Миркомил домла.

– Вилоят чемпионатида чиқдимми шогирдингиз? – қизиқсинди нозир.

– Ҳа, чемпион бўлишим мумкин.

– Раққонни телевизорда гапирмасаям майли. Ҳечқиси йўқ. Шундоғам доврўғимиз дoston бўлди, бўйингдан аканг.

– Ёмонми гапирса? Мен ҳакамлик қилган жангларни шарҳлашганда қаердан, қайси қишлоқдан чиққанимни айтиб ўтишади. Агар Азиз вилоят чемпиони бўлса-ю, Раққонни тилга олишса ёмонми?

– Кўпчилик нима деса шу. Секция ёпилиши аниқ. Ё мусобақадан олдин ё кейин, – деди Миркомил домла овози бўғилиб. Сўнг нозирга қаради. – Буларни ўзлаштиришлариям ёмон.

– Бўлди-да, домла, энди яна шеър айттиришингиз қолувди.

– Фақат менинг дарсимдангина эмас, бошқалариданам бўш. Ўта бўш.

– Вилоят биринчилигида ҳар кимам қатнашавермайди, – Рустамни қўллади нозир, – республиканики қачон?

– Июлда.

– “Л”сидами, “н”сидами? – пешона тириштирди Миркомил домла.

– “Л”сида, июлда, – домланинг юзига қарамай жавоб қилди Рустам.

Чеккада турган Азиз адабиёт ўқитувчисига қараб гап қўшди.

– Агар шеър айтиб берсам рухсат берасизми? Мен ҳеч қаерга уришишга бормаганман.

– Физикадан саволларга жавоб берсангам қаршиман. Эшитдик кеча сенга ўхшаган биттасини шеърларини.

– Бу бола тўполонда қатнашмаган бўлса, унга даъвойим йўқ. Қолаверса, мусобақага боришига ота-онасидан бошқа ҳеч ким қаршилиқ қилолмайди.

– Ия? Ҳозиргина жазо талаб қилаётган сизмингиз, – пешонаси тиришди домланинг.

– Айнан бу боланинг айби йўқ экан-ку. Унга имкон бериш керак. Менимча, тўгаракни бир кун-ярим кун кечроқ ёпсак ҳам осмон узилиб тушмайди.

– Нима? Балки бу жўжахўрозларга раҳматнома ҳам эълон қилармиз, бўйингдан аканг?

– Йўқ. Тушунтириш хати ёзиб беришсин кечирим сўраб. Маълум бир вақтгача бокс билан шуғулланишни тақиқлайлик. Агар секция ёпилса, боя айтганларидай, болалар мураббийларининг кетидан туман марказига қатнашлариям мумкин. Йўлда бир нима бўлса-чи, ким жавоб беради? Майли, шеър айтсин. Эштайлик. Яхши айтса, борсин мусобақасига. Буям бир имтиҳон.

– Сиз олдин эшитиб кўринг бунинг шеърларини. Кечагидақасидан буларгаям айт, бу ерда аёллар йўқ-ку.

– Бошқачасини айтсам-чи?

– “Саёхатнома”дан бошқа шеър айтсанг, кундалигингга якуний “беш” қўяман. Кейин бокс билан шуғулланишингга умуман қаршилиқ қилмайман. Хоҳласанг, чўмилаётгандаям қўлқопларингни ечма.

– Мусобақага-чи, бораманми?

Ҳамма бир-бирига қаради.

– Умуман олганда, мен қаршимасман. Мелиса укамиз ҳам рози-ку, а? – деди оқсоқол.

– Албатта, розиман.

– Тавба, мактабдагилари етмагандай бу ердаям шеърхонлик бўларкан-да.

– Домла, сиз адабиёт ўқитувчисимисиз? Мунча шеърга тихирлик қиласиз? Қани, Азиз, айт!

Худди кинога кирган томошабинлардай ҳамма жойлашиб ўтириб олди.

Азиз иккала кафтини шимининг чўнтагига бостанча шеър бошлади.

– Муҳаммадқодирга!

*Бобурдан меросми кўзингдаги тўғ,
Эй сен мушти қаттиқ, кўнгли бўш бола?
Яшил ўрмонларда улгайганинг йўқ,
Сенинг ҳам кўз оғиб кўрганинг дала.*

*Ўзи яйрамаган сени яйратиб,
Отанг саҳар келиб, кетган саҳарда.
Онанг пахта терган сени ухлатиб
Толларга осилган белангаларда.*

Бахтиёр болалик кечаги эртак,
Юраги увишган, кўзи агишган.
Сенинг ҳам қўлингга беришиб этак,
Сенинг ҳам устингдан дори согишган.

Асл темпцион ҳар ўзбек бўлган,
Даладир дунёда асли катта ринг.
Деҳқоннинг қўлига кишанлар солган,
Миллат душманлари сенинг рақибинг.

Зарбингдан қалқисин кулаётганлар,
Юмшоқ ўрнидан бир туриб қўйсинлар,
“Ўзбекнинг иши”ни ўйлаб топганлар,
Ўзбекнинг муштини кўриб қўйсинлар!

Кураш тўйларга кўрк, сайилда эрмак,
Билакларга бердик хирмонларда тоб.
Японнинг эғнида бизларнинг яктас,
Пахтамик Муҳаммад Алига қўлқоп.

Бизнинг устозимиз имон ва ихлос,
Асли-ку мақтаниш эмас бизга хос.
Ўн икки ёшида кўзлари тақнаб,
Бобур йўлбарс билан олишгани рост.

Кимлардир бизларни қўшмасди сафга,
Муштингда миллатнинг номуси жодир.
Қай рақибни йиқсанг, улар тарафга
Бир кулиб қараб қўй, Муҳаммадқодир.

Денгиз бўлиб жўшгин, дарё бўлиб қалқ,
Кетсин кўнгиллардан ранжлар озори.
Сенинг суянгиинг ортингда бир халқ,
Сенинг мураббийинг – миллат сардори.

Қадоқ битган панжа зарби шунақа!
Кетмон тутган панжа зарби шунақа.
Ҳабашмисан, фаранг, тур, эй огайни,
Ўзбекнинг анжанга зарби шунақа!

Ҳаёт асли кураш, ҳаёт асли жанг,
Янги зафарларга йўлласин сени.
Тўн кийиб қагонки майдонга тиксанг,
Паҳлавон Маҳмудлар қўлласин сени!

Мен булбул эмасман, мен бир жайдари,
Кўнглимга сизиниб бир қалам сурдим.
Худодан сўрайман, сенинг сингари
Қодир ўғлонлари кўпайсин юртнинг!

Миркомил домла мижжаларини кафти билан
артиб, Азизга қучоғини очиб, тебранганча келавер-
ди:

– Берироқ кел, болам. Пешонангдан битта ўпай!
– Бўлар экан-ку! Яшавор! Шеърни ким ёзганини
ҳам биласанми?

– Ҳа.

– Бунақа ўғил бола шеърни Муҳаммад Юсуф
ёзади-да, – деб унинг ўрнига жавоб берди Рустам
тўлқинланиб. – Қани дуо қилинг, оқсоқол.

– Илойим, голиб бўлиб, ёруғ юз билан қайтиш-
ни насиби рўз айласин, омин!

– Муҳаммадлар қўлласин сени!

Ғаламис ҳам кўп-да

– Устоз, устоз!..

– Кечаси рингимизни ёқиб кетишибди...

– Эшитдим, дадам айтди. Тезроқ юринглар!

Мактаб ёнидаги қўлбола машғулот майдони
тутаб ётибди. Ринг арқонлари узилган. Қозикла-
ри ёниб битган. Олов атрофдаги майсазорни ҳам
анчагина эгаллаб, куйдирган. Йиртилиб ётган
машқ қоплари шабадада бир қўзғалиб, яна ерга
ёпишади.

– Қайси аблаҳнинг иши экан бу? Кимга керак
экан? – деди Рустам ўзига ўзи гапиргандай.

Шу пайт мактаб қоровули пайдо бўлди:

– Ярим тунда шовқин эшитгандай бўлдим. Ҳа,
энди, ўспиринлар тўйдан қайтишаётгандир-да,
деб ётаверибман. Аъзам Қуйқий уйланди-ю.
Наҳорги ошда кўринмадингиз? Тавбангдан кетай,
ўзини тўйида ашула айтган одамни энди кўри-
шим. Кайфи борми ё? Ҳа, майли. Ошдан чиқиб
келсам, бу аҳвол. Тавба, астофирулло... Ғаламис
ҳам кўп-да.

Рустам силласи қуриб, оғир хаёлларга чўмганча
ерга ўтириб қолди. Бироз вақт ўтиб, тиззасига бир
мушт урди-да, ўрнидан туриб, ёнғин қолдиқлари-
ни қўли билан тозалай бошлади. Шогирдлари ва
мактаб қоровули ҳам юмушга қўшилди.

Нима қилсак экан?

– Айтсам ишонмайсиз. Ўша кундан бери туз
тотгани йўқ болам бечора. Хонасидан чиқмайди. –
Аёл бирдан пиқиллаб йиғлаб юборди. – Бир нарса
бўп қолса...

– Э, овозингни ўчир! Ҳеч нарса қилмайди...

– Ўзингиз кириб бир кўринг. Кейин биласиз.

Геракл уф тортиб ўрнидан турди-да, Тоҳирнинг
ётоқхонасига кириб, чироқни ёқди. Юзтубан ётган
Тоҳир миқ этмади.

– Эй бола! Бирор жойинг оғрияптими сени?

Тоҳир жавоб бермади. Геракл бирдан тутақиб,
ўшқирди:

– Тур ўрнингдан, ўв! Ҳозир пачағингни чиқара-
ман!

Отанинг гулдуракдек ваҳшати болага таъсир қилмади.

Бироздан сўнг Геракл бўшаши. Тоҳирнинг ёнига ўтириб, билегидан ушлаган эди, у қўлини зарда билан тортиб олди.

– Хайрият, тирик экансан-е!

Тоҳир отасига терс ўгирилиб, деворга қараганча ётаверди...

Эр ташқарига чиқиб, бетоқат кутаётган хотинига яқинлашаркан, мураса оҳангида гап бошлади:

– Мунир, ростдан бу ёғи жиддийга ўхшайди.

Нима қилсак экан?

– Ўзингиз-да! Ҳе йўқ, бе йўқ боксдан ажратиб олдингиз. Қатнаса қатнабди-да, кўчада бемаъни сангигандан кўра. Охири, зерикиб ўзи ташлаб кетарди боксини.

– Э-э, бу ерда бошқа гапларам бор-да сен билмайдиган... Майли, борса-борсин. Лекин мен рухсат берганимни айтма. Гўё мен билмайман. Балки, сен айтгандай тузукроқ мушт тушса, тавбасига таянар. Тушундинг-а? Худдики мендан яширинча сен рухсат беряпсан унга...

Ҳамма тўпландими?

– Ассалому алайкум! Устоз, бугун машғулот бўладими?

– Қанақа машғулот? Яна очиқ далага борамизми?

– Йўқ, ўзимизнинг жойда.

– Култепадами?

– Йўқ, устоз. Олдингидан ҳам яхшироқ ринг қуриб беришди.

Рустам ҳайрон бўлиб, телефони чап қулоғидан ўнгига олди.

– Қуриб беришди? Кимлар?

– Маҳалла.

Рустам жонланди:

– Тошкентга бориб келгунимча-я? Икки кунда-я? Машқ қоплари-чи?

– Ўзимиз ясадик. Қопга қипиқ аралаш қум солдик.

– Ҳамма тўпландими?

– Тўпланди.

– Қўштегирмондан қатнайдиған ака-укаларам келишдими?

– Йўқ.

– Келишгани йўқ, де. Майли. Ишлари чиқиб қолгандир-да. Ё укасини яна мазаси йўғмикан? Бир соғайиб қолади... Бир... Бўпти, қолган гапни майдонда гаплашамиз.

Телефони ўчириб, ён чўнтагига солди.

Насиҳат

– Тўй шу-да, болам, ҳаммани бирдай рози қилиб бўлмайди. Меҳмон серобгарчилик бўлди, деса, мезбон исрофгарчилик бўлди, дейди. Ишқилиб, бизниям тўйларга етказсин! Бола ёш, қишлоққа қайтиб, устозлик йўлини тутганингга тўрт-беш йил бўп қолди...

Рустам дадаси гапни қайси томонга бураётганини фаҳмлаб, зарур бўлмаса-да, ён ойнасини кўтариб-туширди.

– Дада, тўйхона кўчасида томоша кўрсатаётган зангвозларни сиз кўрмадингиз-да! Беш яшарча бола шунақа акробатлик қилдики, оғзингиз очилди. Яна, биров пул узатса, тўппа-тўғри иштонини ичига тикади. Роса кулги бўлди.

– Илоҳим, ана ўшанақа соғлому чапдаст фарзандлардан ато этсин сенгайм. Кўнглингга олмагину, хотинингни бир дўхтирга кўрсатмадинг-да.

Рустам дув қизариб олди-да, йўл бермай келаётган “Жигули”га устма-уст сигнал бериб, ёнидан ўтиб олгач, сипо жавоб қайтарди:

– Кўринганмиз, дада. Соппа-соғсизлар, кутинглар, дейишган.

– Э, бола ёш, кутган билан бир иш чиқармиди? Ҳаракат қилиш керак бундоғ.

Рустам отасига ажабланиб қаради.

– Ҳеч эсимдан чиқмайди, аянг “сариқ касал” бўлиб, Қўқондаги шифохонага тушганда тоған қатнашга қулай, деб ишхонасига тегишли кўпқаватли уйдан ижаражой топиб берганди. Икки ҳафта адабимни еганман. Кундузи метин “зиндон”нинг иссиғи юракни сиқса, кечқурун деворқўшни эр-хотинларни қирпичоғи қонингга ташна қилади. Энди уйқуга ётишинг билан тарақа-турук, бир нарсалар синган, дод-вой, чинқирик... Қиёмат қойим қўпди-ёв, дейсан. Биринчи кунни уларни ваҳмасидан кўрқиб пастки қаватдаги эшик оғасига югуриб тушибман. Шундай-шундай, ўн тўртинчи хонадонда вазият чатоқ, ҳозир ё хотин, ё эр аниқ ўлади, “Сўйиб гўштингни тузлайман!” деганини ўз қулоғим билан эшитдим, десам, пинак бузмай, “Қўяверинг, меҳмон, ҳар кунни шу аҳвол, уларга жин ҳам урмайди, турмуш тарзи шунақа”, деб қўл силтаб қўяқолди. Эрталабгача қувалашиб, юмалашиб чиқишди барака топгурлар. Эшикни бузиб қирай десам, бегонамани, эшитиб ётаверай десам, билиб-сезиб туриб қотилликни олдини олмадингми, деган сўроқ-саволни ўйлайман. Бир бало қилиб тонг оттирволдим. Эртамани қайси кўз билан кўрайки, эшик очилиб, башанг кийинган эр-хотин ҳеч нарса бўлмагандай бир-бирларини ялаб-юлқашиб, қўлтиқлашиб чиқиб, мен билан асал-шакар саломлашиб, кўчага хуш-хандон чиқиб

кетишди. Деворга суйанганча анграйиб қопман. Ё худо, шунақаям оила бўладими? Бундан кўра тинчгина орани очиқ қилиб, ўз йўлингдан кетмайсанми?

– Кейин-чи?

– Нима кейин? Кейин ўрганиб қолдим. Уларни бўлган бўтаси шу экан. Тоғанга айтсам, “Э-э, парво қилманг, қизиқ одамлар, севишиб турмуш қуришган. Агар ажраласан, десангиз, ўша заҳоти ўзларини ўлдиришади. Ўртага тушганнинг қанчаси аҳмоқ бўп кетди. Қуда-анда буларни жанжали сабаб юзкўрмас, ўзлари бўлса яна бояги-бояги, ошиқ-маъшуқ. Ҳар хил одам бор-да, почча”, дейди. Йигит тоғаннинг каллали шогирди экан, яқин тортиб, кейинчалик ҳовли-жой қилиб, биз тарафга кўчиб келди... Бола ёш, ҳа, рўзгорни қолипи бўлмайди. Нега илжайиб қолдинг? Ҳа, сездинг-а? Бугунги тўй эгалари ўшалар бўлади. Тоғанни тўй эгаси бўлиб гердайиб туришини кўрдинг-ку. “Ҳалиги ҳунарлардан ҳалиям борми?” деб сўрасам, “Фарзандли бўлиб, текин томошаниям бас қилишган, кечаси-ю кундузи бир хилда – Лайли-Мажнун”, дейди тоғанг.

– Ҳа-а, қизиқ, – деб қўйди Рустам нима дейишини билмасдан.

– Қизиқлигини қўй, бола ёш, бундай қил: нима кўп – теваракда азиз авлиёларнинг мазоротлари кўп. Бекордан-бекор шунча одам чироқ ёқиб қурбонлик атаб юрмаса керак. Шоҳимардонгами, Пошшопиримгами ихлос қилиб бориб келинлар онанг учовинг.

– Сиз-чи, дада? Сиз бормайсизми?

– Бунақа ишлар хотин-халажга ярашади.

– Кўряпсизми? Ўзингиз ҳам ишонмайсиз.

– Ҳа, энди, сендан нима кетди, болам. Бўш вақт топиб бориб келавер – ҳам зиёрат, ҳам саёҳат. Ҳеч бўлмаса миянг дам олади. Бувайдада сўлим жойлар кўп. Лекин ерга думалаб, мазорни шайхони қамчисини еб юрма. Ҳаммасига чидайману, ана шу ирим-сиримига келганда кулгим қистайди. Балки, бундаям бир ҳикмат бордир, ким билсин.

– Кўпи хурофот, дада. Бизни тараққиётдан ажратган, қолақ ва қўрқоқ қилган нарса ана шу майда-чуйда ирим-сиримлар, Аллоҳ бир четда қолиб, қабрларга, тошларга, одамларга сифиниб юриш энг катта аҳмоқлик, деганингиз қулоғимда турибди.

– Шунақа деганмидим? Одам қариб қолгандан кейин... Лекин гапинг тўғри. Ҳамма нарса Яратганни иродасига боғлиқ. Бўпти, Аллоҳдан сўрашдан тўхтама, лекин ўзингиз қимти...

Боболарга муносиб бўл!

– Болалар, умуман олганда, буюк боболар тарихига қизиқишингиз мени қаноатлантирди. Тари-

хий хотирасиз келажак йўқ, дейдилар. Қандай улут аждодларнинг авлоди эканини билган одам ҳеч қачон паст кетмайди. Беруний, ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Навоий, Бобур Мирзо... Болалар, болалар, диққат менда, менга қаранглар, мадомики шундай буюк зотларнинг қонлари томиримизда оқаётган экан, нега энди бизнинг орамиздан уларга муносиб издошлар чиқмаяпти? Ким жавоб беради? Ким?

Шу пайт эшик очилиб, коллеж директори билан Рустам кириб келди. “Ҳурмат!” деб хитоб қилди ўқитувчи. Ўқувчилар ўринларидан туриб, қўлларини кўкисларига қўйиб салом беришди.

– Ҳурматли ўқувчилар, биз бир жиддий масалада кирдик. Азизбек Раҳмонов, бу ёққа чиқинг-чи!

Азиз ҳайрон бўлиб, шошилмасдан хаттахта ёнига чиқди. Ҳамма нафасини ютиб, кўнгилсиз воқеага шайланди.

– Бизни қишлоқдан кўплаб таниқли одамлар чиққан. Улар орасида битта колхоз раиси, бир нафар туман газетаси муҳбири, қарийб иккита катта фермер, битта донгдор пиллачи, хушовоз хонанда Эрали Эсоналиев ҳамда устоз мураббий Рустамжон Маждовлар бор. – Директор шу ерга келганда бир томоқ қириб, тараддуланиб олди. – Ҳа, энди, мени яхши танийсизлар. – Дабдурустан ўзи қарсақ чалишни бошлаб юборди, кейин бошқалар ҳам қўшилди. – Раҳмат, раҳмат! Қаторимиздан бугун сизнинг курсдошингиз Азизбек Раҳмонов ҳам жой олди. – Бирдан юзлар ёришиб, “Хайрият-е, яхшиликка экану” деган овозлар эшитилди, пойма-пой қарсақ янгради. – Ўртага Азизбек Ўсмирлар ўртасида бокс бўйича республика биринчилигида қатнашади. Биз унга толмас ирода ва омад тилаймиз. Ишонамизки, Азизбек пойтахтда бизнинг қишлоғимиз ва коллежимиз шарафини муносиб ҳимоя қилади. Оқ йўл сенга, ўғлим! – Директор кўзида ёш билан Азизни кучоқлади.

– Азизбек, боболарга муносиб бўл, боболарга! Билиб қўйки, сени Рапқон кутади!

Азиз қизариб-бўзариб синфдошларига қаради. Кўзлари Нурхоннинг кўзлари билан учрашди. Нурхон ийманиб, секин кўзини олиб қочди.

Бўладиган бола

– Шогирдинг олтмиш тўрт килоликмиди? – сўради Шавкат Бўтаев.

– Ҳа.

– Бўладиган болага ўхшайди. Олдинги жангларда учинчи раундга ўтказмади-ю бирортасини. Мускуллариям ирғайнинг илдизига ўхшайди. Неча йилдан бери шуғулланади?

– Беш йилдан ошди.
 – Вилюятда чемпион бўлган шогирдларинг бор эди, а, бундан бошқаям?
 – Бор. Лекин республикада ютишолмаган.
 – Аттанг-а! Бу болангда шанс бору, аммо...
 – Нима аммо? Ҳали жанг бошланмади-ю?
 – Олтмиш тўртдаги иккинчи боксчи... – Бўтаев аввал атрофга бир ўғринча аланглаб олди-да, каф-ти билан оғзини паналаб, шипшиди.

– Йўғ-е?!

Бўтаев гавдасини хиёл орқага ташлаб, бошини қийшайтириб, заруратсиз бурун тортди:

– Бєрворишади ютуқни. Якка-ю ягона арзанда ўғли. Энди, тўғри, нокаут қилиб ётқизиб қўйса, авли-ёсиям ёрдам беролмайди. Лекин бу қийин масала.

– Бўлмаса чалпак қиламиз-да. Қўлимиз тошни орасида эмас-ку.

– Омадингни берсин!

Рустам ўйланиб қолди. Кейин шошиб йўлакка чиқаркан, рақибнинг мансабдор отаси шотирлари билан керилиб келаётганини кўрди. Рўпара кел-гач, шотирлардан бири оёқ остига “чирт” этказиб намоийшкорона тупуриб, тиржайиб ўтди. Рустам муштини тугун қилиб у томон бир одим қўйди-ю, аранг ўзини босиб, кийиниш хонасига бурилди. Бир муддатдан сўнг хонага мўралаган Азизни қўли билан имлаб чақирди:

– Яқинроқ кел! Ҳакам боксчи билан панада узоқ гаплашиб туриши мумкин эмас. Гапларимни яхшилаб эшит. Рақибингни мураббийлари бизни менсишмаяпти. “Рапқонга қопқоқ ёпамиз, қайтиб боксчи чиқмайди” дейишди.

– Қўлқопим билан оғзига бир уриб, тишини ўзига санатайми?

– Очколар ҳисобидан ютолмайсан. “Ҳакамлар бизга ёнбосади, ҳоким тўрадан қўрқишади”, деб катта кетишяпти-ёв.

– Сиз ҳам ҳакамсиз-у. Ҳурматингизни қилиб ҳалол баҳолашар.

– Қанийди?.. Бизга фақат нокаут керак. Зарба-ларни аниқ ва кучли бер. Очко тўплашга қизиқма. Пайт пойла. Чарчат. Фақат нокаут! Тушундингми? Борақол... Тўхта! Рақибинг “Азизни еб-ичиб юбо-раман” деди. Ўзим эшитдим.

Азиз зўраки қулди:

– Оширвордингиз. Шундоғам ютаман. Хавотир олманг. Фақат нокаут!

Азиз қўлқопни бир-бирига уриштирди.

– Ағдарамизми?

– Ағдарамиз! – ўнг қўлқопи билан Рустамнинг ўнг қўлига енгил муштлади.

Бизгаям юқсин!

Рустамнинг дадаси “Ё пирим-ей”, деб ойнаи жаҳон ёнига борди ва шарҳловчининг ҳовлиққан овозини пасайтирди:

– Носиржон, келганларинг яхши бўлди-да. Бунақа катта мусобақаларни кўплашиб кўрган дуруст. Завқи бошқача бўлади. Нима дединг, Нўмонжон? – чол тоқатсизланиб, гоҳ ўтириб, гоҳ ёнбошлаётган Нўмоннинг жавобини ҳам кут-май, сўзини давом эттирди, – Ҳамма оналар бир хил-е, тавба. Бизни Рустамжон рингга чиққанда ҳам онаси телевизорга қарашга юраги бетламай айвонга чиқиб кетарди.

Носиржон ҳаяжонда дўпписини ечиб, қайта кияр, иягини кўтариб, томоғини қашларди:

– Ўзимизам шу... – Нўмон томонга ярим ўги-рилди, – сигарет-пигарет йўқми мабодосига?

– Сизни ташлаган деб эшитиб ҳайрон бўлган-дим акахон гулдай ҳунарни нега ташлайди деб. Айтгандай, кашандалар ҳақидаги латифани эшит-ганмисиз?

– Азбаройи рангига уриб кетганидан Мун-кар-Накир эски ўлик экан, деб қабридан чиқиб кетганиними? Юз марта эшитганман. Шунақа пайтларда хумори тутуди-да.

– Хуморига ўт тушсин! – Чол телевизор ово-зини кўтарди. – Жим! Бошланяпти. Ана, Азизни чақиришди.

Шарҳловчи Азизни таништира кетди:

– Қизил кийимдаги боксчи Азиз Раҳмонов олдинги жангларини рақиблари устидан яққол устунлик билан яқунлаган. Устози машҳур боксчи Рустам Мажидов.

Жанг бошланиши билан Азизнинг онаси эшик-ни очди-ю, бош суқиб, яна қайта ёпди.

Нўмон ҳаяжондан хириллаган товушда гурур-ланди:

– Ҳозир қанчадан-қанча одам ўзимизни Азиз-бекка термилиб ўтирибди-да, а?!

– Гап қўшмай ўтир!

Шарҳловчи жўшиб таъриф этарди:

– Азиз бугун рингга ўзининг техникасини намои-иш қилиш учун чиққан кўринади. Зарба ҳам ўтказа-ётгани йўқ. Ҳозир Рапқон қишлоғи аҳли бу жангни тўлқинланиб томоша қилаётган бўлса ажаб эмас.

– Ҳа, бўлмасам-чи! – дея ота телевизор ёнини силаб қўйди.

– Яшавор, болам! Мўлжаллаб ур! Кўриб қўйсин ўғил боланинг зарбаси қанақа бўлишини!

– Бодом атала ичадиган қип ташла!

– Ўпкани босинг-е, Нўмонжон! Рақибиям ўзимизнинг қоракўзлардан, уям бировни боласи.

Гоҳида рақибни душман билан адаштириб қўямиз-да ўзи.

Азиз кетма-кет кучли зарбалар йўллади. Айниқса, охиргиси қаншарга аниқ тушиб, рақиб арқонга суяниб, аввал чапга, кейин ўнгга сирғалиб, меҳмоннавозликдан толиққан қўноқдай аста ёнбошлади-қолди. Баҳс бундай тез якун топишини кутмаган рефери нажот истаб теваракка қараркан, атай чўзиб, секин санай бошлади.

– Ана энди хоҳласанг кечгача санамайсанми? – Рустамнинг қувончи ва хавотири ана шу сўзларда жам эди.

– Нокаут! – Азиз қўлқопларини бир-бирига уриштириб, оёқ учида сакраб-сакраб ринг бурчагига бориб, устозига кўз қисиб қўйди.

Рефери кўмагида ўрнидан турмоқчи бўлган рақиб кутилмаганда яна гангиб, рингдан пастга – югуриб келган отаси ва унинг шотирлари оёқлари остига талолаб тушди.

– Ҳа, сумаланмай ўл! Эсиз, шунча ҳаракату харажат! Бир мушт билан эловлаб қолдинг-а! – ғазаб билан пишқирди отаси. Сўнг ёнидагиларга қаради, – буни сув-пувга пишиб, ўзига келтиринглар. Уйда чилёсин қиламиз...

Мағлуб рингга қайтиб чиқавермагач, томошабинлар қийқириғи остида Азизнинг қўли азот кўтарилди. Рустам арқонлар орасидан чаққон ўтиб, шогирдини қучоқлаб, гир айлантриб қутлади.

– Билардим ютишини! Азиз – чемпион!

Азизнинг отаси секингина кўзёшларини артиб, хўрсиниб қўйди. Нўъмон ўрнидан тура келиб, уни қўлидан тортиб турғизди. Қучоқлаб, даст кўтариб айлантриди:

– Юқсин, юқсин! Бизгаям юқсин!

– Отангга раҳмат-е, отангга раҳмат!

– Устозига минг раҳмат!

Чол деразани тарақлатиб очиб, ҳовлига аланглади:

– Келин, ҳов, келин! Келаверинг энди! Ғалаба муборак!

Шу ҳаводан нафас оляпсанми?

– Ҳа, Рустамжон, кайфият йўқ?

– Тумандан келяпман. Мажлисдан.

– Ҳа-а, тушунарли. Мажлисдан чиққан одамни кайфияти бундан бошқача бўлмайди. Бир куни денг, Рустамжон, милтигингни ҳужжатини янгилаб қўй деб қолишди валлакатлар. Бир кўнглим “милтиқ меники бўлса, ўқни пулимга олсам, сенлар нега ювуқсиз тумшуфингни суқасан? Ҳе, отиб берган қуёнингни қулоғига!” дегим ҳам келди. Аммо-лекин, ке, шулар билан тенг бўлиб пачакилашиб ўтираманми, мен овчи одамман, эртага “панг”

этқизсам, бир балоларни бўйнимга илворишмасин, замон нозик, деб ўйлаб, хўп бўлади, катта ака, деб қўя қолдим. Шундай қилиб, ҳокимликка бордим. Борсам, одам борки, бир нарсадан қуруқ қолаётгандай гурас-гурас ичкарига уряпти. Шу, оқим мениям ўраб-чирмаб тўғри мажлислар залига обкириб ташлади-ю.

– Алихон ака, қизиқ гапирасиз-да. Ҳамма овчилар лoфчи бўлади ўзи. Табиатни муҳофаза қилувчиларни мажлисига таклиф қилишгандир-да?

– Э-е, мен эркин овчи бўлсам, тушовим тиз-замда. Қайси мард мени Учуйдаги Иванни уйдан топиб келади. Телпон тутмайман – тинчлик керак. Энди чурракка милтиқни тўғрилаган пайтинг “Тез ёрдам” га ўхшаб “Ти-ту, ти-ту!” қилиб ваҳима солиб қолса... Хуллас, ўз оёғим билан бордим. Бордим-у, аммо-лекин хашаки раҳбарларингга қойил қолмадим. Масала йўлчироқларни тўсаётган дарахтларни шох-шаббалари экан. Тавба, бизни туманда бир жуфтгина йўлчироқ бўлса... уям ҳокимликни рўпарасида яйдоқда турибди. Бирор марта чироғига ранг кириб, кўз қисиб ишлаганини бандаси кўрган эмас. Яна, мактаб директорларини йиғволган. Нуқул сўқиш, ҳақорат, дағдаға. Тепада ўтирганлар оғзига келган гапни қайтармай, аёлми, эркакми ёппа сочмага тутяпти. Икки соатига зўрға чидадим. Ёнимда ўзини ўзи ачомлаб ухлаб ётган домланамо кишини туртиб “Яна қанча давом этади бу томоша”, десам, бамайлихотир “Энди бошланди-ю, ҳали тагин уч-тўрт соат чўзишади”, деб яна пинакка кетди. Вей, мажлисам одамни тинкасини қуритиб, ботқоқ кечгандай қивораркан-да. Яна ҳар замонда иккита сочи қиртишланган давангир қўй санагандай бармоқ билан давоматни текширганига ўлайми? Кейин шарт туриб эшикка йўрғаладим. Мажлисбоши: “Ҳа, ака тақсир, бир жойда боси-иб ўтиролмайсизми? Ё бавосил бигиз уриб қолдими? Жа гижинглаб қолдингиз қишки байталга ўхшаб? Тинчликми, ака тақсир?” деб сўроққа тутиб қолди. Овчи эмасманми, мени жавобим тайёр ўқланган туради, биласиз. “Ўша йўлчироқни тўсиб, тарвақайлаган дарахтни бир суғориб келай, заҳартанг бўп кетдим, катта ака”, дегим ҳам келди-ю, ке энди, шулар билан жиққа-мушт бўлиб ўтираманми, менга ярашмаса керак, деган хаёлда “Хўжайинжон, бир дақиқага таътил беринг, илтимос-ос”, дедим. Важоҳатимдан чўчидими, ё худо инсоф бердими, “Ҳа, шошиб бориб секин қайтадиган жойгами? Ишингни тез бажару қайт, асосий масалага энди ўтамыз”, деди. Бир кўнглим “Асосий масалангга носқовоғимни попилдириғи! Ким бўпсанки менга муҳлат берасан, тиррақи?”

демоқчи бўлдим, ке, шулардан тезроқ қутулай деган маънода “Хўп бўлади, хўжайинжон”, деб тикка Меҳнатободга мангивордим. Қалай?

– Ака, сиз осон қутулибсиз, бизники бошқа масала. Раҳбар бегонамас, тоғамиз бўлади. Яқинда ишга қайта тикланган, хабарингиз бордир. Ўзини кўрсатгиси келадими, спортчи болаларниям пахтага опчиқасан дейди.

– Нима дедингиз?

– Нима дердим, ўзим чиқаман, аёлим чиқади, керак бўлса опангизам чиқар, лекин майда болалар чиқмайди, дедим.

– У нима деди?

– Нима дерди, аризангни ёз деди.

– Сиз-чи?

– Аризамни сизга ёзмайман, мени соҳам бўлак, дедим.

– У-чи?

– Шу туманда яшайсанми, шу ҳаводан нафас оляпсанми, болаларинг ҳам шу туманда рўйхатда турадими, теради пахтани, бошқа гап йўқ, деди.

– Индамадингизми?

– Чемпионларни зах, лой далага ҳайдаб нима топасиз? Бўлажак фарғонийлар, улуғбеклар, навоийлар бод касалига чалиниб, майиб бўлиб ўтсинми? Умуман, келажакни мажруҳ қилмоқчимисиз, дедим.

– Индамадими?

– Нега индамайди? Бу – сиёсат, дейди. Ўйнашма бола, дейди. Оқибати ёмон бўлади, дейди.

– Сиз ҳам индамай кетмагандирсиз?

– Айтдим, бунақа сиёсат йўқ дедим. Керак бўлса фермерлар ўзлари терволишсин ҳашар қилиб дедим. У замонлар ўтиб, у дарахтлар кесилиб кетган дедим.

– Сўкмадими?

– Сўксин-чи, дадамга айтарман. Тоғам ҳар ҳолда. Чўчиса керак.

– Чўчийди, дадангиздан чўчийди. Дадангиз Гдялнини одамлариниям қопқонга тушган қуёндай қип қўйган. Ҳақиқатчи-да, ҳақиқатчи! Ҳақ бўлсанг қози рози, дейишади. Агар яна пахта-махта деб бирортаси бошингизни огритса, тикка мени ёнимга келаверинг. Хўпми?

– Хўп. Тўғри Учуйдаги Иванни уйига, а? Қораёғ зибирни бўйидан топаманми?

Бу нима деганингиз?

– Соппа-соғсиз, ака.

– Соппа-соғман, тўғри, дўхтир.

– Энди келинни олиб келиб кўрсатасиз.

Рустам ўқрайди:

– Кимга?

– Мен эмас, аёл мутахассисларимиз текшириб кўришади. Кейин узил-кесил хулоса қиламиз.

– Келинингиз ҳам соппа-соғ бўлса-чи?

– Баъзан шунақасиям бўлади. Эр-хотин иккови-ям соғлом бўлиши мумкин. Яратганинг ўзи бер-маса, биз ҳеч нарса қилолмаймиз. Сизниям тўғри тушунаман. У кишига айтиш осонмас. Кўнглини огритиб қўйишдан қўрқасиз.

– Гап шунда-да! – жонланди Рустам.

– Бизга келадиган беморнинг дарди деярли аниқ. Масалан, сиз билан бемалол гаплаша оламан, чунки сиз отдайсиз. Лекин дардмандлар билан кўнглига қараб, авайлаб гаплашамиз. Сизгаям маслаҳатим – ётиги билан тушунтиринг.

– Беморларга ёрдам беролмай қолган пайтларингиз кўп бўладими?

– Агар бемор ўзи ишонса, аниқ тузалиб кетади. Ихлос – халос деган гап бор.

– Раҳмат, дўхтир. Қўл ҳақи нима бўлади?

– Бу нима деганингиз?! – Шифокор қаттиқ ранжигандек кўзларини қисиб, ёвқараш қилди, – биз ҳақимизда шунақа фикрдамисизлар ҳали? Наҳотки мен сизга таъмагир бўлиб кўринаётган бўлсам? Кассага тўладингиз-ку! Ҳисоб! – Кейин кутилмаганда юмшаб, мулойим тортди, – ҳа, энди, суюнчи масаласи бошқа гап. Ҳимматингиз қимматингизни белгилайди, дейди-ку файласуфлар...

Рустам шифохонадан чиқиб кетаётганда туйқус Нўъмонга рўпара келди. Навбат кутиб турган дўсти уни кўрди-ю, қочгани жой тополмай қолди.

– Ие, қайта борсам, шунда пайдо ҳазратим, деганлари сиз экансиз-да!

– Шу десанг, ўртоқ, анчадан бери қовуғим огрийди. Самовар қурғур тез-тез қайнаб кетади. Бир-икки жойда хижолатли иш ҳам бўлди, – деди довдираб Нўъмон камарининг тўқасини сийпаларкан. Рустам қаттиқ қараб турганини кўриб қўл силтади. – Оббо, сендан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Кўзларинг ренгенга ўхшайди-я. Гапни тўғриси, ўғил кўрмоқчиман. Шунга ўзимни бир кўрсатай деб келдим.

– Ҳа, кимдир тирноққа, кимдир бармоққа зор... Гулдай қизларинг бор, ҳавасим келади. Майли кириб чиқ, мен кутиб тураман.

Нўъмон эшик тутқичини тутиб, қуймичини ушлаб қайрилиб қаради:

– Укол урмасмикан ишқилиб?..

Палахмон тоши

– Бўлди-да, холажон, мен билан икки марта кўришдингиз-ку, – Нурхоннинг ҳазил аралаш айтган бу сўзларидан хонадон бекаси баттар довдиради.

– Вой қизларим-ей, кутилмаганда келиб тоза хижолатга қўйдиларинг. Шошманглар, ҳозир дастурхон ёзаман.

Севинч ичкаридан чопқиллаб чиқиб келиб, ҳамма билан қуюқ ҳол-аҳвол сўрашди. Сўрида газета ўқиб ўтирган дадаси кўзойнагини пешона-сига кўтариб, ўрнидан турди ва қизлар билан ёппа саломлашиб, ичкарига кириб кетди.

– Оббо, асал қизларим-ей, дугоналарингни соғиниб кебсизлар-да.

– Ўн кундан бери ўқишга бормайди, соғина-миз-да. Ҳали ўқитувчиларимиз ҳам кеп қолишса керак... соғиниб.

– Ўқитувчилар? Йўқ-йўқ, овора бўлишмасин, айтиб қўй.

Бирдан Нурхон онани саволга тутиб қолди:

– Аяжон, шундай қизингизга ачинмайсизми? Раҳмингиз келмайдими?

– Вой, нималар деяпсан? Битта-ю битта қизимга жонимни бераман.

Нурхон иккала кафтини кўтариб, бир-бирига навбат бермай чувиллашаётган қизларни тинчлан-тирди, – Севинч, ўқишга бирга бормоқчийдиг-а институтга?

– Ҳа, шифокор бўлмоқчийдик... Мен бувимни даволамоқчийдим.

– Энди-чи? Рўзгор билан ўралашиб ўқий олар-микансан?

– Энди... қизалоқларим, қиз бола учун биринчи навбатда оила, рўзгор туради. Қиз бола – палахмон тоши, хўпми, – она вақт фанимат эканлигини фаҳмлади, – ота-она рози – Худо рози деган гап бор.

– Палахмон тоши экан деб, истаган пайт исталган тарафга қаратиб отаверар экан-да?

– Менга қара, Нурхон, ўзингни тақдирингни биласанми? Сени кимга узатишмоқчи, хабаринг борми ўзи?

Нурхон бирдан бўшашди:

– Йўқ... Кимга экан?

– Аянг билан даданг сени аллақачон Холмат савдогарни ўғлига атаб қўйишибди-ку! Сендан сўрашмабди-да бир оғиз...

Қизлар яна ини бузилган аридай жувиллай кетди:

– Вой, ким у? Қайси бола? Оти нима?

Она голиб қиёфада қўлларини биқинига қўйиб, атай урғу бериб таъкидлади:

– Жав-лон! Яхши танийсизлар. Доим коллежларинг атрофида гирдикапалак эмиш-ку.

Нурхон секин, лекин қатъий оҳангда “Ҳеч қачон!”, деди-да, битта-битта қадам босиб кўчага чиқиб кетди.

Совға

– Мана, дарсимизни якунлаб ҳам олдик. Уйга вазифа ҳаммага тушунарли бўлдимиз? Яхши-и. Энди кичкинагина тақдирлаш маросимини ўтка-замиз.

Ўқувчилар устозларига тараддуланиб қараб қолишди:

– Устоз, кимнинг туғилган куни экан?

– Туғилган кун эмас, – ўқитувчи хабарнинг қадрини янада ошириш учун атай вақтни чўзарди. – Туғилган кун эмас, – деб такфорлади яна бир марта. Сўнг ўқувчиларига бирма-бир қараб чиқиб, қувончли товушда шоша-пиша баён этди, – курсдошингиз Азиз Раҳмонов республика чемпиони бўлганини ҳаммамиз биламиз. Телевизорда кўрдик. Азизбекни тумандан ҳам келиб табриклашди, мактаб жамоаси ҳам қутлади.

– Биз ҳам табрикладик, опой, – деди охириги қаторда ўтирган Азимжон.

– Курсдош сифатида яна бир бор табрикласак ҳам ярашади. Бугун қизларимиз ташаббус билан чиқишди. Кўп ўйландик, нима совға қилсак экан, деб. Ниҳоят, бир овоздан мана шу совғада тўхтадик, – қўлидаги ўроғли қутисимон нарсани кўрсатди.

– Кўйлакми, опой, кўйлакми? – деди Зокиржон дўриллаб.

– Кўйлак эскиради, бу эскирмайди. Аксинча, эскирдирди. Азизбек, чиқ бу ёққа.

– Шартмасиди, овора бўлсизлар-да...

– Биз овора бўлганимиз йўқ, сенга ёқса бўлди.

Ўқитувчи совғани боши узра кўтариб кўз-кўз қилди-да, Азизга қўшқўллаб тутқазди. Қизлар жўр бўлиб “Таб-рик-лай-миз! Таб-рик-лай-миз!” – деб синф ойнасини зириллатишди. Мактаб ҳовлисида дарахт оқлаб юрган Мамазиё қоровул шовқинни эшитиб, хона деразасидан кўзларини қисиб қаради-да, “Тушунарли”, дегандай бош ирғаб, нари кетди.

Азиз совғани очди. “Бобурнома”ни кўриб, юзи ёришиб кетди.


– Раҳмат, раҳмат!

– Ўқиб тушуниш қийин-ку буни, – деди Мўмин сал гайирлиги келиб.

– Тўғри, тили оғирроқ, – уни қувватлади Давлатжон.

– Олимларимиз сизларни мўлжаллаб, бугунги тилга табдил қилиб чиққан. Аслини кейинчалик ўқийсизлар. Қизиқиб қолган одамга қийин туюлмайди. – Муаллима Азизга юзланди, – ҳар қандай совғанинг маъно-моҳияти бўлади. Тушунгандирсан?

(Давоми 36-43 бетларда)



Adabiyot uchun yashash – millat uchun yashashdir

“Ўзи билганидек яшаш” – айтишгагина осон, холос, уни яшаш эса, жудаям мушкул, жудаям оғир. Ахир, ҳаммамиз ҳам одаммиз, ҳаётӣй муносабатлар, бани башарга хос муаммолар – баргамизга тан. Шундай экан, бори дунёга қўл силтаб, фақат кўнгил билан ёлғиз қолиш – кўнгилдаги изҳорларни қоғозга туширишга илоҳийдан ҳадя – истеъдоддан бўлак яна сабр-тоқат, гидам ва бардош ҳам керак... Бинобарин, булбул “ўзи угун – яъни, сайраши кераклиги угун сайрайди: илло, сайрамаса – ўлади. Ёзувгилик ҳам – шу!” тарзидаги тўхтамга келган Ўзбекистон халқ ёзувгиси Шукур Холмирзаевнинг ижоди адабий билимимиз угун ҳам, ҳаётӣй кузатишларимиз угун ҳам манфаатлидир.



Талабаликнинг илк йили.
1959 йил.

Шукур Холмирзаев фақатгина ижод угун туғилган шахс эди, бошқа иш уни мутлақо қизиқтирмасди, у фақат овни яхши кўрарди. У доимо кайфиятидан қатъи назар ижод отига миниб юрган ҳолда яшади. Мен бундай иродали, меҳнаткаш ёзувчини кам угратганман.

Абдулла Орипов

Шукур Холмирзаевнинг қалами ўзига хос, асарлари на тенгдошлари ва на классиклари-мизникига ўхшар эди.

Одил Ёқубов



Шукур Бурҳонов сабоқлари.
“Гамлет” спектакли устида. 1960 йил.



Матёқуб Қўшжонов
билан. 2002 й.

Шукур Холмирзаев доим изланишда. Бу изланиш адабиётга янги ҳаёт материални олиб киришда эмас, балки ҳаёт материални ўзида акс эттиришда, уни муҳим бир масала – одамийлик масаласи атрофида йиғиб кўрсатишда, хусусан, ўзи ўйлаган масалаларни китобхонга тўлароқ етказиб бериш йўллари устида ўйлашда кўринади.

Матёқуб Қўшжонов

Баъзида, холисликни ошириб юборган пайтларди, Шукур ака ўта бераҳм одам бўлиб туюларди. Рост гапни айтишга келганда нафақат бошқаларни, балки ўзини ҳам мутлақо аямасди. Ўзаро “Шукур аканинг шафқатсиз реализми” дея муттойиба қилардик, баъзида феъли оғир акамиздан росмана аразлардик, ҳатто аразлаб этак қоқиб кетардик, лекин ҳафта ўтмай Шукур акани соғина бошлардик...

Мурод Муҳаммад Дўст



Ўқувчилар Даврасида.
1973 й.



Нодир НОРМАТ ва Рўзи
ЧОРИ билан. 1990 йил.

Истеъдодли одамларнинг ҳаммасида бошқаларда кўп ҳам уграйвермайдиган гайриоддий бир белги, одат ёки жўнроқ қилиб айтадиган бўлсак, бир қилиқ бўлади. Шукурнинг шляпасини ҳам шунга йўйиш мумкин. Бу бош кийимини кўпгилик кияди. Аммо шляпа Шукурнинг бошида алоҳида аҳамият касб этарди-да.

Александр Файнберг



“Шукур Холмирзаев”
Рўзи Чори асари. 2000 й.

Сўз одамлари орасида мен фақат Шукур Холмирзаевнигина адабиёт фидойиси деб айта оламан. Шукур ака ўзидан кўра адабиётни кўпроқ севмоқнинг урдасидан тикди. У қулайликлардан воз кетиб, адабиётга хизмат қилишга ўзида кут топа олди. Ёзувчи адабиётни ўзига хизмат қилдирмади, аксинга, бир умр унга хизмат қилди.


Қозоқбой Йўлдош



Режиссёр Раҳмат Жума
билан иш устида. 1996 й.

Шоирлар ёр кўйида шамдек ёнишади, сен эса адабиёт гамида ёндинг, гунки сенинг ёринг – адабиёт эди-да.

Низом Комилов



Адиб ижодхонасида.
2002 й.



Сурурли
дамлар.
1963 йил.



Адибонла даврасида.
2000 й.

Шукур ака ҳақида гап кетганда ҳаминиш унинг адабиёт угун яшаганлиги эътироф этилади. Адабиёт угун яшаш эса, миллат угун яшашдир. Унинг асарларида миллатимиз қиёфаси ва қалби бориға намоён бўлади.

Эшқобил Шукур

Ғиёсиддин ЎНАРОВ тайёрлади.

Sanobar daraxtlar, salim daraxtlar



Муслимбек МУСАЛЛАМ

1986 йили туғилган.
Республика ёш
ижодкорларининг Зомин
семинари иштирокчиси.
Шеърлари матбуотда эълон
қилинган.

* * *

Мен излаган рангларни топдим,
Мен излаган сўзлар ўлмади.
Бор дардингни борлиққа соғиб
Дарактлардай йиғлаб бўлмади.

Мен тушундим: шоирлик — қисмат,
Нури кўгмиш соғим оқига.
Гоҳо гақин урди умримнинг
Гуллайётган ҳамма ёгига.

Сизиб, сизиб игимга оқдим,
Яратгандан тилаб тўзимни.
Бу қоронғу дунё бағрига
Қолдираман ёруғ сўзимни.

* * *

Ортада қолди энди кўҳна Шош,
Тавонингдан тегак отибсан.
Наманган, сен довондан ўтсам,
Юрагимда гуллаб ётибсан.

Дийдоримни тиладинг тонглар,
Қошингга мен бормадим негун?!
Майсанг ўтиб йиғладим олис,
Соғинг эзган кунларим угун.

Сен онамнинг кўзидай мунис,
Отам айтган мулойим сассан.
Айвондаги қалдирғоғларнинг
Тумшугидан тўкилган хассан.

Гузардаги улкан гинорлар,
Машраб оҳин айтаётгандай.
Севинясан шунгалар қаттиқ,
Бобурийлар қайтаётгандай.

Беҳиларда осилган сузма,
Челакларда гайқалган сутсан.
Соғинг бўлиб, минг соғинг бўлиб,
Бағрим ёриб оғилган юртсан!

* * *

Ёшим томди гумолининг сўқмоғига,
Силаб қўйдим мусиганинг патларидан.
Ватан деган бир табаррук гиёҳ унди,
Юрагимнинг қақраб ётган қатларидан.

Бу Яссавий, бу Кубронинг додимасми?..
Кетавердим Хожа Аҳрор хоки қадар.
Қаранг, Тангрим ватан сўзин тикиб қўймиш,
Юрагимнинг энг омонат гоки қадар.

Не замонлар, не урушлар, не гавголар,
Не нафаслар ютилмасдан ташида қолди.
Бешигида гўдаклари инграб, инграб,
Айвонида тикилмаган кашта қолди.

Ундан айро тутолмасман ҳет ўзимни,
Азиз менга илонларнинг қолган пўсти.
Кўкрагимни ерга бериб ётган эдим,
Мана бугун кўкрагимда Ватан ўсди.

* * *

Учиш керак – бу эски мавзу
Ва азалдан қолган тушунга.
Юрагингни ўртайди қайғу,
Қанотларинг тўла тикқунга.

Ҳаволаниб кетмаслик керак,
Ҳаволарга соғиб гамингни.
Унутмасанг бўлди, азизим,
Сенга қанот берган заминни.

* * *

Эй мўъмин дарахтлар, муслим дарахтлар,
Санобар дарахтлар, салим дарахтлар.
Ҳар битта япроғи Ҳақни эслатган
Ҳалима дарахтлар, Ҳалим дарахтлар.

Мен дайди йўловги, мен бир мусофир,
Бу қаро умримга бир оқлик керак.
Одамлар пойини ўпмоқлик куфр,
Дарахтлар пойига гўкмоқлик керак.

* * *

Бугун тўйиб йиғлагансан рост,
Ёмғир ёғди кўклам фаслида.
Овутишни билмадим, аммо
Бахтсизлик ҳам бахт-ку аслида.

Инкор этиб кетишинг мумкин,
Юрагингни ситамлар сиқди.
Тонг отгунга китоб игида
Суратимиз сирлашиб тикди.

Ishonchli qayiq

Китоб – инсоннинг азалий дўсти. Олам аро одамнинг ўзлигини топишга ёрдам беради. У чексиз ҳаёт уммонида инсоннинг унча-мунча тўлқинларга чўкмайдиган ишончли қайиғидир.

Бундан тўрт аср муқаддам ана шундай ишончли қайиқлардан бири яратилган... XVII аср муаллифларидан бири ўз китобини “Мақомати мавлона Ҳожи Ҳабибуллоҳ” деб атайди. XVIII асрда ҳам “Мақомати мавлона Ҳожи Ҳабибуллоҳ”га ўхшаш яна бир китоб ёзилади ва ундаги воқеаларни давом эттиради. Ҳодисалар кўҳна Турон ва Ҳиндистон ерларида содир бўлади. Бу ҳодисалар гўёки, бугун ҳам давом этаётгандай. Гўё, уларда сизу биз ҳам қатнашаётгандаймиз. Куйида ўша икки китоб билан танишамиз.

Тухфат ул-аҳбоб

Муаллиф: Саййид Муҳаммад ибн Охунд Қози Камол, XVII аср иккинчи ярми – XVIII асрнинг биринчи чорагида Бухорода яшаган. Сўфи Оллоёр ва Бобораҳим Машраб билан замондош бўлган. Тариқатда Ҳожи

Муҳаммад Ҳабибуллоҳ Бухорийдан таълим олган. Саййид Муҳаммад шу устозининг ҳаёти ва тариқатдаги фаолиятини ёритишга бағишлаб “Мақомати мавлона Ҳожи Ҳабибуллоҳ” асарини ёзади. Бу асар замондошлари орасида “Тухфат ул-аҳбоб” (Суюклиларга совға) номи билан ҳам тарқалади.


Асарнинг аҳамияти: Ундан Носириддин Ҳанафий Бухорий (Бухоро амири Музаффарнинг ўғли), Садри Зиё каби муаллифлар тадқиқотларида фойдаланишган. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлғизмалар хазинасининг асосий бўлими(фонд)да асарнинг №4400 ва 3756-1 рақамлари билан қайд этилган нусхалари сақланади. Асар шўролар даврида деярли тадқиқ қилинмаган. XX асрнинг сўнгги йилларида ҳам Сўфи Оллоёр, Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганишга қизгин киришган тадқиқотчилар назаридан анча вақтгача четда турди. Ҳолбуки, бу икки машҳур ижодкор таржимаи ҳолини ёритишда мазкур китоб жуда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Мужаддийларнинг тарихий фаолиятини ўрганиш чоғида бунга кўп бора гувоҳ бўлдик. У “халқ кито-

би” номи билан аталдиган адабий асарлар, турли ривоятлар туфайли тарих саҳифаларига кириб қолган чалкашликларни бартараф қилишга кўмаклашади.

Асар ўнта мақоладан ташкил топган. Биринчи мақолада Ҳожи Ҳабибуллоҳнинг Йаъқуб Чархий авлодларидан Хожа Муҳаммад Таййибуллоҳ хонадонидан ҳижрий 1040 санада (1630–1631) туғилиши ва болалиги, илм ўрганишига оид маълумотлар берилди. Кейинги мақолаларда унинг Самарқанд ва Бухоро саёҳатига чиқиши, азизлар қабрларини зиёрат қилиши, ҳажга отланиб, Рум орқали Маккага бориши баён қилинади. Ҳожи Ҳабибуллоҳ ҳаждан қайтишда Ҳиндистонда бир неча йил яшайди, мужаддийна-нақшбандия тармоғи асосчиси шайх Аҳмад Сирҳиндийнинг фарзанди ва сулуқдаги давомчиси Хожа Муҳаммад Маъсумдан тариқат таълимини олади.

Асарда Ҳожи Ҳабибуллоҳ фаолияти орқали Бухорода мужаддийна тариқатининг ривож топиши, шайх Аҳмад Турк Яккий, мавлоно Муҳаммад Шариф Бухорий сингари алломалар ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Хиёбон мадрасаси ва хонақоҳи, Ҳожи Ҳабибуллоҳ гузарига доир хабарлар Бухоро шаҳри тарихини ёритишда муҳим ва қимматли аҳамиятга эгадир. XX аср ўрталарига қадар Бухоро шаҳрида манғит ҳукмдорларининг машҳур сулолавий даҳмаси бўлганини бугун кўпчилик билмайди. Унинг шаклланиш сабаблари ва тарихий асослари мазкур “Тухфат ул-аҳбоб” асарида ҳикоя қилинган воқеаларга бориб тақалади. Бу асардаги маъ-


Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
ЎЗР ФА Шарқшунослик
институти катта илмий ходими.



лумотлардан хабардор бўлмаган тадқиқотчи XVIII–XIX асрлардаги бир қанча ижтимоий, маърифий, сиёсий жараёнлар моҳиятини тўла англай олмайди.

Асарнинг 8-, 9-, 10-мақолалари ахлоқ тарбиясига бағишланган. Бойлик, одоб, либос, намоз, зикр, меҳмондорчилик, сурат, муסיқа, нарда ва шатранж ўйинлари, афюн, қабр ҳаёти, қиёмат масалалари қизиқарли баҳс ва муқоясаларда таҳлил қилинади.

Асарда келтирилган Хожа Муҳаммад Розик Калон, Шукруллоҳхожа, Подшоҳхожа, Халифа Ашур Боқи, охунд Ҳофиз Зоҳид, охунд Муҳаммад Солиҳ, Сўфи Абдураззоқ, Сўфи Наврўз Шаҳрисабзий, Сўфи Оллоёр, мулла Исмаилов, Хожа Давлат сарой, Хожа Ниҳол каби тарихий шахслар; ўша даврлардаги жой номлари; Бухоро, Насаф, Самарқанд маърифий ҳаётига оид маълумотлар – кўҳна Турон ўтмиши, ўша давр кишиларининг маънавий дунёси ва жамиятдаги ўрни ҳақидаги тасаввурларни бойитади, тиниклаштиради.



Камолоти мужаддиция

Бу асарнинг тўлиқ номи матнда “Камолоти мужаддиция ва мақомоти Аҳмадия” деб кўрсатилган. Тадқиқотчилар даврасида у кўпинча қисқагина “Камолоти мужаддиция” дейилди. Муаллиф бу асаридан ташқари “Ҳавоши Шофий бир шарҳи Байзовий”, форс тилида “Саҳиҳи Бухорий”, “Забури Довуд”, “Шарҳи Ҳидоя”, “Ахлоқи Баҳодурхоний” асарларига шарҳлар ёзган.

Муаллиф: Мир Абдулҳай ал-Ҳанафий ал-мужаддий ибн Мир Абул Хайр аълам Самарқандий ибн мавлавий Абул Файз Абдубоқи ҳижрий 1169 йили (1756) Самарқандда зиёли оилада таваллуд топади.

Муаллифнинг илмий ва ижодий давларларда мавлоно Файз Аълавий номи билан шуҳрат қозонган бобоси тахминан 1640 йили дунёга келган ва 1745 йили вафот этган. Китоб туманидаги Хожаги Абдубоқи Имканагий қабристонига дафн қилинган. У бир қанча асарлар ёзган. Ҳадисда Ҳасан ал-Фатҳободий ва тасаввуфда Шоҳ ал-Кешийдан таълим олган. Унинг Ражаб ан-Наманганий, Шоҳ Аваз ал-Хўқандий, ўғли Абул Хайр ва Қаландархон ал-Бухорий ибн Зайниддин ал-аълам каби шогирдлари бўлган. Самарқанд тарихига оид “Самария” асарини таълиф этган Абу Тоҳир-хожа ибн Абу Саъид мазкур Мир Абдулҳай Самарқандийнинг набираси эди.

Абдулҳай Самарқандий даврининг илғор олимларидан бири бўлиб етишади ва Самарқандда 40 йил қозилик вазифасини бажаради. Ҳижрий 1243 йили (милодий 1827) вафот этади.

Асарнинг аҳамияти: Қўлёзмалар хазинасида асарнинг иккита қўлёзма нусхаси сақланади. Картотека ва каталогларда №10968-2 рақамли қўлёзмалар муаллифи кўрсатилмаган. Қўлёзманинг 536-54а бетларида асар муаллифи Мир Абдулҳай Самарқандий экани қайд этилган. Тили форсий, настаълиқда кўчирилган.

Асарнинг иккинчи - №10610 рақамли нусхасининг ҳам тили форсий, настаълиқда ёзилган. Асар тадқиқотларда “Маноқиб Хожа Муҳаммад Масъум” номи билан ҳам кўрсатилади. Унда мужаддиция-нақшбандия тариқатининг таниқли вакиллари ҳаёти ва фаолияти ёритилган, XVII–XVIII аср охиригача бўлган давр қамраб олинган. Муаллифнинг ўзи ҳам мазкур тариқатга мансуб эди. У шайхулислом Атоуллоҳхожа Бухорийдан ҳам иршод ижозатини олади. Асарда мавлоно Хожаги Абдубоқи Имканагий, Боқибиллоҳ Деҳлавий, Шайх Аҳмад Сирҳиндий, Хожа Муҳаммад Масъум, шайх Сифатуллоҳ, бобурий Аврангзеб, Абдуғафур Самарқандий, Ҳожи Салим Балхий, ҳазрат Имло Бухорий, Неъматуллоҳ Ошиқ, Ниёз Чўқмоқий Бухорий, Фазл Аҳмад Масъумий тарихий шахслар ҳаётига оид маълумотлар тўпланган. Уларнинг тариқат ва турли ижтимоий масалалар ечимлари юзасидан ўзаро ёзишган мактубларидан намуналар берилган.

Мир Абдулҳай Самарқандий таржимаи ҳоллар ва тарихий маълумотлардан ташқари тавба, мақом, фано, фано филлоҳ, фано боқий, чилла, латоифи ашара (ўн унсур), хилват каби диний-тасаввуфий тушунчаларини нақшбандия тариқати гоъвий қарашлари асосида шарҳлашга ҳаракат қилади.

“Камолоти мужаддиция” ҳам тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган асарлар сирасига киради. Ҳозиргача мазкур манба деярли ўрганилмаган. Туронлик тариқат аҳли тарихига доир йиғилган кўплаб маълумотлар унга турдош бошқа асарларда учрамайди. У шаксиз, XVII–XVIII аср Турон тарихини ёритишда муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қилади.

(Давоми. Боши 12-28 бетларда)

– Тушундим.

Қўнғироқ чалинди.

– Ана, танаффуслар ҳам бўлди! Эртагача хайр!

Ўқитувчи чиқиб кетиши билан, болалар ғала-говур қилиб ташқарига йўл олди. Синфдан чиқиб кетаётган Нурхон бир муддат Азизнинг ёнида тўхтади. Қўл бериб табриклади.

– Совғани ким танлаганини билдим.

Нурхон жилмайиб чиқиб кетди.

Қувончдан сармаст Азиз дераза ёнига келиб, қўлларини кенг ёйиб юборди:

– Эҳ!

Ёппасига меҳмонга

Адирнинг ўрқачига монанд ястанган узумзор ёнида Рустам машинасини тўхтатади. Пешонасини читдурра билан танғиган, белбоғига тоққайчи осган отаси ўғлига пешвоз чиқиб келди.

– Ассалому алайкум, дада, ҳорманг.

– Ва алайкум ассалом, бор бўл. Яхши келдингми?

– Келдим. Шаҳарда пича ишим бор эди. Шунга ушланиб қолдим.

– Ҳа, болалар айтишди. Боксни қишлоқда ҳамма маза қилиб кўрди. Роса хурсанд бўлди. Умрингдан барака топ, болам.

– Абдулланинг бурни оз-моз жароҳатланганди, уйдагилари тўполон қилиб чиқишмадимми?

– Йўқ, энди чиқишса керак-да, – кулиб қўйди ота, – сени кутишаётгандир.

– Шунақа пайт олдинроқ жўнатиб юборган яхши-да. Келгунимча жаҳдан тушиб, сал совиб туришади.

– Чарчаб келгандирсан. Ҳовлида ҳеч ким йўқ.

– Ия, қаёққа кетишди?

– Аянг холангни уйига қидириб кетганди. Поччанг янги трактор олганмиш.

– Трактори бор эди-ку?

– Эскисини Ўктам Ҳамрога сотармиш.

– Янгиликлар катта-ку. Ўктамбойнинг ҳам биқини чиқиб қопти-да!

– Жиянинг Ғайрат ҳам Австралияга бориб келмоқчи. Фермани кенгайтириш режаси бормиш. Туяқуш боқаман, дейдими-ей.

– Ўзиям Ғайратингиз унча-мунча қушни туя қилиб юборади. Дада, менам мактабни сотиб олсаммикан-а? Келинингиз билан мактабдор бўлиб юрардик.

– Ҳа, шунақа қил... Келин сенинг йўқлигингни билдирмай шогирдларингни югуртириб олиб ўтиб кетганди. Ҳозир қайтиб ўтишса керак.

– Ўзиям югуриб юрибдимми?

– Югурган одам бахтга тезроқ етволади, дейишади-ку, бола ёш...

Ота ва бола йўлга қарашди. Узоқдан аввал велосипед минган Нўъмон кўринди. Кейин майкачан болалар тўдаси кўзга ташланди. Ниҳоят, шогирдлар тўпи Рустамнинг машинасига яқинлашган пайт адирнинг нишаб томонидан Ҳидоятнинг овози келди:

– Орқада қолманглар! Оз қолди!

Нўъмон Рустамнинг кафтига кафт уриб ўтиб, чол билан қўшқўллаб кўришди.

Рустам адир унгирига қараб юрди. Болалар устозини кўриб қолиб, хурсанд бўлганидан тезлашишди. Дам олиб ўтирган Ҳидоят қўлидаги секундомерига қарай-қарай, қизаринқираб салом берди. Қўштегирмонлик ака-укалар жўровоз бош эгишди:

– Ассалому алайкум, устоз.

– Ваалайкум ассалом. Ия, эрталабдан келадиган одатларинг йўқ эди-ку.

– Кеча бизни уйда қолишган, – изоҳ берди Ҳидоят ака-укаларнинг орасига кириб.

– Уйларингдагилар хавотир олишади-ю.

– Қўнғироқ қилиб, бизникида қолишлариниям айтиб қўйдим, – Ҳидоят ака-укаларнинг бошини силади.

– Сизга ҳар доимгидай оғзакидан беш! – деди Рустам оғзининг таноби қочиб.

– Қани, бизникига ёппасига меҳмонга! Тушлик вақтиям бўп қолди, – Нўъмон ўнг қўлини кўксига қўйиб, чолга алоҳида такалуф кўрсатди. – Келинингиз ош дамлаётувди, тагини опкетмасин!

Чол узумзорга бир назар ташлаб, негадир бош чайқаб қўйди-да, йўл бошлади.

Ҳаёт қандай гўзал!

Коллеж ҳовлисидаги қарағай ёнида ҳовуздаги нилуфарга термилиб ўй сураётган Нурхоннинг ёнига Севинч келиб, маҳкам кучоқлаб олди.

– Вой, тинчликми, Севинч? Юрагимни ёрдинг-ку!

– Тинч-лик, тинч-лик! Тўй қолдирилди!

– Йўғ-е?

– Йўғ-е, бор-е! Билиб турибсан-у... Ўзинг бош бўлиб қуда тарафга борибсан-а мен учун! Ҳаммаларини кўндирибсан-а ўқишимга!

– Бир мен эмас, бутун курс...

– Яхшиям дейман мактабга бир йил олдин кирганинг. Бўлмаса, сен билан курсдош бўлмасмидим. Йиғлаб-йиғлаб эрга тегиб кетган бўлармидим...

– Куёвбола хафа бўлмадимми, ишқилиб?

– Йўқ. Ўзиям ўқимоқчи. Бир жойга топширамиз. Эҳ, ҳаёт қандай гўзал! Сен қанчалар яхшисан-а, Нурхон!



ўзинг кўриб турибсан, оёқ қўйгани жой йўқ. Телевизорни ёқсанг, ҳамма каналда бефойда маслаҳатлар: иккита қоқвош овқат пиширишни ўргатаётган бўлади. Вей, агар икки кило қўй гўшти бўлса ҳар қандай пандавақи ўзи билади қанақа пишириб ейишни.

– Бойака, жизза куйяпти.

Иззат ака сопол товоқни олиб жиззанинг ёғини силқитиб, сузиб оларкан:

– Куйиб қаёққа борарди, куймайди, куймайди, – деб минғирлади.

– Четдаям шу аҳвол, одамзод биринчи галда томоқ дарди билан банд. Уларниям кўрсатувлари асосан жинойт хабарлари, футбол, кейин масха-

рабозларнинг саҳналаштирилган баҳс-шоулари.

– Вей, Рустамжон, – деди Иззат ака қозонга бозиллатиб суяк ташларкан, – бир куни ўрисни кўрсатувида куркани ичига бир жуфт олмани бўлаклаб тиқиб, орқасидан бир шиша қизил вино куйворса-я! Оббо даюс-ей, закускаси ўзи билан кетди занғарни, дедим.

Иззат ака чаптастлик билан сопол товоқдаги жиззага бир чимдим туз сепиб, бир сиқим сабзи ва ҳалқа пиёз сочиб, Рустамга тутди.

– Бу дейман, минг хил овқат бору, ҳаммаси паловхонтўрани олдидан ўтаверсин, Рустамжон. Вей, хоразмча ошниям еганмисан? Самарқандникини-чи?

– Ўзимизни Чимёндаям ўшанақа қовурмасдан “софаки” ош қилишади.

Иzzат ака қўнғиртоб кўринишга келган бир жуфт иликли суякни олиб, қозонга “боз-буз” латиб бир коса пиёз ташлади.

– Парҳез ош-да. Тўйларда наҳорга беришади.

Қозонга бир лаган майдаланган “қоракесак” қўй гўшти тушди. Иzzат ака тутун ва ҳовурдан беихтиёр кўзларини қисиб, ҳафсала билан кап-гирни ишга солди. Гўшт бир-биридан ажраб, ранг ола бошлагач бир тутам сабзи ташлаб, қовуришда давом этди.

– Бунда нима ҳикмат бор? Сабзини биратўла ташламадингиз?

– Ҳикмати шуки, Рустамжон, – Иzzат ака кутилган саволдан мамнун бўлиб бир қад ростлаб олди-да, сирли оҳангда изоҳ берди, – гўшт юм-шоқроқ пишади... Буни риштонликларам билишмайди, – деб “ишонавер, биз биламиз-ку” дегандай чап кўзини чала қисиб, оғзини бужмайтириб, қуруқ бурун тортиб қўйди.

– Менам чойхона солмоқчиман. Деҳқончиликдан кўра шу осонроқми дейман. Мактабдаям ёзда иш йўқ. Таътилда бекорчилик. Шунга, чойхона қурсам, ҳарна ёз кунларида беш-ўн сўм кеп турармиди, – Рустам чойхоначига синовчан тикилди.

Иzzат ака кутилмаганда шапалоқ еган одамдай бир қалқиб тушди.

– Ҳм-м... Энангни ит тепгур Исроилни сабзиси эркак экан, бошқа мушак сабзи опкелтирдим... Шунақа дегин-а? Лекин ҳозир чойхонага келувчиларам камайиб кетган. Тагин, харажатингга куйиб қолмагин, укагинам, – жон тортган бўлди Иzzат ака.

– Келишади. Нархини сизнинг чойхонангиздан кўра арзонроқ қилиб қўйганимдан кейин, албатта, келишади. Мен сувни бўйига – Бачқира-риққа миндириб қураман, салқин бўлади. Кўпроқ харж қилганларга битта ароқ текинга бераман. Шаҳарда шунақа экан.

– Омадингни берсин, – деб норози оҳангда тўнғиллади чойхоначи. – Лекин ҳамма ишни ўз эгаси, пири бор, тагинам билмадим...

– Ҳазиллашдим, бойака. Чойхонани говғасига менда тоқат бормиди?

Чойхоначининг чехраси ёришди:

– Шунақа дўстан яна битта бўлса, душманга иш қолмайди.

– Бойака, сизнинг обрўйингиз баланд. Боксчиларимга ҳомийлик қилсангиз, таъсири бошқачароқ бўларди. Бир ўзим ёнимдан сарфлаб юраверсам, “Рустам тентак топганини бегона болаларга сарфлайди”, дейдиганлар яна кўпаяди.

– Кейин иккита тентак бўламиз-да. Шундайми? Эш-қўш бўлиб-а?

– Бойака, бир ривоят бор. Кетадими?

– Ўчоқ бошида жуда кетади-да. Шармандасидан бўлмаса бўлди.

– Йўғ-е, ибратлисидан. “Бир бор экан, бир йўқ экан” ини ташлаб айтавераман-да. Хуллас, битта сизга ўхшаган гуриллаган бой бор экан. Сизга ўхшамаган жиҳати, қисталақ, худо урган хасис экан. Шунчалик зиқна эканки, ҳавони кўпроқ шимириб, камроқ чиқаришга уринаркан...

– Ўбба қизпуруш-ей! Мабодо московчи Нуриддинни опададасимасмикан?

– Алқисса, ўша бой бир сандиқ дуру жавоҳирларини ўзимизнинг Жийдалига ўхшаган жойга пайт пойлаб дафн қилибди.

– Жуда ўхшатворасан-да, Рустамбой, “дафн қипти”, демасдан “кўмиб қўйибди”, десанг-чи!

– Бойака, одатда жонсиз жисмлар кўмилади, бойнинг назарида хазинаси фарзандию отасидан, онасиданам қадрли жигарбанди бўлгандан кейин дафн этган бўлади-да. Илтимос, ривоятни орасига оташкурак тикмай туринг. Шу десангиз, ҳар ўн йилда бир бориб ярим тунда ерни қазиб, сандигидан хабар олиб, яна дилхуш яшайвераркан. Навбатдаги ўнйиллик якунида бориб “Ке, қирқ йилдан бери жавоҳирларимни кўрмадим, қачонгача сандиқни сийпалаб қайтаман”, деб зангланган қулфни тош билан уриб очиб қараса, хазина ўрнида бир жуфт бинойидай таппи бир-бирига мингашиб турган эмиш. Бой “до-од!” деб пешонасига биттани урибди-ю, алчайиб ҳушидан кетибди. Бир маҳал мол бозоридан қайтаётган Хўроз бува бойни бу таҳлит топиб, у ёқ-бу ёғига уриб ўзига келтирибди. Фалокат сабабини эшитгач, “Э, бойака, ажойиб одамсиз-да, бундай қилинг, таппи қолаверсин, қулфни жойига илинг, сандиқни кўмиб, худди хазинангизга ит ҳам тегмагандай гердайиб юраверинг, ахир бу бойлик сарф бўлмаса, эҳсон қилинмаса, бировга фойдаси тегмаса, бас, тилло нима-ю, таппи нима?!” деб бойнинг орқасига битта шаппатлаб қўйган экан.

– Ва-ха-ха-ха, ёмон ёпиштирдинг-у, Рустамбой, – деди Иzzат ака тутунданми ёшовсираган кўзларини кафти билан артиб.

– Хулласи калом, бой дегани озгина қўли очиқ бўлиши, ҳар замонда дунёвий ишларгаям чиқим қип туриши керак. Бундайларни четдагилар “меценант” дейишади. Ўзбекчасига “Ҳотамтой” бўлади.

– Қилиб юрган ишларингга баъзан ҳайрон қоламан, – деди Иzzат ака ийиғи чиққан эски дўппи билан қайнаб турган човғум дастасидан

тутиб қозонга сув қуяркан, – тўғри, савоб ҳам керак. Аммо-лекин тутуминг Афандининг тухум-фурушлигига ўхшайди... Мен унақа Ҳотамтойлик қилолмайман.

– Бойсиз-у!

– Ўзинг-чи?

– Сиздан ўтиб қаёққаям борардим. Сизнинг ҳомийлигингизни яхши тарафи – болалар четдан бирон-бир совға олишса бошқачароқ татийди. Қолаверса, сизгаям савоб кераг-у. Биласизми, боксчиларимга ҳомийлик қилсангиз, қанча савобга қоласиз.

– Қанча?

– Мусобақага борганида қишлоғимизнинг шаъни учун урган ҳар бир зарбасидан сизга савоб ёзилади.

– Ол-а! Бопладинг, – чойхоначи чап кўзи билан осмонга ишора қилиб гапида давом этди. – У ёқ билан келишиб қўйганмисан?

– Вилоят биринчилигида ютиб келса, бутун туман дуо қилади. Ўша дуолардан сизгаям тегади-да.

– Республикада қатнашганларга ҳомийлик қилсам, миллионлаб одамларнинг дуосига қоларканман-да, – чойхоначи ёйилиб кулди, сўнг бирдан жиддий тортиб савол ташлади, – ютқазган тарафнинг қарғишига ким қолади?

– Ким қоларди, устози-да.

– Топқирсан, Рустам. Гапни топиб гапирасан.

Пулни рози қилиб олишни биласан.

– Пулингиз кўпайсин, Бойака!

Ўчоқбошига аланглаб кириб келган Фахридин даллол қозонга суқланиб қараганча Рустамга қўлининг учини берди:

– Ҳорманглар!

– Келинг, Фахриддин ака.

– Ия, “Тайсон”ни отаси-ку. Адҳамжоннинг дадасиз-а? Келинг, келинг, – чойхоначи қўшқўлаб сўрашди.

Даллол одоб сақлаб қўл қовуштирди:

– Ҳа, келдик, раҳмат! Бу ёғи шадовур палов экан-да... – кекирдагини ўйнатиб “ғўлд” этказиб ютиниб қўйди.

– Бу кишини фарзанди насиб қилса ҳали катта мусобақаларга боради. Келажаги бор шогирдларимдан.

– Раҳмат, Рустамжон! Ўғлимизга анча меҳнатингиз сингди. Унутмаймиз. Шу ўғлим билан би-ир расмга тушиб қўймабсизлар-да. Эсдалик бўп қоларди.

– Эсдалик?... Тинчликми?

– Тинчлик. Кўчадиган бўп қолдик. Энди шаҳарда боксни давом эттирар. Ташламайди, Худо хоҳласа.

– Даб-дурустдан шаҳарга кўчиб кетаверасизларми? Биров хафа қилдими? Ё ният бормиди шунақа? – деди Рустам ранжиганини беркитмай.

– Ният бор эди. Иш топилди. Уй тайин бўлди. Яхши-ёмон гапирган бўлсак, рози бўларсизлар... Тақдир-да, Рустамжон, борди-келди қип турамиз...

Фахриддин узоқ хайрлашиб, қозондан кўз узолмай, иккиланиброқ эшик томон юраркан, остонада тўхтаб яна бир марта:

– Бўпти бўлмасам, ошларинг ширин чиқсин, хайр, – деб эшикни қия ёпди.

– Сенгаям осонмас, меҳнатингга ачинапсан-а?

– Илёс аканинг ўғлиям армияга кетадиган бўпти. Тўрт йил боксни ўргатганим бир йилдан кейин нима бўларкин...

– Армиядаям спорт билан шуғулланишади-ку. Унутвормас.

– Унутишга унутмас, лекин ўзида иштиёқ қолармикан? – Рустам хўрсиниб қўйди. – Кеч бўп қолди. Мен энди борай.

– Ие, вей, тайёр ошни ташлаб-а?! Чўнғаранинг девзирасидан топтириб келтирдим-ку сен учун, бошқага ҳайф!

– Раҳмат. Уйдаям ишларим бориди.

– Айтганча, ҳалиги гапинг ҳазил эди-а? Чойхона тўғрисидаги...

– Йўқ, чин. Ростданам чойхона очмоқчиман.

– Унда мен бокс мактаби очаман, – иккови ҳам кулиб юборишди.

– Соддалигингизам бор-да. Чойхонани бошимга урамани?

– Майли, тегишингни товоққа солиб уйингга киритвораман. Фақат товоқ қайтсин, хўпми?

Уйинг борми сени?

– Менга қара, эй муллавачча, неччи марта айтиш керак сенга? Вақтинг тугади! Уйинг борми сени? Соат ўн бир бўлди-ю! Бўлди, ёпаман! – бошқарувчи компьютерхона пардаларини тортаётиб ўзига ўзи жавради. – Тавба! Бу болани ота-онаси тирикмикан? Болам қайда, ким билан юрибди, дунёқарашни ривожланияптими-йўқми, мафкуравий иммунитетни қай даражада деб қизиқмас-я. Ахир бутун дунёда глобаллашув жараёни кетяпти, ахборот хуружи авжига минган, тавбангдан кетай. Мана фожиа қайда?!

Абдуқундуз ўчирилган компьютер ёнида бирпас кўзларини ишқалаб ўтирди, бошқарувчи зарда билан енгидан тортиб кўчага равона қилаётганида энгашиб пайпоғи ичидан гижимланган минг сўмлик чиқазиб, унинг қўлига тутди. Бошқарувчи пулни олди-ю, ён чўнтагига тиқиб, “Бўпти, тўло-

винг қабул қилинди, лекин эрталаб саккизда келасан, жойинг бировга берилмайди”, деб миждо билан кўрс хайрлашди.

Кейин эшикни қулфлаш учун калит танларкан, мук тушиб компьютер ўйнаётган ёшроқ болага яқинлашиб, бармоқларини тароқ қилиб, ўсиқ сочларини таради, – Қўзим, бўлди, ўчиринг. Қолганини эртага ўйнайсиз. Аянғиз ашша пишириб қараб ўтиргандир, қўзим...

Ошиқ оғзидаги ош

Пештоқига “Мелиқўзи махсим суппермаркит” деб ёзилиб, ношудлик билан турли гуллар, мева-сабзавотлар, шишалар расми тартибсиз чизилган қишлоқ дўкони эшигига бир боғ исириқ, қалампир, тақа ва қўйтикан илиб қўйилган. Қизил тўнли Қорбобо тасвири туширилиб, “Янги йилингиз билан!” деб ёзилган ойна тагида калта иштонли болалар чўнқайиб ўтирганча музқаймоқ ялапти. Дўкондан қўлида халтача билан чиққан Азизнинг кўзи томигача юк ортилганидан инқилаб келаётган эски “Москвич”га тушди. Машина дўконнинг эшигига кўндаланг тўхтади. Азиз уловидан бир амаллаб тушган хўппасемиз Мелиқўзи махсим билан сўрашгани қўл узатди.

– Қарашворайми, махсим тоға?

– Бор, ишингни қил, – терс жавоб берди махсим.

– Ҳа, тоға, тинчликми? – Азиз ҳеч нарсага тусунмай, ҳайрон бўлиб махсимнинг юзига қаради.

– Қишлоғимиздан бир мард йигит чиқди, деб суюнсак, бу ёғи чатоғ-у!

– Нимаси чатоқ?

– Оғзингдаги ошни олдириб ўтирибсан-у, бундан чатоғи бўладими?

– Очикроқ гапиринг, тоға.

– Сойиб носвойнинг боғига боргин, дарров тушунасан. Ҳа, чемпион!

Московчи бой

– Тўйга айтишни биринчи бўлиб сиздан бошладим, Рустамжон. Ҳурмат бўлса шунчалик бўлади-да, а? – дея таклифнома тутқазди ҳамқишлоқ.

– Раҳмат, Нуриддин ака.

– Қуруқ раҳмат билан қутулмайсиз. Хўпми?

– Хўп. Биздан нима хизмат?

– Ҳа, яшанг! Ука дегани шундоқ бўлса-да.

Ота-боболаримиз даврида тўй курашлари бўларди. Бу, қишлоғимиздагиларга нима бўлди, ҳайронман. Ким тўй қилса, энди боксчиларсиз ўтмаяпти. Тушундингиз-а, Рустамжон?

– Тушундим.

– Энг зўр, чайир, уришқоқ болаларни тўплаб олиб боринг. Бир мазза қилиб томоша қилишсин.

– Фолибларга совға масаласи нима бўлади?

– Совғасига мана биз туриб берамиз-да.

– Бокс тушиб зарба ейиш оғир, зарбани бериш унданам оғир. Шунга яраша мукофот қўясиз. Қураш сайилларидаям мукофотлар бўлади, хабарингиз бор.

– Албатта, укажон. Уялтириб қўймайман.

Ишондим-а.

– Ишонаверинг, – Рустам қулоғи динг бўлиб турган шогирдларига қараб қўйиб, давом этди, – Фолибларга биттадан туя.

– А?

– Майли, биттадан кўчқор бўлақолсин, – Рустам болаларга юзланди, – Тўйда ютганларга кўчқор бермоқчи амакиларинг.

– Рустамжон, уйимни тополмай қоламан-а.

– Московчи бойман деб тўйларда пул сочасиз-ку. Ифтихорхўжанинг суннат тўйида Эрали ҳофизнинг бошидан бир ўрам икки юзталиқни сочганингизни кўриб, пул заводи бормикан ака-хонимни деб ўйлаб қолгандим. Савлатингизга қаранг, улоқчи от ҳурқади.

– Ўзим билиб бераман, эл қатори. Савдолашмайлик.

– Йўқ, аниқ гап айтинг. Насияга мушук офтобга чиқмай қўйган.

– Бўпти. Айтдим-ку ҳамма нима соврин тикса, ундан кам қилмайман. Унгача яна кўришармиз. Лекин ҳозир темир дафтарга тиркаб қўйинг. Эсдан чиқиб тўй эртасига бир-биримизга қараб жилмайишиб қолмайлик...

– Устоз, бу тўйда кимлар бокс тушади? – сўради шогирдлардан бири.

– Буни биргалашиб келишамиз. Олдингидай ростакамига эмас, машғулот пайтидагидек томоша қўямиз. Энг муҳими, ҳатто тўйда ҳам одамлар боксга ишқибозлик қилишяпти. Гап совринда, мукофотдаяммас, бокс оммалашяпти. Менга керакли тарафи шу.

Болалар бирдан қийқириб, сакраб юборишди. Рустам қайрилиб, ортида бир челақ шафтоли кўтариб турган Ҳидоятни кўрди. У ҳаммага иккита-иккитадан мева тарқатди. Охирида бўшаган пақирни тўнтариб, Ботиржонни ўтқазди ва шафтолининг пўстини арчиб, унга меҳр билан тутди.

Навбатдаги раунд

Рустам ҳовлиси ёнида турган “Мерседес”га ҳайрон бўлиб қараган эди, улов ичидагилар у билан баравар бош ирғаб саломлашди. Дарвозадан ичкариларкан, сўрида отаси рўпарасида лўлаболишга

ёнбошлаган Элмуродни кўриб, таъби тиррик бўлди-ю, истар-истамас бориб сўрашди.

– Рустамбой, ажойиб дўстларинг бор-да. Мана, Элмуроджон билан бир соатдан бери қаймоқлашиб ўтирибмиз. Шунақа азамат йигитлар кўпайса, ҳаммага яхши бўлади.

Рустам қуруққина қилиб:

– Ҳа-а... Нимасини айтасиз, – деб қўйди.

– Ким кимлигини ёши улугларимиз яхши билади-да! – деди завқланиб Элмурод, – Тилла билан мисни ажратадиган заргар-да булар.

– Бир соатдан бери ўтирибсизларми? Мактабга одам жўнатмабсиз-да, дада.

– Сени дарсдан қўймайлик деб... Директоринг ҳам инжиқ эмасми...

– Мен ҳам шуни айтаман-да, ота. Қаёқдаги директор-пиректорларнинг қош-қовоғига қараб ўтирмай, бўладиган ишни қилайлик, деяпман, ота, – Элмурод бўшаган пиёланинг лабига чертиб, Рустамга узатди.

– Ҳар кимнинг ризқи ўз йўлида, дейсиз-ку, дада. Карвон кўп, ризқи бўлак. Одам бир иш қилса, беҳадик, ичи чиқиб қилиши керак, деб тарбия бергансиз, тўғрими, дада?

Отаси ўглининг меҳмонни хушламаганини пайқаб, иккаласига ҳам бир-бир ҳайратланиб назар ташлаб олди:

– Ҳа, майли, ўғилларим, ўзларингни хос гапларинг борга ўхшайди. Мен бир мол-ҳолга қараб келай. Сизлар бемалол... – юзига фотиҳа тортиб, тиззасига таяниб туриб кетди.

Рустам отасини нигоҳи билан кузатиб қўяркан, узоқлашиши билан:

– Муддаога ўтайлик, – деб чўрт кесиб қўя қолди.

– Рустамжон, дўстим, шинговини эшитган-дирсиз, ўзингиз зоғ йигитсиз. Очиғи, йигитларим беш йилдан бери четга чиқиб, кўча жанглирида қатнашиб келади. Ютуқларимиз бор. Маблагимиз етарли. Лекин тажрибали мутахассис тополмаяпман. Яхши курашчи, каратечи мураббийлар бор. Аммо кўча жангида бокс ҳам жуда зарил экан.

– Қора томоша денг? Хўроз ё кўчқор уриштиришдек гап-да. Қисқаси, қимор-да, тўғрими?

– Дарров қизишасиз. Энди биринчи раунд бошланди-ю, – Элмурод кучланиб кулди, – Бизникиям спорт. Халқаро даражада. Айтайлик, Тайланддаги жаҳон биринчилигида ўзбекистонлик фалончи ҳаммани синдирди, деган гап обрў келтирмайдими?

– Ўша обрў неча пуллик? Мақсад бировнинг устидан пул қилиш эмасми? Бу дунёда пулнинг ҳалоли, ҳароми деган гаплар бор.

– Э, менга қаранг, эркак! Мунча пул, пул деб қолдингиз. Пул бу – восита. Восита ҳаммага керак. Сизга керакмасми ё? Ҳовлингизни аҳволини қаранг. Кечирасиз-у, отахонни маҳсисига қараган одам сизга раҳмат демайди... Пул бўлса, ҳозир фарзанд ҳам кўриш мумкин. Чораси бор...

Рустам Элмуродга газаб билан тикилиб қолди. Меҳмоннинг овози ҳам, ранги ҳам ўчди.

– Уйимда меҳмонсиз, бўлмаса... Ҳа, майли... Узр, боққа чиқмоқчийдим. Бир-иккита тўнкаларни кўпорим керак...

Элмурод ясама хушҳоллик билан чап қўлини кўксига қўйди:

– Меҳмондўстлик учун раҳмат. Насиб қилса, кейинги раундларда яна кўришармиз. Онахонни сўраб қўйинг.

Ҳа ўл-а, сузма!

– Ҳўв, Иззат, ўзингни тўйингдаям қозонга шунча гўшт ташлармидинг? Одам еган билан шохи чиқармиди? Ҳузурини маккапоя кўради. Бу сени насия чойхонангмас! Тагин бу холаваччамиш... Ҳўв бойвачча, биринчидан, гўшт одамни қаритади, иккинчидан, уйқуни қочиради, хаёлни бўлади... – тўйхона эгаси Нуриддин московчи шу тариқа ошпазга маломат ёғдираётган пайти Рустам бир гуруҳ шогирдлари билан тўйхонага кириб келди. Московчи бой қўлидаги бир бўлак гўштни тоғорага қайта ташларкан, Иззат акага ўқрайганча овоз чиқазмасдан огиз ҳаракати билан яна бир нарсаларни даргазаб уқтирди-да, янги меҳмонлар истиқболига табассум билан шошилди.

Хизмат қилиб юрган Нурхон қўлқопини бир-бирига уриштириб, елка ташлаб одамлар оралаб келаётган Азизга имкон қадар яқинлашиб, салом берди. Азиз уни кўрмагандай атай бошқа томонга қараб биров билан саломлашган бўлиб ўтиб кетди.

– Азиз дўстлар! Мана бугун Нуриддинбой элга тўй беряпти. Илоҳо, тўйлари охиригача мана шундай тинч, фэйзли ўтсинки, асло мелисавозликка ўрин қолмагай! Омин! Курашчи полвонларнинг беллашувини кўрдик. Ана энди даврага боксчиларни таклиф қиламиз. Марҳамат, Рустамжон!

Даврага Рустам чиқиб, микрофонни олди-да, бирма-бир ёш ва вазн тоифасига қараб жуфтликларни майдонга чақира бошлади. Ниҳоят, навбат Азизга келганда рақиб топилмай қолди.

– Қадрли ҳамқишлоқлар, нима қиламиз? Рақиб бўлмаганидан кейин Азизбекни голиб деб эълон қиламиз-да! Ё бошқа таклиф борми?

Азиз давра четида қўл чалиштириб турган Жавлонга қараб:

– Бизга ёшиниям, вазиниям фарқи йўқ. А, Жавлон ака? Бир ташлашамизми? – деб гап қилди.

– Мен... боксчимасман-у... Кураш бўлганда, бошқа гап эди, – деди Жавлон вазиятдан силлиқ чиқиб кетганига елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлиб.

– Бўлди! Тамом! Курашамиз! – Азиз бу шартга ҳам рози бўлиб қўлқопларини еча бошлади.

Икки рақибга тўн ва белбоғ беришди. Жавлон ноилож белини боғлаб, даврага чиқди. Азизнинг кўзи айвонда қизлар даврасида воқеани ҳаяжонланиб кузатиб турган Нурхонни қидириб топди.

Баковул кураш шартларини тушунтириб, беллашувга рухсат берди. Даврадагиларнинг “Бекор қилди-да Азиз, Жавлон эзиб қўяди”, “Бокс билан кураш бошқа нарсалигини билмайдими бу?”, “Азиз чиниққан-да, Жавлон хомсемиз” каби гап-сўзлари қулоққа чалинди. Азиз бел олиши биланоқ “Ё мадад!” деб Жавлонни бир силтаб ўзига тортди-да, оёғини ердан узиб, елкасидан ошириб ташлади. Рақибини ерга босганча атрофга қаради. Қийқирик, олқишлар, “Ҳалол!” деган ҳайқириклар кетидан “Оббо, пўк экану бу”, “Киприк қоққунча қоқиб қўйди-я”, “Кучли кучли экан-да, а?”, “Ҳа, кучли кучли-да!”, “Вей, бу Жавлонинг попирис чекиб, ҳотдог еб юраверган экан-да!”, “Ҳа ўл-а, сузма!”, “Спортчи барибир спортчи-да” каби қизгин муносабатлар қулоқларни батанг қилди.

Азиз ўрнидан тураркан, яна нигоҳи билан Нурхонни излаб топди. Нурхон қувончдан сакраб, қарсақ чалаётганини кўриб ҳайрону лол бўлди.

Чақалоқни исми нима бўлди?

– Геракл ака, қайга кетяпмиз? Айтмадингиз, – деди қизиқсиниб Абдулла.

– Сен билан биз ҳали узо-о-қ манзилларга борамиз. Муҳими, шошмасдан шошилиш керак. Огир карвон баланд довон ошади.

– Ака, мана шу машина неча пул туради?

– Анча, – кулиб қўйди Геракл.

– Эллик минг турар?

– Эллик мингга буни чироғиниям силатмайди, дагар, – Геракл боланинг соддалигидан

завқланиб, бошининг орқасига енгил кафт уриб қўйди, – Элликни орқасига яна битта нол қўйвор.

– Йўғ-е, ярим миллионми?! Қойил! Бизгаям насиб қилармикан?

– Ниятни яхши қилавер. Мен ниҳоятда кам-бағал, ночор оилада туғилганман. Ишонасанми, ўн олти фарзанд эдик. Отам колхозчи, онам бекорчи эди. Ота-онага ёрдам бериш керакми? Керак! Қанақа йўл билан бўлса ҳам уларни рози қилиш шарт, – кўрсаткич бармоғини ҳаволатди, – ахир улар – ота-она! Сени дунёга келтирган. Тўғримми?

– Тўппа-тўғри!

– Ҳақиқий ўғил бола ота-онаси ночор, қийналиб турганини кўриб, чидаб тура оладими?

– Чидаб туролмайди!

– Бале! Чидаб туролмайди. Мен ҳам чидаб туролмадим. Тирикчилик йўлини тутдим. Мана, кам бўлганим йўқ.

– Ота-оналарингиз ҳаётми?

– Ҳа... – бироз тўхтаб, сўнг қўшиб қўйди, – ҳаёт...

Машина тўхтаб, тушишди. Геракл рўпарадаги тоққа ишора қилди:

– Кўряпсанми?

– Тоғними? Кўряпман.

– Сен билан мен мана шу тоғлардек бардошли бўлишимиз керак. Қасд қилганлар қия бўлиб кетаверади. Тоғга тош отган билан нима бўлади, биласанми?

– Тош думалайди.

– Йўқ, отилган тошлар ҳисобига тоғ янаям катталашади.

– Фарзандларингиз ҳам борми?

– Битта ўғлим бор. Энди иккитага кўпайди.

– Табриклайман. Чақалоқни исми нима бўлди?

– Абдулла.

– Ие, менга адаш бўпти-ю!

– Ўша бола сенинг ўзингсан. Мен сени ўз ўғлимдай яхши кўриб қолдим.

– Йўғ-е... – хурсанд бўлиб кетди Абдулла.


– Ҳа. Сен оғзида қулфи бор, тиши тилига қафас бўлган, ишонса бўладиган, сотмайдиган, чинакам мард йигитга ўхшайсан. Менга сендай садоқатли ёрдамчи керак. Лекин аввал синовлардан соғ-саломат ўтишингга тўғри келади.

(Давоми келгуси сонда)



Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ

1947 йили туғилган. Ўзбекистон Миллий университети (аввалги ТошДУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Зарурат”, “Ўзбеклар иши”, “Соғуний соғинчи” асарлари чоп этилган. Чингиз Айтматов ва Мухтор Шохонов суҳбатларидан иборат “Чўққида қолган овчининг оҳи-зори” номли китобни ёзувчи Набижон Боқий билан биргаликда ўзбек тилига ўгирган.



O‘zimizning Aytmatov

Чингиз Айтматовдай улуг адибнинг назарига тушиб улгурган, ҳатто у билан тенгма-тенг даражада суҳбатлаша оладиган шоир билан танишганимдан мамнун эдим.

Дунёга таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов ҳақида ўйлар эканман, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ишлаб юрган пайтларим хотирамда жонланди. Қандай ажойиб дамлар эди. Айниқса, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Иброҳим Фафуровдек устозлар, Аҳмаджон Мелибоевдек туғма муҳаррир билан бир сафда туриб ишлаш мен каби ҳали ўз йўлини тополмаган журналист учун катта мактаб бўлганди. У пайтларни эсласам юрагим ҳаприқади... Кўз ўнгимдан ярим кечалари “Цензўр”нинг талаби

билан саҳифа-саҳифа мақола-ларни алмаштириб, тонг отар қилганларимиз ёдимга тушади. Чарчоқ нималигини билмасдик. Энди ўйласам, бундай меҳнат-севарликнинг сабаби бор экан: газетанинг янги сони эртасига киоскаларда битта ҳам қолмай тарқаб кетганини кўриш биз учун катта фахр эди.

Ўтган йили буюк аллома Алихонтўра Соғуний босган йўллардан юриб, замона-мизнинг яна бир улуғ инсони Чингиз Айтматов туғилиб-ўсган Таласга бориб қолдим. Соғуний домланинг шогирдларидан бири – Баёт ўғли Сотилған хожи шу қадим ва юксак тоғлар бағрида истиқомат қилар экан. Хожи ота бизга ўн олти йил мобайнида ўзи таълим олган устози ҳақида сўнмас хотираларини сўзлаб берди.


Бу табаррук зотнинг ёшлари тўқсонга бориб қолган эди. Шу боис, у кишига саволлар бериб, толиқтириб қўйишни истамадим. Ўртанча ўғиллари Зоҳиджондан Чингиз оға туғилган Шакар овули бу ердан қанчалик масофада эканини сўрамоқчи эдим, аммо шу пайт ҳамроҳларимиздан бирининг қўл телефони жириглаб, мени чалғитди... Биз ортга қайтиб кетдик. Шакар овулини кўриш армон бўлиб қолди. Йўлда эканмиз, ҳамроҳларимдан бири менинг тумшайиб қолганимни кўриб, Шакар овули Сотилған оғанинг уйидан жуда ҳам олисда, тоғлар орасида-лигини айтди ва бугун номи дунёда машҳур бу кичик гўша ҳақида билганларини гапириб берди. Хаёлимда Сотилған отанинг қирлиқдаги қийғос гулга кирган олмазорлари жонланди. Баҳорнинг саррин шабадаси эсаётган эди ўшанда. Бу эпкин Чингиз Айтматовдай буюк ёзувчини берган Шакарнинг

тотли ҳидини димоғимга урган-дай бўлди...

1995 йили Тошкентда Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси таъсис этилди. Шу муносабат билан пойтахтимизга қардош республикалардан кўпгина таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар келишди. Чингиз Айтматов Ассамблея президенти, устоз Одил Ёқубов вице-президенти этиб сайланишди. Ота Туркистоннинг бир-бирларидан анчайин узоқлашиб қолган адабиёт ва санъат намояндалари уч кун мобайнида бир-бирлари билан қўл олишди, дилларида тўпланиб қолган гапларини бир-бирларига айтиш имконига эга бўлишди. Эзгу режалар тузилди, адабий-маданий борди-келдилар бошланди. Аммо... орадан вақт ўтиб, бир-бирлари томон чўзилган бу қўлларнинг тафти, бир-бирларига ҳамроз бўлган бу дилларнинг қувончлари сўнди. Чингиз Айтматов, Одил Ёқубовдек буюклар ҳам Ассамблеянинг “умри”ни узай-

тира олмадилар. Сабаби, айрим олғирлар бошлиқларнинг оқ кўнгиллигидан фойдаланиб, ўз манфаатлари йўлида зўр бериб “ишлаб” қолишган экан. Нима бўлганда ҳам, ассамблеянинг қисқа фаолияти Марказий Осиё халқларининг бундан буён ўз қобикларига ўралиб яшашлари мумкин эмаслиги, нажот фақат ҳамжиҳатликда эканини кўрсатди. Шунинг ўзи катта гап эди. Аммо бунимиз ким сизди, ким сезмади...

Таниқли қозоқ шоири Мухтор Шохонов билан ўша Ассамблея иш бошлаган кунлари танишиб, дўстлашиб қолдик. Чингиз Айтматов “Чўққида қолган овчининг охи-зори” китобининг муқаддимасида Мухтор Шохонов ҳақида шундай дейди: “Хаётимда иккита Мухторга дуч келганман. Биринчиси – менга оталарча ғамхўрлик қилган устозим, буюк ёзувчи Мухтор Авезов бўлса, иккинчиси – шоир, эски дўстим ва сирдошим Мухтор Шохонов. Менимча, Мухтор Шохонов



Чингиз Айтматов ва Сайди Умиров



Кенжа ўғли Элдор Айтматов билан.

Ўрта Осиёдаги улуғ шоирлардан бири ҳисобланади. Мени мафтун этган нарса шуки, у қизиқувчан мутафаккир, изланувчан инсон. Шарқ донишмандлиги билан Ғарб дунёқарашини ўзида мужассамлаштирган нозик қалб соҳиби. Агар ўз ватанидан ташқарида шоирни кимдир яхши билмаса, бу унинг айби эмас. Ушбу китоб-суҳбат ёрдамида ўқувчилар оммаси унинг серқирра шеърияти билан яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлади”...

Хуллас, мен Ассамблеянинг ташкил этилиши кунлари Чингиз Айтматовдай улуғ адибнинг назарига тушиб улгурган, ҳатто у билан тенгма-тенг даражада суҳбатлаша оладиган шоир билан танишганимдан мамнун эдим. Орадан бир мунча вақт ўтиб, Бишкек шаҳрида “Чўққида қолган овчининг охи-зори” китобининг тақдими муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига таклифнома келди. Тақдимога Тошкентдан Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёқубов, Тўлепберган Қайипбергенов ва ўзбек-қирғиз адабий алоқларини йўлга қўйишда катта меҳнатлари сингган шоир ва таржимон Турсунбой Адашбоев ва мухбир сифатида камина Бишкек шаҳрига бордик. Одил ака билан Тўлепберген оға кундузи самолётда кетишди. Ўша йиллари мен “Ватан” газетасининг бош муҳаррири эдим. Газетанинг кундалик юмушларини сўнгига етказиб, Турсунбой Адашбоев

иккимиз Бишкекка борадиган тунги автобусда йўлга чиқдик. Турсунбой ака билан сафарда ҳеч қачон зерикмайсиз. Бу беназир инсон ўзбек адабиётини, ўз халқининг ҳаётини қанчалик чуқур билса, қирғиз адабиёти ва санъатини, ушбу халқнинг афсонаю асотирларини ҳам шу даражада яхши билар эди. Ҳатто айрим ҳамкасбларимиз Турсунбой Адашбоев асли қирғиз бўлса керак, деб айтганларига-да, гувоҳман. Бундай пайтларда кўпчилигимиз ўзбек ҳам, қирғиз ҳам бир туркий қавм эканини унутиб қўямиз. Бу энди бошқа масала...

Меҳмонларни Чингиз Айтматовнинг “Ала арча” қароргоҳи ҳудудидаги дала ҳовлисига жойлаштиришлари бизга олдиндан маълум эди. Эрта тонгда автобусдан тушибок, тўғри ўша манзилга йўл тортдик иккимиз. Меҳмонхонага кириб борсак, Одил оға ва Тўлепберган оға бир-бирларига қараб, мўлтираб ўтиришибди. Улар кечадан буён анча зерикиб қолишган эди... Шу орада ташқарида оёқ овозлари эшитилиб, хонага Чингиз Айтматов кириб келди...

Мен бу буюк ёзувчини биринчи марта яқиндан кўришим эди. Ҳаммамиз ўрнимиздан туриб саломлашдик. У оқсоқоллар билан кучоқ очиб кўришди. Одил Ёқубовга “сен”лаб мурожаат қилди: “Адил, сени ва Тўле акани ўз ватанимда кўрганымдан ўта хурсандман, узр, сизларни ўзим кутиб ололмадим. Люксембургдан ҳозиргина учиб келдим, деди-да, ўрнидан туриб, у ҳам тўғри бориб, музлатгични очди. – Вой-бўёв, керакли нарса кўринмаяпти-ку”, деб кулди. Шунда Одил ака ўтирган жойидан гап қотди:

– Чингиз, кўп уринма, дастурхонда ҳамма нарса бор.

“Ўзимизнинг жоҳиллигимиз туфайли буюк ғоя сўниб кетди. Агар халқ ўша ғояни уйғотмаса, ўша ғояни кўтармаса, энди уни ҳаётга қайтариш ниҳоятда машаққатли бўлади...”

Манави Турсунбай билан Яқибжан уканг сенинг йўқлигингни билдиришмаяпти. Ўзбекниям, қирғизниям қимизидан симириб ўтирибмиз.

– Ўзаги битта одамлар шундай бўлади-да, Адил, бирининг ёртисини иккинчиси бут қилади, – деди Чингиз оға даврага қайтар экан.

– Дастурхон ҳар ерда топилади. Аммо туркий халқларимиз бугунгидай сочилиб кетса, бирининг қаватига иккинчиси кирмаса, унда аҳвол чатоқ бўлади. Ҳали ўқиб баҳосини берасизлар, бугун тақдироти ўтказилаётган китобда бу масалаларга алоҳида тўхталганмиз. Сен яхши биласан, 1919 йилда эндигина ташкил топган Туркистон республикасининг мусулмон бюросига қозоқ халқининг оташин фарзанди, атоқли жамоат арбоби, таниқли инқилобчи Турор Рискулов раис этиб тайинланган. Бюро аъзолари таркибида бошқа туркий халқларнинг вакиллари қатори ўзбек халқининг ўтюррак ватанпарвари Низомиддин Хўжаев ҳам бўлган. Ўша пайтда бюро аъзолари Туркистон республикасида яшайдиган аҳолининг тўқсон беш фоизи номидан ёки барча мусулмонлар номидан ягона марказ раҳбарлик қилади, яъни барча мусулмонларнинг иқтисодий, маданий, ҳарбий сиёсати битта марказга бўйсундирилади, деган тўхтама келадилар... Бироқ, Туркистон республикаси раҳбарларининг ташаббусидан қўрқиб кетган Москва ҳукумати дарҳол бюрони тарқатиб юборади ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда бир-биридан айрилган иттифоқдош республикалар тузишга киришади. Уларни албатта марказдан бир киши бошқариб ўтирарди. Рискулов ҳамда Низомиддин

Хўжаев каби давлат арбобларининг тақдирлари нақадар аянчли кечганини сизлар яхши биласиз. Бир сўз билан айтганда, Адил, биз ўтмишимизни ўз қўлларимиз билан ерга топтаб юбордик. Ўзимизнинг жоҳиллигимиз туфайли буюк ғоя сўниб кетди. Агар халқ ўша ғояни уйғотмаса, ўша ғояни кўтармаса, энди уни ҳаётга қайтариш ниҳоятда машаққатли бўлади...

Чингиз оғанинг бу гапларига ҳам, мана, йигирма йилдан кўп вақт бўлди. Бу орада Марказий Осиё республикалари халқларининг бирдамлиги ҳақида кўп гапирилди-ю, аммо оз иш қилинди. Худога шукур, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг дастлабки қадамларини қўшни республикалар билан самимий мулоқотга киришишдан, қардошлик алоқаларини тиклашдан бошлади. Президентимиз ўзининг мамлакат Олий Мажлисига қилган мурожаатида шундай деди: “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устивор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда”. Дарҳақиқат, шундай. Бўлаётган ижобий ўзгаришларни ҳар қандай кўзи очиқ ва қалби сезгир одам кўриб-билиб турибди. Чингиз Айтматов айтган халқнинг уйғониши айни шудир.

Хуллас, Чингиз оға даврага қайтиб, ана шу сўзларни айттар экан, узоқ сукутга чўмди. Бу оғир фикрларга қўшимча қилишга ҳеч кимнинг ҳадди сифмади, чунки туркийларнинг бутун жоғалари ана шу икки оғиз гапда ўз тажассумини топган эди...



“Чўққида қолган овчининг оҳи-зори” китобининг, қирғизча айтганда, “тушовкесди” сени ўтказиб, Тошкентга қайтганимиздан сўнг, ҳамир учидан патир сифатида ундан бир парчани таржима қилиб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп эттирдим. Ўша кунлари Бишкекдан Чингиз оға билан Мухтор Шохонов келиб қолишди. Қизим Мунистонни турмушга узатаётган эдим. Меҳмонларни бир гуруҳ дўстлар билан уйга таклиф қилдим, боришди.

“Қизимиз Мунистонга! Бахтли бўлишингни тилаб, Чингиз Айтматов, Мухтор Шохонов” деб имзо қўйилган сувенир-кўбиз ҳалигача уйининг тўрини безаб турибди.

Тўйолди суҳбати қизигандан қизиди. Ёзувчи Набижон Боқийнинг оғаларга мурожаат қилиб айтган айрим сўзларини уларга ўзим “таржима” қилиб турдим. Гап орасида “Чўққида қолган овчининг оҳи-зори”ни ҳам бир-галиқда таржима қилиш ниятимиз борлигини айтиб ўтдим. Бу фикр Чингиз Айтматовга маъқул бўлди. Чунки, эшитган эдимки, дунё тан олган мазкур ёзувчи ўз асарларининг таржимонлари кимлар ва улар ўзлари мансуб адабий муҳитда қандай



Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов ва Мухтор Шоҳонов.

“Улуғбек менга фақат ўрта асрнинг атоқли олими бўлгани учунгина қадрли эмас, аксинча, тақдир уни энг машаққатли ва улуғвор фожиани бошидан кечиршига, шундай мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтишига маҳкум этганки, у ўз даврининг ҳамма қабул қилган тартиб-қоидаларига қарши бориб, шунга қарши исён кўтарган шахс сифатида ҳам буюқдир”.

мавқега эга, деган масалага ҳар доим эътибор билан қараган. Чингиз оғанинг оқ фотиҳаси билан кейинчалик асарнинг наср қисмини Набижон, назм қисмини эса камина таржима қилиб, чоп эттирдик.

Давранинг яна бир иштирокчиси ёзувчи ва журналист, моҳир муҳаррир Аҳмаджон Мелибоев эди. Аҳмаджон ака талабалик йилларидаёқ Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳрига бориб, Чингиз Айтматов билан учрашиб, унинг ижоди ҳақида диплом иши ёзган, матбуотда мақолалар эълон қилган киши. Бир сўз билан айтганда, Чингиз оғанинг эски таниши. Шу боис ҳам у меҳмонларга ижодкор ёшлар, шунингдек, меҳмонлар

билан шахсан таниш бўлган ўзбек ёзувчиларининг янги асарлари хусусида қирғиз тилида сўзлаб берди. Чингиз Айтматовнинг ўша суҳбатда ҳаммамизга қарата: “Ўтмишни ўрганишни, ўтмишга муносабатни юксак даражага кўтариш лозим...” деган сўзлари ҳамон ёдимда. Гоҳо ўйланиб қоламан: улуғ устознинг бу маслаҳатига қанчалар амал қилдик? Одил Ёқубов ва бошқа ўнлаб устозларнинг ижодларини қанчалик ва қай йўсинда ўргандик? Нима сабабдан бугун адабиётимизда дадил қалам тебратаётган ўн-ўн бешта ёзувчининг номидан нарига ўтолмаяпмиз? Ҳолбуки, қаёққа қараманг китоб, китоб... Биз эса фарзандларимиз-

нинг нима қилиб бўлса ҳам китоб ўқишларини жуда-жуда хоҳлаймиз. Аммо улар қандай китобларни ўқимоқдалар? Бунга кўпда эътибор бермаймиз. Албатта, Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов бу ёруғ дунёга бир келиб, ўз сўзини айтиб кетган даҳо ёзувчилардир. Улар энди қайтишмайди. Бироқ биз – оддий китобхонлар, адабиётимиздан жаҳоншумул истеъдодларни кутишга ҳаққимиз борми? Бор, албатта.

Ўзбек адабиёти ва Чингиз Айтматов! Булар аслида битта, ялакат ҳодисадир. Уларнинг дарду армонлари, қувончу ташвишлари ҳамоҳанг. Зеро, Чингиз оға қачон ва қаерда бўлмасин, ҳар доим бир кўзи билан, юрагининг бир зарби билан Ўзбекистонга назар солиб, бу ерда кечаётган ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий жараёнлардан воқиф бўлиб турар эди. Бундай меҳр-оқибатни унинг матбуотдаги чиқишлари, давралардаги мулоқотлари, дўстларига йўллаган мактублари ва, ниҳоят, яратган асарларидан сезиш мумкин. Шу маънода, Айтматовнинг ўз дўсти, донғи ҳам, чанги ҳам чиққан ўзбек ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романи ҳақидаги мактуб-мақоласини четлаб ўтиш қийин. “Литературная газета”да “Яшаб бўлинган асрлар учун оқлов” (“Оправдание за прожитые века”) сарлавҳаси остида эълон қилинган мактуб кейинчалик ёзувчининг собиқ Фрунзе шаҳрида чоп этилган “В соавторстве с землей и водой...” китобига бироз қисқартишлар билан (қаранг, қандай замонларда яшаган эканмиз, ҳатто дунё таниган ёзувчилар ҳам “цензур”нинг қайчисидан қутулолмаган) киритилган. Ўша мақолада қуйидагиларни

ўқиймиз: “Улуғбек”ни (Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романи – Ё.Х.) анча кечикиб, аммо завқ билан ўқиб чиқдим. Яхши асар ҳақида сўз юритиш қувонарлидир. Бу – юксак ва бениҳоя қимматли асар, ўзининг бадиий қиймати билан ҳам эътиборга молик тарихий роман мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Ҳаяжонимнинг асосий сабабчиси – ровийликнинг сеҳрли усули, бироқ бунинг барчасидан ташқари сенинг асарингни ўқийтуриб, мен улуғ туркий ғурурни ҳис этдим. Улуғбек ҳамиша бизни оқловчи куч у бизнинг дардимиз ва дунё ҳақида фикр юритишга, унга тўла ҳакамлик қилишга ҳуқуқ берадиган юксак тарбиявий изтиробимиздир. Бу юксак тажриба Улуғбек, гарчи унинг кашфиётлари оламшумул аҳамият касб этса-да, буюк олим бўлганида эмас, балки зиёли ва ҳақгўй инсоннинг фожиаси Улуғбек шахси ва тақдирида кечганидадир. Улуғбек менга фақат ўрта асрнинг атоқли олими бўлгани учунгина қадрли эмас, аксинча, тақдир уни энг машаққатли ва улуғвор фожиани бошидан кечиришга, шундай мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтишга маҳкум этганки, у ўз даврининг ҳамма қабул қилган тартиб-қоидаларига қарши бориб, шунга қарши исён кўтарган шахс сифатида ҳам буюқдир.

Ҳар қандай даврнинг, ҳатто маърифатли замонларнинг ҳам ўз улуғбеклари бор. Бунинг устига “Улуғбек”ларнинг шундай янги қисмати бўлмаганида уларнинг олим эканликларини муайян қатламдаги мутахассислардан бўлак ҳеч ким билмас эди. Ва шунинг баробарида жаҳон санъатида Шекспир, Гёте, Томас Манн ва ҳатто Толстой сингари сўз санъаткорларининг пайдо бўлиши ҳам гумон эди. “Улуғбек”ни ўқиб туриб, мен шуни ҳис этдим ва ўйлайманки, энг муҳими ҳам шу”.

Икки улуғ адибнинг ўзаро суҳбатларида, юқорида айтганимдек, бир неча бор иштирок этганман. Учоқларда бирга учганман, улар нон-туз еган дастурхонлар атрофида ўтирганман. Бундан бир умр фахрланаман. Чингиз оға суҳбатдоши ким бўлишидан қатъий назар, унга очик юз билан, самимий муносабатда бўлар эди. Неча бор кўрган бўлсам, унинг ҳаракатларида бирон-бир кибр-ҳавога уйқаш ҳолатни сезмадим. Чингиз оға туркий халқлар тарихини яхши билар эди. Бир суҳбатда шундай дегани ёдимда: “Қанча-қанча қадимий қўлёзма асарларимиз ўзининг чоп этилишини, тадқиқотларни кутиб ётибди. Биз эса Аҳмад Яссавий – қозоқ, Маҳмуд Кошғарий – уйғур, Болосоғуний – қирғиз, Муҳаммад ал-Хоразмий – ўзбек деб тортишиб ётибмиз. Агар бизнинг

боболаримиз шу ягона Туркистонда яшаб ўтган бўлсалар, нега биз “сеники-меники” қилишимиз керак? Ўша буюклар ҳаммамизники эмасми?! Янаям хорижлик гирт бегоналарга раҳмат! Ўшандай асарлар устида ҳамон тадқиқотлар олиб боришмоқда...”. Эҳ, бундай ўғитлардан кимнинг кўзи очилди, кимларники ёпиқлигича кетди...

Гапнинг рости, ўзлигини таниган ҳар бир ижодкор кўлига қалам олар экан, юқоридаги орзуларни мақсад қилади. Аммо ҳамма гап шундаки, бу орзуларнинг ушалиши барчага ҳам насиб этавермайди. Асрларнинг емирувчи бўронларини санокли ижодкорларгина енгиб ўтади. Ёдимда, икки асрнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитган пайтимда кўнглимдан шу фикрлар кечган эди. Ичимда нимадир узилганди, ўшанда. Каловланиб қолгандим: туркий халқ, турк будуни ўзининг энг азиз кишисини йўқотган эди.

Айтматовнинг даҳоси нималарда намоён бўлади? Адиб ўз мақолаларининг бирида шундай ёзади: “Санъат яхшиликка, ҳаётни севишга, некбинликка даъват этиши лозим. Айни маҳалда, санъат инсонни чуқур ўйларга чўмдириши, унинг қалбини алғов-далғов қилиши, ундаги қудратли изтироблар, ёмонликка қарши исён туйғуларини пайдо қилиши, унинг “қарс” этиб синишига, қайғуга ботишига ва топталган, ҳаётдаги паймол этилган мўътабар жиҳатларни тиклаш учун собит туришга даъват этиши ҳам ҳақиқат”.

Айтайлик, “Оқ кема”даги бола образи одамни ўйга толдирмайдими? Мўмин чолчи? “Асрга татиғулик кун”даги Бўронли Эдигей-чи? Манқурт қилинган боласи Жўломон кўлидан ўқ еган Найман она ҳақидаги ривоятда асримиз фожиалари намоён бўлмайди-ми? Чингиз оғанинг ҳар бир асари, ҳар бир образи китобхонни бефарқ қолдирмайди, чуқур ўйга толдиради. Қалбини алғов-далғов қилиб юборади, тўфонли изтиробга солади. Инсоният эришган энг яхши одатларни, юксак туйғуларни тиклаш ва сақлаш учун собит туришга даъват этади. Унинг даҳоси мана шунда, деб ўйлайман. Шундан бўлса керак, улуғ инсонга, ўлмас асарлар, барҳаёт образлар яратган ёзувчига замондош бўлганимиздан фахрланамиз ва “Айтматов бизлардан, бизники эди” дея жаҳонга ёруғ юз билан боқамиз.



Qahramonning qaytishi



Карл РЕЙХЛ

Бонн университети профессори (Германия). Рейн-Вестфалия академияси аъзоси, Нукус университетининг фахрий профессори. Туркий халқлар эпоси тадқиқотчиси сифатида танилган. Хусусан, “Алпомиш” достони ҳақида бир неча мақолалар эълон қилган.

Инглиз тилидан
Гулҳаё МАҲАМАДАЛИЕВА
таржимаси.


Ўзбек халқ оғзаки ижодининг шоҳ асари – “Алпомиш” достони икки қисмдан ташкил топган бўлиб, биринчи бўлимида қаҳрамоннинг Барчинга уйланиш воқеаси рўй берса, кейинги қисмда бу жуфтликнинг бир-бирдан айрилиши ва айрилиқдан сўнг қайта висолга етишиши баён қилинади. Дастлабки бўлим “Келиннинг ғалабаси” дея номланувчи кенг тарқалган мотивга қурилган бўлса, достоннинг иккинчи қисми асосини фольклоршунослик тадқиқотларида “Эрнинг қайтиши” ёки “Қаҳрамоннинг юртга қайтиши” дея билан аталадиган, Аарне-Томпсон-Утернинг Эртақ сюжет типлари кўрсаткичида 974 рақами билан қайд этилган мотив ташкил этади.

Виктор Жирмунский илмий изланишларида “Алпомиш” ва “Одиссея” достонлари воқеаларида ўзаро яқинлик борлигига алоҳида эътибор қаратади. Айниқса, бу ўхшашлик “Эрнинг қайтиши” қисмидаги воқеаларда, аниқроқ айтганда, Алпомиш билан Барчиннинг учрашиб, бир-бирларини таниб қолиш саҳнасида ёрқинроқ кўринади. Юртига қайтган қаҳрамонларни биринчи бўлиб содиқ хизматкорлари: Алпомишни чўпон Қултой, Одиссейни эса энагаси Эвриклея билиб қолади. Қултой Алпомишни елкасига босилган Шоҳимардон пирнинг панжаси изидан, Эвриклея эса Одиссейни оёғидаги чандиқдан таниб олади.

Юнонларда бир инсонни бошқа бир инсон таниб қолиши анагнорисис деб аталади. Арасту “Поэтика”да анагнорисисни тўрт турга ажратади. Биринчиси – қахрамонни баданидаги алоҳида белгиларидан таниб қолиш. Алпомиш билан Одиссейнинг танилиш саҳнаси шу турга киради. Иккинчиси, “таниб қолиш” муаллифнинг ўзи томонидан амалга оширилади. Бунда муаллиф қахрамоннинг исмини айтиб ёки қандайдир ўйин орқали таништиради. Учинчи турда эса, қахрамоннинг танилиши учун ўтмиш эсланади ёки шу қахрамонга хос бирор белгига ишора берилади. Ниҳоят, тўртинчи турда қахрамон мантиқий хулосалар эвазига таниб олинади. Эпик асарларда анагнорисиснинг биринчи ва учинчи турлари кўп учрайди. Арасту бу икки тур учун “Одиссея”дан мисоллар келтириб ўтган.

“Алпомиш” достонининг илк туркий талқини “Китоби Дада Қўрқут” кўшиқларида учрайди. Ўн иккита алоҳида кўшиқни жамлаган “Китоби Дада Қўрқут”нинг еттинчи кўшиғида асир олинган ва орадан вақтлар ўтиб озодликка эришган ўғуз ботирлари ва бир ўғлоннинг қахрамонликлари куйланади. Асир тушган бахтсиз қахрамонлардан бири – Бамси Бейрек-

дир. У ўн олти йил тутқунликда яшаб, кейинчалик унга кўнгли тушиб қолган насроний ҳукмдор Шоклининг қизи ёрдамида зиндондан қочишга муваффақ бўлади. Бамси уйига қайтаркан, йўлда унаштириб қўйилган қайлиғи – Чечак Бонунинг тўйига кетаётган жиров (бахши) билан тасодифан учрашиб қолади. Воқеадан хабар топган Бамси отини унинг удига айирбошлайди. Сўнг жиров қиёфасига кириб, тўйга етиб келгунга қадар йўлда бир гуруҳ чўпонлар билан, ўзининг опа-сингиллари билан ҳам учрашади. Аввалига уларнинг ҳеч бири Бейреكنи танимайди. Аммо жулдур чакмони билан даврага тушган “жиров” аслида кимлигини Бейрекнинг опаси билиб қолади. “Жиров” ўзи чалган кўйга келиннинг рақсга тушишини сўрайди. Шу чоғ икки қиз ўзини келинликка солиб, даврага киради, бироқ Бейрек уларнинг хийласига алданмайди. Бироздан сўнг “жиров” тўй базмида ҳақиқий келинни кўради, кўради-ю, уни бевафоликда айблайди. Шунда Чечак Бону бармоғидаги бир вақтлар Бейрекнинг ўзи таққан узукни кўрсатади ва изсиз йўқолган севгилиси учун шу кунга қадар садоқат билан яшаганини айтади. Буларни эшитиб, Бейрек ўзини ошкор



қилади. Ўғлининг дардида йиғлайвериб, кўр бўлиб қолган отаси “Қанийди, омонлик бўлиб, кўзимнинг нури қайтса, ўғлимнинг дийдорига тўйиб-тўйиб олсам”, деяётганида мўъжиза рўй бериб кўзи кўра бошлайди.

Бундан кўринадики, Бамси Бейрек – Алпомиш ҳикояси. Аммо Бамси Бейрекнинг ўзига хослиги шундаки, бу ерда анагнорисис бирдан эмас, аксинча, аста-секинликда содир бўлади. Қахрамон ва унинг суюкли ёри ёки Чечак Бонуга уйланмоқчи бўлган йигитнинг онаси ўртасида бўлиб ўтадиган айтишувлар, тўй кўшиқларида ҳазил-мутойибага мойиллик бор. Бу хусусият ўзбек, умуман, Марказий Осиёдаги бошқа

Шу йилнинг 7-8 август кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусида халқаро анжуман ўтказилади. Мамлакатимизда илк бор ташкил этилаётган мазкур тадбирга жаҳоннинг қирқга яқин давлатидан олим ва таржимонлар қатнашиш истагини билдирган. Улар орасида Қозғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдавлат, Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Низом Қосим, Озарбойжон Ёзувчилар бирлиги раиси Анор, Панжоб штати Ёзувчилар ассоциацияси раиси Дев Бхадвей (Ҳиндистон), “Мастера литературного перевода” гильдияси бошқарув раиси Александр Ливергант (Россия), шунингдек, Вели Саваш Йелок (Туркия), Хендрик Боёшотен (Бельгия), Радмила Мечанин (Сербия), Хисао Коматсу (Япония) каби нуфузли ижодкорлар, ўзбек адабиёти тадқиқотчилари бор. Профессор Карл Рейхл ҳам анжуманнинг фахрий меҳмонлардан бири. Олимнинг “Қахрамоннинг қайтиши: Алпомиш, Арасту ва эпос” (“The Return of the Hero: Alpomish, Aristotle and the Oral Epic” номли илмий мақоласини айрим қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

халқларнинг эпик асарларида муҳим ўрин тутаяди. Айниқса, анагнорисис саҳналарига ўзига хос бўёқ, ўзига хос нозик ифодани бахш этади. Ўзбек халқ достонларидан хушчақчақ, ҳажвий оҳанглар уфуриб турса, ўзга халқларнинг достонларида беҳад ҳассослик ва қандайдир жанговар кайфият устунлик қилади. Қуйида эпик адабиётда ана шундай мотивлар асосига қурилган айрим намуналардан мисол келтирмоқчиман.

Рус халқининг “Добриня ва Алёша” билинасида (қўшиқ-эртақ, биздаги достонга яқин – тарж.) воқеалар Добринянинг уйдан чиқиб кета туриб, хотини Настасяга агар у олти йил ичида қайтмаса, бошқа эр қилиши мумкинлигини айтиши саҳнаси билан бошланади. Настася эса ўн икки йил эрини кутади. Ахийри эринг олти йил олдин ҳалок бўлган, дея хабар етказган Алёшага тегишга розилик билдиради. Эътиборли жиҳати, бу ерда Алёша “Бамси Бейрек”даги хоин Ялтачук билан бир хил ўринда келаяпти. Тўй арафасида Добриня Константинополга бориб қолади ва унга хотини Настасянинг эрга тегаётганини айтишади. Қаттиқ таъсирланган Добриня уйига шамол тезлигида учиб боради, бироқ онаси ўз ўғлини тани-

майди. Шунда Добриня ундан бир вақтлар бедарак кетган ўғлининг ялтироқ либоси ва чолғусини сўраб олиб, подшоҳ Владимир саройида бўлаётган тўйга боради. Настася Алёшага никоҳланишига оз фурсат қолганида, Добриня ўз хотинининг рўпарасига келиб ўтиради. Унга ўз узуги солинган бир қадаҳ узатади. Настася узукни кўриб, эрини таниб қолади. Бу ўринда “таниб қолиш” мотивида узукдан фойдаланилиши асарнинг ўзига хослигини таъминлайди.

“Марко Кралевич ва костурлик Мина” номли серб эпосида бош қаҳрамон Марко турк ҳукмдори Султон Боязидга қарши курашиш учун саройини тарк этади. Костурлик Мина Марконинг онасини ўлдириб, хотини Елани ўғирлаганидан хабар топади ва роҳиб қиёфасида Минанинг олдига боради. Тўй устидан чиққан “роҳиб” масҳарабоз томошасини ижро этиб беради. Намойишдан кўнгли тўлган Мина “роҳиб”га ҳақ тўлаш учун “рафика”сидан Марконинг хазиначисидан танга олиб чиқишини сўрайди. Ела Марконинг хазиначисидан танга билан бирга унинг занг босган шамширини ҳам олиб чиқиб, “роҳиб”га узатади. Ҳали мақсадига етмаган Марко Минадан энди зоҳидлар рақсини кўрсатишга ижозат сўрайди. Ҳавода шамширини муаллақ силкитиб рақс бошлаган “роҳиб” кутилмаганда Минанинг бошини танасидан жудо қилади.

Дунё халқлари эпосида бош қаҳрамоннинг ўзга қиёфага кириб, ўз шахсиятини яширишга уриниши улардаги сюжетнинг ўзига хос қиррасидир. XII–XV аср инглиз, немис, италян, испан ва француз халқлари оғзаки ижодида ҳам шундай мотив асосига қурилган бир қанча асарларни учратиш мумкин. Бироқ мен ҳозир уларни эслай туриб, қандай қилиб бошқа-бошқа халқларнинг турли достонлари бир хил мотив асосига қурилганини ва, умуман, бунинг келиб чиқиш сабаблари, халқ оғзаки ижодининг аънаналари хусусида фикр билдирмоқчиман. Мотив айнан кимгадир тегишли бўлмаган ҳолда макони ва миллатидан қатъи назар мустақил шаклланиб бораверади (полигенезис). Аммо муайян мотив асосида индивидуал услубда сюжет яратилиши ҳам мумкин. Индивидуал услубда мотив воқеалар ривожига ўзига хос қолип вазифасини бажаради. Бу қолипнинг “Фалон қаҳрамон асирликка тушиб қолибди”, “Фалон қаҳрамоннинг хотини бошқа эрга тегишидан аввал ёрини жуда узоқ йиллар кутибди” ёки “Қаҳрамонни баданидаги фалон белгисидан таниб қолишибди” каби шакллари қаҳрамон кўрган-кечирган саргузаштларнинг даражасига қараб қўлланилаверади.



Агар “Одиссея” достонидаги ўша мотив воқеалари шу йўсинда яратилган ўзга халқлар оғзаки адабиёти намуналаридаги мотивларга туб манба сифатида хизмат қилган бўлса, у ҳолда биз Хомерга хос мазмундаги мотивлар бир тарафдан Адриатик денгизининг шарқий қирғоқлари орқали албанларга, бошқа бир томондан Амударё орқали туркийларга етиб бориб, узун бир занжир ҳосил этган, дейишимиз мумкин.

Ушбу хулосани ақлга сиғмас мулоҳаза, дея инкор этиш учун бирорта тўсиқ кўринмайди. “Одиссея”нинг “Эрнинг қайтиши” қисмидаги ўзига хос мотив ҳам бу фикрни асослаб турибди. Гарчи қаҳрамонларнинг турли саргузаштларни бошдан кечириб уйга қайтиши Шарқ ва Ғарб халқларининг оғзаки адабиётига кўчган бўлса-да, айнан “Одиссея”даги воқеалар уларнинг минг йиллик илдизга эга турмуш тарзига ҳеч қачон мувофиқ келмайди. Шубҳасиз, бундай ҳолларда адабиёт миллатнинг ўзига хос табиатига юзланади. Жумладан, турк, албан, рус ва серб халқ достонларидаги “Эрнинг қайтиши” мотивидаги сахналарга ушбу миллатларнинг ҳаётини тажрибаларида рўй берган воқеалар асос қилиб олинган.

Энди турли халқларга тегишли икки асарнинг қай бири бошқаси учун асос мотив сифатида хизмат қилгани ва халқ достонларининг ўзига хос анъаналарида мотивнинг шаклланиш хусусиятлари ҳақида сўз юритсак.

“Алпомиш” достони тўғрисида, у шу мазмундаги барча асарларнинг туб манбаси, деган фикрни билдира олмаймиз. Зеро, бу достон юнон эпоси учун асос бўла олмайди. Аввал айтиб ўтганимиздек, “Алпомиш” достонининг туркий тилдаги илк талқинини “Китоби Дада Кўрқут” асарида кўриш мумкин. Бироқ “Китоби Дада Кўрқут”да хомерча унсурлар: қаҳрамонни чандиқ ва хол ёки унинг оти орқали таниб қолиш, камон воқеаси, содиқ хизматкорлар ва бошқалар кузатилмайди.

“Алпомиш” достонининг “Эрнинг қайтиши” қисмидаги тўй сахнасидаги куй-қўшиқлар ўзбек тўйларининг ўйин-кулгу билан ўтишини кўрсатиб туради. Аёл тилидан куйланган бундай



қўшиқлар ўзбек халқ эпосида катта ўрин тутган. Булар фақатгина Алпомиш ва Барчиннинг ўртасида кечган ўзаро айтишувларда эмас, балки ўзганинг хотинини ўз ўғлига тегишга зўрлик билан мажбур қилган шафқатсиз аёл – тили чучук кампир билан диалогларда ҳам учрайди. Бу кампирнинг чулдираб гапириши ҳамда унга ҳазил билан жавоб қайтарган қаҳрамоннинг қўшиқлари достоннинг интиҳосига нафақат жўшқин кайфият олиб киради, балки ўқувчини бахтли якунга тайёрлаб боради.

Сўнгги хулоса: “Алпомиш” достонининг бахшилар оғзидан ёзиб олинган ўттиздан ортиқ варианты бор (сўнгги маълумотларга қараганда, қирққа яқин варианты бор – муҳ.). Уларнинг сюжети ўхшаш бўлса-да, жуда катта фарқли томонлари кўп. Жумладан, “Эрнинг қайтиши” мотивининг бадий ифодасида ҳам. Владимир Проппнинг изланишларидан келиб чиқиб айтилса, “Добриня ва Алёша” билинасининг қарийб бир юз олтмишда варианты бор. “Эрнинг қайтиши” мотиви болқон халқларида серб ва албан қаҳрамонлик қўшиқларидаги намуналаридан кўра анча кенг тарқалган. Гувоҳи бўлганимиздек, халқ достонларига асос бўлган мотив ва сюжетларнинг қиёсий таҳлили бу дурдоналарни тушунишимизда денгиздан бир томчи бўлиб қолаверади. Зотан, ушбу тадқиқотда томчи табиати мавжудлигига қарамай, мен халқ оғзаки адабиётидаги намуналарни бир-бири билан таққослаш орқали, ўзига хос ва айни пайтда ғайриоддий жиҳатлари ҳамда бу асарларнинг тағ-томирига сингиб кетган миллий анъаналарни очиб бера олдим, деб умид қиламан.

Biz – ikki qit'aga ayrilgan g'urur



Гўзал РЎЗИЕВА

1986 йили туғилган.
Бухоро давлат
университетининг тарих
факультетини тамомлаган.
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси томонидан
“Биринчи китобим” лойиҳаси
доирасида “Баҳор яқин”
номли шеърый тўплами нашр
этилган.

* * *

– Бўлди!
Бас қиламиз ими-жимиди,
Ҳег бир кудуратга ўрин қолмайди.
– Ҳа, албатта.
Тўғери...
Сўнг пизирлайман:
– Бошқаси ўрнимни боса олмайди!

– Сен яхшисан. Кезир, ҳамма айб менда,
Дўстона тугасин, билмасин ҳег ким.
– Хўп.
Аммо қалбимда довуллар турди,
Ахир...
Ахир Худо билди, азизим!..

Эшик хайрлашар мен угун беҳол,
Парда шокиласи қўлин силкийди.
Кийимилгиг қотган, бирор сўз малол,
Йиғладим,
Умримда ахир илк эдинг.

Илк ишонг, илк меҳр, сўнг илк муҳаббат!
Баргасини сенга атаган эдим.
Қўйлагингдан тушиб бир бахтли тугма,
Ўрнига юракни қадаган эдим!

Уни олиб кетдинг,
Энди жонсизман,
У сенинг кўксингда уриб турибди.
Қандай яширамиз, ахир, азизим,
Ҳаммасини Худо кўриб турибди...

* * *

Эсламаймиз бир-биримизни,
 На бирор хат, на бир қўнғироқ.
 Биз тескари магнитлар гўё,
 На яқинмиз, лекин на йироқ.
 Сўнг келасиз.
 Ўйган қиёфа,
 қаддингиз тик, нигоҳингиз ўқ,
 Шу лаҳзада англайман бирдан,
 Оламда сиз!
 Бошқа ҳег ким йўқ.
 Кўйлагимнинг нақшларига,
 Кўзларимга термиласиз жим.
 Дейсиз: – “Йўлим тушиди шу томон,
 Сизни ҳам бир кўрай деб кирдим”.
 Игидан гирт синади ногоҳ
 Таширфингиз хуш ёққан кўнгил.
 Лаҳзалик бахт сезар зирқироқ,
 Кўзларига тортилгандек мил...
 Сўнг текасиз, ўрлайди тутун
 Сизни ўрар халқали туман.
 Бахтимизни асрий туманлик,
 Қоплагандек гашилик сезаман!
 Кетасиз!
 Қалб гулдурослари
 Сизга етмас, қайтаролмайди.
 Аммо...
 Соғинг нуқси ўтириб қолган
 Кўзларингиз алдаёлмайди!
 Хайр, демам, кузатолмайман,
 Юрагимда номаълум ҳадик.
 Изингиздан сурилар парда...
 Тик қаддингиз тортгандек эгик.
 Хаёлларга бераман изн,
 Кўксим тобор тортаверар гаши.
 Кўйлагимнинг нақшларидек
 Нега бизнинг тақдирлар галкаш..?
 “Хайр” оғир,
 “Алвидо” азоб,
 Дарпардани гижимлайман жим.
 Ишқимизнинг гулгун юзига
 Қай кун парда тортдик, азизим?
 Келгандингиз, демадим: “Қолинг...”,
 Сизни эмас, ўзни алдадим.
 Шу лаҳзада...
 Тепада бизни –
 Иккимизни бир зот қарғади!..

Мен қайсарман,
 Сиз эса мағрур...
 Севги – кўзлари ёш бизга жовдирар.
 Биз – икки қитъага айрилган гурур,
 Дунё лол,
 Дунё жим...
 Дунё довдирар.

Дугонам зой тутар, сўнг пигирлайди:
 – Кузгисан, қўлингдан қўйма саботни!
 – Кузгисан.
 Билмадим, негадир гоҳо,
 Чойдек игиб қўйгим келар ҳаётни...

– Кузгисан!
 ... Бахтлиман,
 Дейман-у, нега
 Қадамимдан ўтдек тақнаб турмас шаён?
 Изтироб ақлдан оздирса агар,
 Мен – ҳушим йўқотган
 Дардан карахтман.

Аммо гоҳ тунлари қўзғолар тўфон,
 Оғиб юборар қалб даргаларини.
 Тонггага йиғлайман, кўксимга босиб
 Йиртилган сураглар паргаларини...

О, сиз ҳам бардошли,
 Тоғдек саботли,
 Жим хаёл сурасиз, юлдузга боқиб.
 Шеърларим пигирлаб ўқийсиз тунлар,
 Гоҳида шунгаки,
 Гоҳи ютоқиб.
 Гарги, борлиқ ўлган,
 Фурурлар тирик!
 Ортга қайрилмоққа йўл бермас журъат.
 Сезяписиз, умрингиз – ниҳоясиз шеър...
 Менинг қолган умрим – ярми йўқ сураг...



Hikoya

Ertasiga dushanba edi



Қўқор НОРҚОБИЛ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

1968 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университети (аввалги
ТошДУ)нинг журналистика
факультетини тамомлаган.
“Дарё ортидаги йиғи”, “Ўн
саккизга кирмаган мен
бор”, “Кулиб тур, азизим”,
“Кўёшни ким уйғотади?”, “Биз
жангдан қайтмадик” сингари
китоблари нашр этилган.

Хотини эрталабдан қулоқ-миясини қоқиб қўлига берди. “Борайлик-а, борайлик...”, деб ебгина қўйди, охири кўнди: “Бўпти, тез қайтамыз...”. Йўлга тушдилар. Йўлда эҳтиёткорлик билан айтилган одобий доира – меҳмонда ўзни тутмоқ сабоғидан ҳам баҳраманд бўлди. “Мулойимгина муомалада бўлинг, жилмайиб ўтиринг. (Аслида безраймасдан ўтиринг демоқчийди, эрининг тутқаноғи тутиб, ярим йўлдан ортга қайтиб қолишидан чўчиди). “Раъно Ақромовна ҳаммани ҳам меҳмонга қақиравермайди. Фақат бизни таклиф қилди...”. Эрининг энсаси қотди, эснади: “Аёл боши билан шугина ҳам раҳбарпараст-а?. Кетса ўрнини менга қолди-

риб кетади, деб ўйлайди-да, бечора...”. Эр ўзича ижирганиб қўйди.

Мезбон уларни хушҳол, очикчехралик ила қарши олди.

Кўчадан кўрсанг бир қапа, ичига кирсанг дур қапа. Раъно Ақромовнанинг ташқаридан разм солсанг, баланд девор ортидан тиртайибгина кўринган уйи, ичкари ҳатлаши ҳамона қасира-қусур қасрга айланди-қолди. Ял-ял ранг отган турли-туман қимматбаҳо тошлар ётқизилган йўлақлар, қайси бир дунёлардан олиб келиб экилган хил-хил барқ уриб очилган гуллар, (“Буларнинг ҳар бир донаси одамдан қиммат”, – ўйлади эр), рўпарасида кўпириб-тошиб кўкка отилиб турган фаввора теграсидаги заррин намхуш ҳавода ўйноқлаб осилиб турган камалак кўзини қамаштиради.

Теп-текис, кенг-мўл ҳовлига худди ям-яшил гилам тўшалгандай чимўт босилган. Ҳовли адоғида олтинтус панжаралар билан ўралган, суви тип-тиниқ мрамар ҳовуз сатҳида осмон акс этади. Уй айвонига олиб кириладиган йўлак четидаги ялтироқ устунларга қалпоқчиروқлар кийгизилганига қарамай, пастда ҳам бош-оёқ қаторасига икки тарафлама шокосадай-шокосадай ерчиноқлар ўрнатилган. (Булар ёнса кечаси атроф алламбало бўлиб кетса керак. Рўпарадаги саройни кўр...)

Эр-хотин оёқлари чалкашиб-чулкашиб мезбон ортидан эргашдилар. Бир амаллаб меҳмонхонага кириб олишди. Борнинг бир томчиси йўқнинг ҳовузини тўлдиради – буларнинг меҳмонхонасида ихчамроқ тўй ўтказсанг бўлади, ўйлади эр. Хотин илжайгани илжайган. Бошлиқ аёлга қилган тавозеси тоғни тешгудай, гўёки у меҳмону бу мезбон. Кенг-мўл хонанинг қоқ ўртасидаги стол базмбоп этиб тузалган эди, дастурхоннинг тенг ярми турли-туман ичимликлар: оқ, қизил, сариқ, кўк, пушти... бари-баридан бор. Улар хил-хил емак очилиб-сочилган, сара ноз-неъматлар жо дастурхонга манзират қилдилар.

Раъно Ақромовна қирқ ёшлар атрофидаги ҳусни тароватига ҳали соя тушмаган, бўйдор, Яратган қадди-қоматдан қисмаган жудаям гўзал жувон эди. Фақат шу гўзалликка ундаги алланечук шаҳду шижоат малол келиб турарди. Барибир раҳбарлик билиниб тураркан-да, майли, эпкинга юз бурсанг, шамол шаппати тортади, деганлари шу аслида. Мана, ҳозир ҳам қаршисидаги ҳали таниб-танишиб улгурмаган эркакка амр этди:

– Хўш, сиз зерикмай ўтиринг. Нози билан биз минг йиллик дўстмиз. Яхшиси, манавилардан қуйинг. Ҳали замон бизнинг хўжайин ҳам келадилар. Кейин сизларни ҳоли қолдирамиз.

У ботинида бўрон қамалган бу аёлга ҳайратланиб қараб турди.

– Нега анграйиб қолдингиз? Винойингизни қуймайсизми? – турткилади хотини.

– Нима? Вино... Ҳа-я, – у ўрнидан туриб стол четига бориб, ичимликлар ичида алоҳида ажралиб турган, шохдор Буғу тимсолидаги биллур идишдаги “Арман коньяги”га кўзи тушиб, чиндан ҳам анграйиб қолди.

– “Йўғ-е, бўлиши мумкинмас...”. “Туйқус столнинг бу четига айланиб ўтиб “Буғушиша”га қўл узатди. “Буғу”нинг бўйнига ўралган ингичка кумуш тасмага осилган тугмачадайгина олтин суви юритилган медальонни кўриб тахта бўлиб қотиб қолди: “Йўғ-е, бўлиши мумкинмас, бунақа тасодиф сираям бўлиши мумкинмас...”. У жойида серрайиб туриб қолди. “Буғушиша” унинг қўллари чўғ бўлиб қиздирарди.

– Зўр коньяк. Бизнинг хўжайин олиб келганлар... Сиз эркаклар биласизлар, бу савилни. Майли, шуни оча қолинг!

У ҳардамхаёл бўлиб “Буғушиша”ни кўксига босган кўйи жойига ўтирди. Раъно Ақромовнага сирли қараш қилди.

– Очмайсизми? – деди мезбон таажжубда.

Қадаҳларга “Буғу”нинг “бурни”дан коньяк қуйилди. Ичилди. Уйтелефон жиринглади. Мезбон даҳлизга чиқиб, гўшакни олиб ким биландир гаплаша бошлади. Ичкарида хотин эрини гап билан узиб-узиб олди:

– Нега бунча оғзингиздан сувингиз қочиб анвинга (даҳлиз томон боши билан ишора қилди) термилиб қолаяпсиз. Тинчликми? Ё бирор гап борми?

Хотинининг кўзида қаҳр аланга олганди.

Эр ўрнидан туриб меҳмонхонага синчиклаб разм солди. Ортига ўгирилиб, хрусталл идишлар терилган қимматбаҳо ойнаванд шкаф тепасидаги сувратни, чиройли зарҳошияли рамкага солинган Ҳасан Тўраевичнинг сувратини кўриб қулоқ чаккаси тарсаки тушган болакайдай гандираклаб, кўзлари тиниб кетди.

Хушу-бехуш беҳолгина ўриндиққа ўтириб қолди.

– Сизга нима бўлди? Рангингиз оқариб кетди, нега бунча ҳансирайсиз? Тобингиз қочдими? – хотин эрнинг юзига хавотир билан тикилди.

– Тоза ҳавога чиқай... Чарчадим шекилли...

Унинг кўз ўнгида манави қасрбаданг-бадабанг меҳмонхона диққинафас совуқ бир масканга айланди. Ўрнидан турди. Ич-эти музлаб хотинига қараб ижирганди:

– Менга қара, бунинг ким, эр-пери борми? Ҳақиқий эри борми, ўзи?..

Хотин сапчиб тушди:

– Нимага бунча алаҳсираяпсиз? Сизга нима бўлди? Эри билан нима ишингиз бор... Сизга нима?..

– Бунинг эри йўқ. Ўйнаши бор... Ҳа, ўйнаши, – вишиллади.

– Ўчиринг овозингизни, – ўшқирди хотин.

Меҳмонхонага Раъно Ақромовна кириб келди.

– И-я, нега ўрнингиздан туриб олдингиз? Бизнинг хўжайин кўнғироқ қилдилар. Ҳали замон келиб қоладилар. Зерикаяпсизми? – Аёл табассум қилди. Бу гал анча мулойим оҳангда гап қотди.

– Раънохон, бу киши бир оз ташқарида айлансам деяптилар, – хотин хижолатомуз ҳолда орага тушди. – Хўжайинингиз келсалар бирга отамлашадилар. Дарвоқе, эрингиз нима иш қиладилар? Ҳалиги, иш жойларини тўлиқ айтиб беролмадим, бу киши сўровдилар, – хотин гапни силлиқлади.

– Содда қилиб тушунтириб қўя қолмабсиз-да, кончи, тоғма-тоғ юриб кон қидирадилар...

Эркакнинг ичида қаҳри келди. Мийиғида кулиб қўйди. Бу дабдаба-ю ҳашаматдан ҳафсаласи пир бўлиб ташқарига чиқди. Гулзор билан ўралган осма ҳалинчакка чўкиб, чайқалди. “Тоғма-тоғ юрармиш. Тоғма-тоғ юргангани кўрганмиз. Кончи эмиш... Ол-а, ҳали замон кеп қолармиш... Келади... Келади. Ими-жимиди келади, танҳо қолганингда келади... Эҳ-х, Ҳасан Тўраевич, Ҳасан Тўраевич, ўзингизни фариштадай тутасиз-у, аслида бу ёғини Худо уриб қўйган экан-ку, бир ҳисобда яхши бўлди. Бундан кейин оғзингизга тақа қоқаман. Қўлимдаги “туз кўзир” ни ҳеч нима билан тортиб ололмайсиз, энди”.

Ҳалинчакни ичида исён ураётган аламли бир куч тебратарди, гўё. Ҳалинчак ҳар бир тебранганда кўксига аллақердан дир ёпирилиб келиб урилган оловли шамол борлиғини беҳузур қиларди. У оёқларини ерга тиради – ҳалинчак тўхтади. Атрофга яна кўз югуртирди. Ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз ўзи яшаркан... Ҳасан Тўраевич, ўша силлиқ, ҳақиқатгўй Ҳасан Тўраевич, гулу гулистон, роҳату фароғат ичига кўмиб қўйибди-да, бу ўзигар ойимчани... Ўрнидан шаҳд билан турди. Бўлди, етар, хотинини етаклаб чиқиб кетади. Тамом. Уйига бориб тушунтиради ҳаммасини.

Даҳлиз эшиги очилиб, Раъно Ақромовна кўриши берди:

– Тузукмисиз энди... У-бу нарса керакмасми? У ҳалинчакка қайта чўқди.

– Йўқ. Шу ер яхши. Шаббода эсиб турибди.

Аёл ичкарига кириб кетди. Эркак хаёлга толди.

Ёз эди. Кавказда дам олаётувди. Тоғда.

Оромгоҳлар ўлкаси деган шаҳарнинг баобрў сихатгоҳларининг бирида бу дунё ташвишларидан олисда, хушу-хушвақт даврон сураётган эди. Давру давроннинг иккинчи ҳафтаси тугаб ўн бешинчи кун бошланган тонгда у тоғ сўқмоғидан тушиб келаётди, пастдан юқорига қараб ҳансираб келаётган Ҳасан Тўраевични кўрди. Кўзларига ишонмади. Раҳбар бўлиб иш бошлаганига ҳали уч ой ҳам бўлмади, бу ерларда нима қилиб юрибди. Ҳамма каби таътилга чиқиб дам олишга келдимикин, йўғ-е, бундай мартабадаги раҳбар ўз ҳолича бу ёқларга йўрғалай олмайди, мана келибди-ку, келибди... Энди нима қилсин, буни танирмикин, қаердан танийди, шундай катта идоранинг қанчалаб тизимлари ичида, кўзга чалинавермайдиган ўртача бир муассасадаги раҳбарнинг муовини бўлса... Нима дейди, мен фалончи... фалончиман, дейдими? Нима бўпти, деса-чи...

Осмонўпар Ел, Кедр, Эман дарахтлари қалин ўстан тоғ-ён бағри бўйлаб қийшиқ-қинғир кўтарилган қумтош йўлакдан эрта тонгданоқ дам олувчилар – эгнига енгил-елпи ёзги илвасин, машғулотбоп майка-турсик, кофта-шортик илиб олган қари-ёш, эркагу аёл аралаш одамлар оқими сира тўхтамайди, тоғ чўққисидан тушаётганлар қанча, ўша ёққа кўтарилаётганлар қанча. Энг муҳими, маданий ҳордиқ – бадантарбия шу аслида.

У йўлакка туташ сўқмоқчадан пастга тушди-да, улкан эман ортида бекиниб турди. Ҳасан Тўраевич тошйўлак бўйлаб терлаб-пишиб ўтиб кетди. У Ҳасан Тўраевичнинг ортидан термилиб қолди, кўнгли алланечук хомуш тортиб пастликка эниб кетди. Эртасига ҳам шундай бўлди, улар тоғйўлакда дуч келишди: у чиқаяпти, бу тушиб кетаяпти, бу кўриб кўрмасликка олди.

Ҳасан Тўраевичга у эртасига ҳам дуч келди, бироқ раҳбарнинг ёнида бу гал ўзига ўхшаган ўта салобатли шерик пайдо бўлган эди. Пана тортиш ўнғай туюлди. Лўкиллаб югуриб, пастга эна бошлади.

Тошйўлакда баландликка чиқувчилар, пастга тушувчиларнинг айримлари унга тонги салом йўллаб, сихат тилашди, у ҳам алик олиб, уларга яхши кун раво кўрди. Мана, Ҳасан Тўраевич ҳамда унинг салобатли шеригига рўбарў келди. Беихтиёр тўхтаб қолди. Қўли кўксига, тавозе билан салом берди. Икки савлатдор ҳам (раҳбарликнинг деви бор дейишади) унинг қаршида тўхташди.

– Ва алайкум ассалом, – деди шерик.

– Яхши дам олаяпсизми, – деди Ҳасан Тўраевич.

– Раҳмат. Ўзларинг яхшимисизлар, – деди у
ғўлдирабгина.

– Биз ҳам энди кўникаяпмиз, – деди Ҳасан
Тўраевич.

– Хўжайин, мен лойиҳалаш маркази раҳбари
муовиниман. Муассасамиз вазирликдан алоҳида
жойлашган, – деди у томдан тараша тушгандай
қилиб.

Салобатли шерик ҳайрон бўлиб қаради. Ҳасан
Тўраевич унга жилмайиб қўйди:

– Мен Сизни тушундим, – деди бош ирғаб.

Улар тепаликка йўл олишди. Бу эса пастга...
Йўқ, улар тепаликка қийналиб йўл бошлашди, бу
эса пастга қараб учди, елкаларидан қанот ўсиб
чиқди, шундай катта одам, шундай раҳбар-а,
шундай одам билан яқиндан танишишга имкон
пайдо бўлиб турибди, бу учмай ким учсин?..

Эртасига яна ўша жойда уларни кутиб турди.
Улар кўринаверишмади. Бетоқат бўла бошлади.
Барвақт чиқиб қайтишдимикин-а? Йўқ, бўлиши
мумкинмас, ўзи ғира-ширада чиқди-ку, уларга
кўзи тушмади. Чарчаб қолишгандир. Тоққа чиқиб
тушишнинг ўзи бўладими? Қайси сиҳатгоҳда дам
олаётганини ҳам сўрамабди. Бу атрофда ўнлаб
сиҳатгоҳ бор, қайси биридан изласин, энди? Ҳар
ҳолда булар унча-мунча сиҳатгоҳда ётишма-
са керак... Э-эй, ана, келаяпти, амакининг ўзи
келаяпти, хўжайин қаерда қолдийкин? Кўнглига
нохушлик инди. Пастга, салобатли амаки томон
югургилаб кетди...

Тарвузи қўлтигидан тушди. Хўжайин Ялтага
кетибди. Яна бир ҳафтадан кейин келиб бу ерда
дам олишни давом эттирар экан. Салобатли ама-
ки хўжайин билан бир хонада ётибдйкан.

– Мен, мен эртадан кейин Тошкентга қайта-
ман, – деди у. Сўнг салобатли амакига илтижоли
боқди. – Шу десангиз, Ҳасан Тўраевичга, хўжа-
йинга бир нарса қолдираман, бериб қўйсангиз,
кечқурун сиз дам олаётган санаторияга бораман.
“Крепость” дедингизми номини, яхши, 6- қават.
611-хона. Бўпти, амакижон, кечқурун кўришамиз.
Ҳа, ўзларининг хабари бор. Тошкентда ўзим гап-
лашаман. Саломат бўлинг. Кечқурун кўришамиз
бўлмаса.

У пастга қараб енгил “шўнғиди”.

Тонг саҳар шаҳар марказига тушди. “Энг яхши
совға нима?”, деб сўради тоғликлардан. Соф хрус-
тальядан ишланган, Буғу тимсолидаги биллур
идишни арман коньяги билан тўлғазишди (бу
ердаги энг ажойиб совға шу, дейишди тоғликлар).
Кейин кумуш риштали, тилла сувига чайилган
медальон сотиб олди ва уни “Буғу”нинг бўйни-
га осиб қўйди. Таксичи анча қорувли, дилкаш

йигит экан. Аёлларбоп қимматбаҳо пўстинни
талашиб-тортишиб тенг ярмига, беш юз долларга
олиб берди. Сотувчи ўлиб қолса ҳам бермасди,
бироқ таксичи бор овозда бақирди: “Қанақа
тоғликсан, шундай одамни ҳам хафа қиласан-
ми, ўзбек у, Ўзбекистондан келиб турибди, қара,
биласан-а, Тошкентни. Тошкент бу – нон шаҳри!
Эсингдан чиқдимми?”. Сотувчи ҳам меҳмонга
завқланиб тикилиб қолди. “Ол, ўзбек. Сенга беш
юзга берганим бўлсин. Тошкент – нон шаҳри!”, –
деб қўйди у ҳам кўрсаткич бармоғини ҳаволатиб.

У “Буғу” билан пўстинни хўжайиннинг ше-
ригига қолдириб, ўзи Тошкентга учди. Хўжайин
уйга қайтгач, мени чақиртириб олади, қидириб
топади, деб ўйлади. Ахир, берган Худога ёқибди,
деган гап бор-ку... Ахир ўн йилдан бери ўтини
ёнмайди, зора бир мансабга илиниб қолса... Умри
бино бўлиб илк бор бировга бир нарса берган
куни бугун.

Мана, куз ҳам келди. Орадан икки ой ўтаяп-
тики, жимжитлик. Хўжайин изламади.

... Ҳалинчак чайқалди. Унинг ўзи чайқалдими
ёки ичидан тошган оғриқли бир ўйнинг тўлқини
чайқадими билмайди, ишқилиб ҳалинчак чай-
қалди, у кўзини очди. Кўзини очди-ю, даҳлизда
эгнига тим қора пўстин ташлаб олган хотинини
кўрди. Бошида чақмоқ ургандай бўлди, беихтиёр
ўрнидан сапчиб туриб кетди. Ичидан бир ихроқ-
ли оғриқ отилди. “И-е-е-ей”...

– Дадаси, қаранг. Ярашибдими? Раъно Акро-
мовнага анчагина калта келибди. Менга нақд
ярим пулига, минг долларга беришга рози бўл-
дилар... Олаверайми? ... Бизда бунақаси умуман
йўқ...

У тамоман тилдан қолган кўйи бош ирғади,
яна шилқ этиб ҳалинчак ўриндигига чўкди.

– Раҳмат, дадажониси, раҳмат, – хотинининг
ҳайқирғи олис-олислардан эшитилди.

Ҳалинчак анча пайт чайқалибгина турди.
У ўзини қўлга олди. Ўрнидан турди. Ичкарида
икки аёлнинг шўх-шодон кулгуси жаранглар,
армани коньякнинг ҳароратли таъсирида суҳбат
алангаси гуриллаб ёнарди.

У тушов узган тулпордайгина бўлиб тосирдаб
кириб келди-да, ойнаванд қимматбаҳо сервант
ичидаги сувратга термулиб турди, ич-ичидан
тагин ижирғанди. Аёлнинг сархуши ҳам эркак-
нинг хушёридан кўра сергакроқ бўлади:

– Ўтиринг жойингизга, нега ўзингизни қўяр-
га жой тополмай қолдингиз, – хотини енгидан
тортди.

У расмга бош ирғади ва Раъно Ақромовнага
истеҳзоли илжайди.

– Бу одам ким?

Раъно Ақромовна ҳам тош қотди. Унинг юзига сирли тикилиб турди:

– Эрим!!

Хотини унинг сонидан қаттиқ чимчилаб шипшиди: “Жим ўтиринг. Сизни нима жин урди, бугун?”

У ҳамон ичидаги изтироб ва уят ўтини ўчира олмай оввора эди.

– Бу одамни мен яхши танийман, – деди лабла-ри титраб ва Раъно Ақромовнага “ҳолинг қалай”, дегандай қараб турди.

– Таниш бўлсангизлар, жудаям яхши, – деди Раъно Ақромовна, – бизнинг хўжайин кўнглига ёққан одамни сира қўйиб юбормайдилар.

У чидаб туролмади. Сиртига сув юқтирмайдиган бу сувилоннинг терисини шилиб олгиси келди:

– Хўжайинингиз фалон идорада (ўзи ишлайдиган идоранинг номини айтди) раҳбар бўлиб ишлайди. У кишининг ҳеч қандай кон-пон, тоқ-моққа алоқаси йўқ.

Ёнидаги хотини титраб-қақшади. Эрининг юзига ҳангу-манг бўлиб термудди. Раъно Ақромовнанинг қошлари чимирилди, юзига табассум ёйилди. У ҳам бу тунд ва ўжар одамга муносиб жавоб бериш учун ўсмоқчилаб, сўз қотди.

– Тўғри, Сиз айтган идорада Ҳасан Тўраевич раҳбар бўлиб ишлайдилар. Бу киши эса (расмга боши билан ишора қилди) Ҳусан Тўраевич, менинг эрим, бизнинг хўжайин, кон-қидирув идораларининг бирида бошлиқ. Ҳасан Тўраевич билан улар эгизак. – Аёл яна қандай иддаонгиз бор, дегандай унга кинояли боқди, туйқус юзига қизиллик югурди ва оҳиста, эшитилар-эшитилмас қўшиб қўйди:

– Сиз мен ҳақимда нотўғри хаёлларга бордингиз... Бугун хўжайинининг туғилган куни. Кечқурун меҳмонлар ҳам келишади, анъанага кўра Ҳасан Тўраевич ҳам келадилар. У киши ҳамиша эгизагини ўзидан олдин келиб, биринчи бўлиб табриклашга одатланганлар.

У зил-замбил бўлиб курсига қапишиб қолгандай эди. Уятдан ерпарчин бўлиб, ҳоли-мадорсиз, ер ёрилса-ю, ерга кириб кетгудай бўлиб ўтирарди. Даврага совуқ сукунат чўқди. У ўрнидан базўр турди. Ҳеч нарсани англаб етмаган хотинига қараб илжайди:

– Нози, Сен бемалол ўтиравер. Ҳозир эсимга тушди. Ишхонамга бормасам бўлмайди. Эртага

душанба-ку, бугун тугатишим керак бўлган муҳим ишим бор...

У энди ташқарига чиқди. Ҳақиқатан ҳам душанбагача тугаллаши зарур бўлган юмушлари талайгина. Улардан энг муҳимини ажратиб олиши зарур эди. Ҳа, энг муҳимини.

Гуллари барқ уриб, мрамар деворлари ярақлаган ҳовли, кўкка кўпириб тошган фавворадан сачраган дур томчиларга осилиб турган камалак жилоси, осмон акс этган кўм-кўк мрамар ҳовуз, кўкчироғу ерчироқлар бари-бари олдинги маҳобатига қайтган, борлиқ янада файзу-тароватга чўмган эди.

У йўлак бўйлаб юриб дарвоза томон йўл олган ҳам эдики, эшик очилиб, қўлида бир даста гул кўтарган эллик беш ёшлар чамасидаги ўша, “эски таниши” – Раъно Ақромовнанинг эри, отини Ҳусан деди-я, ҳа, Ҳусан Тўраевични кўрди. Улар йўлакда тўқнаш келдилар. Бир-бирига тикилиб туришди.

– Мени танияпсизми? – деди у титраб.

– Танигандай бўляпман, – деди гул кўтарган одам ҳам.

– Кўрдингизми, ер юмалоқ, барибир кўришдик. Бир оғиз айтсангиз бўларди-ку, мен у эмасман, унинг эгизагиман деб.

– Мендан нима истайсиз ўзи?

– Ҳеч нарса. Худодан Сизга бошқа дуч келтирмаслигини сўрайман, – у қаршисидаги кимсанинг елкасига уриб қўйди, – Оббо, кончивой-ей, дарвоқе, туғилган кунингиз муборак бўлсин, хў-ж-а-а-й-иин!!

Уни четга суриб, шаҳд билан дарвозадан чиқди. Ташқарида, ҳовли эшиги ёнида ҳукумат рақами илинган алламбало машина – нуфузли идоранинг катта раҳбари Ҳасан Тўраевичнинг хизмат машинаси турарди.

Хўжайинининг хизмат машинасига кўзи тушиши ҳамона у ихраб юборди, ичидан нимадир узилиб кетгандай бўлди.

... Эртасига душанба эди. Ишхонасига катта идоранинг катта раҳбари Ҳасан Тўраевичнинг ёрдамчиси кўнгироқ қилди:

– Сизни хўжайин йўқлаяптилар, – деди у анча тавозе билан, – рисоладагидай кийиниб келинг, – деб қўшиб қўйди сирли тарзда.

У энди нима бўлишини билмасди. Душанбанинг дастлабки иш соати энди бошланган эди.



It

Hikoya

Бу шаҳарга келганимнинг илк кунларидаёқ Библия қироат қилаётган жулдур кийимдаги киши атрофида тўпланиб турган оломон диққатимни тортди. Ваъзхоннинг оёқлари тагида ётган итни бир қарашда пайқаман, терчираган ва сип-силлиқ жун қоплаган, зулукдек қоп-қора, баҳайбат ва хунукдан-хунук бу кўппакни дарҳол кўрмаганимга ҳайрон қолдим. Кўппакнинг кўзлари олтингугуртдек сап-сарик, жағларини йириб очганда эса йирик-йирик сўйлоқларга кўзим тушди, ўзи умуман турқ-афти шундай ваҳимали эдики, уни бирон тирик жонзотга менгзай олмасдим. Бу улкан махлуққа узоқ тикилиб туролмай, нигоҳимни унинг эгаси – жулдурвоқи калтабақайга бурдим. Кийимининг илма-тешикардан кўриниб турган териси тоза, фақирона либоси покизалиги билан бошқаларникидан ажралиб турар, кўлидаги Библия эса чинакам хазина эди: тилла ва олмос суви югуртирилган жилди ялт-юлт қилади. Овози ўктам, сокин. Сўзлари аниқ-тиниқ, нутқи содда-кескин; кинояю қочиримлардан йироқлиги шундоққина билиниб турибди. У зигирча мутаассибликдан ҳоли равишда Библиядан ҳикоя келтирар, мабодо бирорта гап-сўзи ишончсиз чиқса, бу, шубҳасиз, оёғи остида ётиб, тингловчилардан сарғиш кўзларини узмаётган итнинг дастидан эди. Хўжайин ва кўппакнинг айнан мана шу тажассуми мени асир этди ва бутун диққат-эътиборим бу одамнинг кимлигини аниқлашга қаратилди. У Худонинг берган куни шаҳарда панд-насиҳатларини ўқишни қанда қилмасди. Гарчи ўз иши билан тун пардаси ёйилгунча машғул бўлса-да, ҳар сафар уни топиш амри маҳол кечарди. Шаҳар аниқ ва оддий чизма асосига қурилган эса-да, адашиб қолиш ҳеч гап эмасди. Ваъзхон маконини турли вақтда тарк этар, умуман айтганда, унинг хатти-ҳаракатларида кетма-кетлик кўринмасди. Гоҳида у уззукун бир майдондан силжимасдан тинимсиз сўйлар, гоҳида жойини ҳар чорак соатда алмаштирарди. Қачон қарама қора ва улкан ит унинг кетидан қолмас, юрганда-турганда ёнида бўлар, ваъзхонликни бошлаши билан тўшама йўлга ётиб оларди. Тингловчилар ҳадеганда топилавермас, кўпинча бир ўзи қаққайиб тураверарди. Фаҳмимча, у бундан заррача хижолат тортмасдан, жойидан жилмай жаврайверарди. Кўпинча уни кичикроқ кўча ўртасида таққа тўхтаб, баланд овозда муножот қилаётган ҳолда кўрардим. Нарироқда, кенгроқ кўчада эса ўтган-кет-



Фридрих ДЮРРЕНМАТТ
(1921-1990)

“Судья ва унинг жаллоди”,
“Адолат”, “Автохалокат”,
“Тибетдаги қишги уруш”, “Ой
тутилиши”, “Буюк Ромул”,
“Шаҳар”, “Пилат”, “Минотавр”
каби интеллектуал-фалсафий,
детектив роман, қисса, пьеса
ва ҳикоялар муаллифи.

Рус тилидан
Саиджалоли САИДМУРОДОВ
таржимаси.

ганлар унга қиё боқиб қўйишмайди. Уни зимдан кузатишнинг эвини қилолмадим, ҳар гал тасо-дифга таянардим – шу боис унинг кулбасини излашга тушдим, бироқ ҳеч ким уйини кўрсатиб беролмади. Бир гал кун бўйи ортидан изма-из бо-равердим. Бир неча кун уринишларим зое кетди, қанчалик ниятимни яширишга тиришиб, киши-билмас таъқиб қилмай, оқшомга бориб изсиз гоийб бўларди. Ниҳоят, бир оқшом кўчалардан биридаги уйга лип этиб кириб кеганини ўз кўзим билан кўрдим, билишимча, бу кўчада шаҳарнинг бойваччалари истиқомат қилади, бундан озмунча лолу ҳайрон бўлмадим. Ўшандан кейин юриш-ту-ришимни ўзгартирдим, яширинишни бас қилиб, унинг ён-верида ўралашавердим; мен унга сира халал бермасдим, аммо яқинлашим билан ит ириллашга тушарди. Шу тариқа бир неча ҳафта ўтиб кетди. Ёзнинг охирги кунларидан бирида у Юҳанно баён этган Каломни тамомлаб, қошимга келди ва уйигача кузатиб қўйишимни сўради. Йўл бўйи миқ этмади. Уйга кирганимизда, шунчалик қоронғу эдики, уй соҳиби каминани манзират этмиш каттакон хонада мойчироқ ёниб турарди. Хона кўча сатҳидан қуйида экан, эшик-дан ичкарилашимиз биланоқ бир неча пилла-поядан пастладик. Шунчалик кўп китоб териб ташланганидан девор кўринмасди. Мойчироқ та-гида – қорақарағай тахтасидан ясалган катта, жўн стол, ёнида тим-кўк кўйлақда бир қиз китоб ўқиб турибди. Қилт этмади. Хонада иккита дераза бўлиб, қалин пардалар осилган, битта деразанинг остига оддий тўшак ёзилган, унинг тўғрисидаги девор тагида каравот, стол ёнида – иккита стул. Эшик тагида эса печка. Яқинлашганимиз замон қиз ўгирилди ва мен унинг юзини кўрдим. У мен-га қўл узатиб, стулга ўтиришга илтифот қилди, шунда мен уй соҳиби тўшакка жойлашгани, ит эса унинг оёқларига бош қўйиб ётганига кўзим тушди.

– Менинг отам, – деди қиз, – у аллақачон ухлаб қолди, бизни эшитмайди. Итнинг лақаби йўқ. Бир куни кечаси отам ваъз айтаётганида, э йўқ-бе йўқ уйимизда пайдо бўлиб қолди. Эшик ёпиқ эди. Ит панжаси билан тутқични итариб, ичкарига кирибди.

Қизнинг қаршисида гарангсиб туравердим, кейин аста отаси ким бўлганини сўрадим.

– Отам жуда бой бўлган, бир қанча фабрикала-ри бор эди, – деди қиз кўзини ерга қадаб, – лекин у одамларга ҳақиқатни етказиш учун онам ва ака-укаларимни ташлаб кетган.

– Отанг тарғиб қилаётганларининг барчаси ҳақиқат деб ўйлайсанми? – деб сўрадим.

– Ҳа, шундай, – деб жавоб қилди қиз, – бунга ҳамиша ишониб келганман, шунинг учун ҳам отам билан шу ертўлага келиб яшайпман. Аммо ҳақиқатни ошкор қилишлари билан ит ҳам пайдо бўлишини билмагандим.

Қиз жимиб, худди мендан ниманидир юрак ютиб сўролмаётгандай мўлтиради.

– Кўппакни ҳайдаб юбор, – дедим, лекин қиз бош чайқади.

– Унинг лақаби йўқ, шунга ҳеч қаёққа кетмай-ди, – деди қиз шивирлаб. У эсанкираётганимни кўриб, стулга ўтирди. Мен ҳам чўқдим.

– Нима, кўрқасанми? – деб сўрадим.

– Мен ундан ҳар доим кўрққанман, – жавоб қилди қиз. – Бир йил бурун онам ака-укаларим ва адвокат билан келиб, отам икковимизни уйга қайтармоқчи бўлишганда, улар ҳам итдан ўлгу-дек ваҳимага тушишган. Кечаси ўрнимда ётган-нимдаям ундан чўчийман, лекин энди ҳаммаси бошқача тус олди. Мана, сен келдинг, энди ҳеч балодан кўрқмайман. Келишингни билардим. Албатта, қандай кўринишингни тасаввур қилиб кўрмаганман-у, аммо-лекин бир кун эмас, бир кун мойчироқ ёқилиб, кўчада шовқин тинган-да, отам билан кириб келишингга ишонардим. Ярми ерга ботган мана шу хонада, каравотимда, китоблар ёнида менга никоҳ кечасини ҳадя этиш учун келишингни билардим. Биз, эркак ва аёл, ана шундай ёнма-ён ётамиз, анави ерда, тўшакда отам ухлайди. Отам қоронғуда гўдак мисол ухлаб қолади, баҳайбат қора ит бўлса, бахтиқаро ишқи-мизга соқчилик қилади.

* * *

Севги қиссамизни қандай унутай! Уйига қай-таётган маст-аластларнинг алдам-қалдам қадам товушлари, гоҳ ўрин алмашаётган фоҳишалар-нинг саллоланиб одим отишлари, гоҳида эса саф тортиб кетаётган аскар этикларининг гурс-гурси, ундан сўнг жарангдор от туёқларининг тақ-тақи, файтон филдиракларининг гичир-гичири бизгача етиб келарди. Биз илиқ зимистонга чулганган ер остида ҳеч нарсадан кўрқмай-чўчимай ётардик, бир бурчакда, тўшакда сассиз ўликдай донг қотиб уй соҳиби ухлар, ит оининг сариқ гардиши мисол икки кўзини биздан узмай пойлоқчилик қиларди.

* * *

Ловуллаб-қизариб олтин куз келди, ундан сўнг бултурги мисли кўрилмаган аёзсиз, сассиз, мўъта-дил қиш келди. Ошна-оғайниларим билан та-ништириб, театрга (қайсики буюк ишлар амалга оширилаётган) бирга бориш ёки оқшом чўкаётган

маҳал шаҳарга туташиб кетмиш тўлқинсимон тепаликларда ястаниб ётган ўрмонда сайр қилиш учун қизни бирон марта ертўладан алдаб-сулдаб олиб чиқолмадим – у доим, қорақарағайдан ясалган стулга қапишганча, уйда қолар, отаси баҳайбат ит билан қайтиб келганда, деразалардан тушиб турган сарғимтил нурлар остида мени тўшакка тортарди. Иттифоқо, кўчалари чилп-чилп лой шаҳарда қор эриб улгурмаган эрта кўклам чоғи қиз хонамда пайдо бўлди. Деразадан қуёшнинг синиқ нурлари тушиб турибди. Шом яқинлашяпти, печкага бир-икки гўла ташлаган бўлдим. Шу дам остонада бўздек оқариб, титраб-қақшаб қиз пайдо бўлди, афтидан музлаб қолганди, эгнида пальтоси йўқ, биргина тим-кўк кўйлагиди. Оёқларида, хув, ўшанда, уни илк бор учратганимдаги қизил мўйнали туфлиси.

– Итни ўлдир, – деди қиз нафаси бўғзига тиқилиб. Сочлари ёйилган, кўзлари ола-кула. Арвоқнинг ўзгинаси. Шкафни очиб, тўппончани олдим.

– Бир кун келиб мендан шу нарсани сўрашингни билгандим, – дедим, – шунга атаб қурол сотиб олганман. Буни қачон қилишим керак?

– Ҳозироқ, – деди қиз астагина. – Отам ҳам итдан кўрқяпти, авваллари ҳам кўрққан экан, энди тушундим.

Тўппончани текшириб, пальтомни кийдим.

– Улар ертўлада, – деди қиз ерга қараб. – Отам куни бўйи тўшагида қимир этмай ётибди, туришга кўрқяпти. Ҳатто ибодат ҳам қилолмаяпти, ит эса эшик тагига ётиб олган.

Дарё томон тушиб, тош кўприқдан ўтдик. Само аланга олаётгандай тўқ-қизил тусда. Боягина қуёш ботди. Шаҳар одатдагидан кўра жонланган. Кўчаларда одамлар ва машиналар зув-зув қатнайди. Улар гўё аллатовур қонли денгиз аро сузишарди, негаки дераза ва деворларда қип-қизил шафақ нурлари жилваланарди. Биз оломонга қўшилиб кетдик. Ғала-ғовур, зув-зув авоз баттар авж оларди. Биз қаттиқ тормоз берган автомобиллар ва кўзлари нурсиз ўт сочиб турган каттакон махлуқ мисол чайқалиб кетаётган омнибуслар орасидан ўтиб, зўр бериб имо-ишоралар қилаётган кулранг дубулғали полициячилар ёнидан шошиб бордик. Мен шундай шиддат ила олға интилдимки, қиз анчагина ортда қолди; ниҳоят ҳарсиллаб, пальтом тугмалари ечилиб,

қуюқлашаётган бинафшаранг оқшомни қарши олиб, юқорилаб, керакли кўчага кириб бордим. Ҳайхот, кеч қолибман. Қўлимда тўппонча билан шитоб-ла ертўлага сакраб, эшикни зарб билан теппиб очиб кирганимда, ойнани синдириб, кўчага отилган қўрқинчли махлуқнинг улкан соясини кўриб қолдим. Полда ит таниб бўлмас даражада ғажиб ташлаган уй соҳиби оғзидан кўпиги келиб, қора қонга беланиб ётарди.

Кўрқувдан дағ-дағ титраб, деворга суянганча, китобларга кўмилиб турганимда, кўчада машиналар сигнали янгради. Замбил кўтарган одамлар кириб келишди. Кейин жасад тепасида турган врачнинг гира-шира қиёфасини, тиш-тирноғигача қуролланган бўздек оқарган полициячиларни кўрдим. Ҳаммаёқни оломон босди. Овозим борича қизни чақирдим. Шаҳар ичига отилдим, тагин кўприқдан ўтиб, уйимга келдим. Қиз йўқ. Руҳим тушиб, уйқу, тин олишни билмай, еб-ичишни-да унутиб, қизни ҳар ердан қидирдим. Полиция оёққа турди. Ўша баҳайбат итдан ҳамма кўрқаркан, қидирувга маҳаллий гарнизон аскарлари ҳам жалб қилинди, улар занжир бўлганча атрофдаги ўрмонларнинг тит-питини чиқариб оралаб чиқишди. Лойқа дарёда тинмай қайиқлар оқиб турди, узун-узун ходалар билан дарё тубини текширишди.

Шаҳар ва теваарак-жавонибга кўкнинг илиқ кўз ёшларини тўкканча кўклам келди. Қидирув ишлари тош конидаги ғорларга кўчди. Қўлларда машъала билан қизни бақариб чақиришди. Уни канализация туннелларида, ҳатто маҳаллий черков томи остларидан ҳам излашди. Шундан кейин қиз билан итни қайтиб ҳеч ким кўрмади.

Орадан уч кун ўтиб, қоқ ярим тунда уйга қайтдим. Бор умидимни узиб, ечиниб-нетмасдан, ўзимни каравотга таппа ташладим ва шу аснода кўчадан қадам товушлари эшитилди. Чопиб бориб, деразани ланг очдим-у, тун бағрига кўз тикдим. Пастда ҳали ёмғир суви қуриб улгурмаган қоп-қоронғу кўча ичакдай чўзилиб ётибди. Ҳўл асфальтда кўча чироқларининг нурлари нотекис заррин доғдай аксланиб турибди, кўча бўйлаб дарахтлар ёнидан қорамтир кўйлак ва қизил туфлида қиз кетиб борарди, тарам-тарам узун сочлари кўкиш товланади, унинг ёнида мулоким-ювошгина бўлиб, сарғиш кўзлари йилтиллаб, қаро тундай қоп-қора ит лакиллаб борарди.



Bir kuni Maqsud Shayxzoda...

Ўзларидан сўрасак

Кунлардан бир кун қишлоқдаги учрашувда Шайх ака кекса отахон билан қўли олиб сўрашаркан, одатига биноан, дарҳол “Ўзларидан сўрасак?” дейди.

Умрида меҳнатдан бошқа нарсани билмаган боёқиш отахон бу гапнинг мағзини чақолмай, бир зум гарангсиб қолади. Фақат, шоир нари кетгач, ёнидаги одамга қараб, шундай дермиш: “Мендан нимани сўрайди? Ана, раисдан сўрасин?..”

”Переводчи“

Адабиётга мутлақо алоқаси бўлмаган бир одам Шайх акага шундай дебди:

– Пенсияга чиққанимдан кейин переводчилик қилмоқчиман.

Шайх ака ҳозиржавоблик билан илмоқли савол бериб, у кишини мулзам қилибди:

– Унда “перевод” деган сўзни нима деб перевод қиласиз?

Ҳаваскорнинг соғлими

Ҳовлиқмароқ бир ҳаваскор қаламкаш Мақсуд Шайхзодага шеърларини кўрсатиб, маслаҳат сўраркан, ногоҳ шундай деди:

– Устоз, айтишларича, истеъдодли шоирларнинг аксарияти касалманд ва дарвешроқ бўларкан, шу гап ростми?

– Рост, рост, – дейди шоир ҳаваскорнинг юзига андак ажабсиниб, қараб қўйгач, – аммо хавотирлангманг, сиз соппа-соғсиз!

Мажлис чўзилса

Шайх ака ҳамкасблари билан жуда самимий, илиқ муносабатда бўлган. Айниқса, Ойбек ва Миртемир билан жуда иноқ эди. Бир куни Ёзувчилар уюшмасида мажлис бўлади. Йиғилиш ҳаддан зиёд чўзилиб кетгани учун кўпчилик қалам аҳли очликдан силласи қуриб, ҳолдан тояди. Ниҳоят, мажлис тугагач, Миртемир домла Шайхзоданинг олдига келиб, оҳиста сўрайди:

– Овқат масаласига қандай қарайсиз, Шайх ака?

– Тўрт кўз билан қараймиз-да, – дейди шайх ака кўзойнагини тўғрилаб.

Шодмон ОТАБЕК